

А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада  
Халқаро Кришнани англаш жамиятининг  
асосчиси ва руҳий устози

## Ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлади

Бхактиведанта бук траст

А.Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупада  
Халқаро Кришнани англаш жамиятининг асосчиси  
ва руҳий устози

Жизнь происходит из жизни

Ўзбек тилига таржима  
Ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлади  
Шахсий кутубхона  
Ташкент 2008

ISBN 91-85580-86-4  
ISBN 586175-004-1

### Сўзбоши

Замонавий олимларнинг гаплари ҳаммаси текширилган ва исботланган ҳақиқат деб ўйлашга одатланиб қолган кишилар учун бу китоб қутилмаган ҳодиса бўлиши аниқ. “Ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлади” асари бир неча суҳбатлардан иборат бўлиб, уларда замонавий илм-фаннинг одамлар орасида кенг тарқалган турли ғоялари, илм ўрганиш усуллари ва баъзи хулосалари танқидий равишда таҳлил қилинади. Бу суҳбатларда давримизнинг энг буюк файласуф ва донишмандларидан бири Бхактиведанта Свами Прабхупада фандаги, **ҳаётнинг мазмуни ва унинг келиб чиқиши** борасидаги ҳозирги даврда одамлар орасида кенг тарқалган нотўғри тасавурларнинг келиб чиқишига сабабчи бўлган бир қанча **нотўғри ва ҳеч қандай асосга эга бўлмаган илмий тахминларни** фош қилади.

Бу китобга Шрила Прабхупаданинг 1973 йилда Лос-Анжелес атрофида эрталабки сайр пайтларида шогирдлари билан олиб борган суҳбатлари киритилган. Бу суҳбатларда Шрила Прабхупада илм-фан билан боғлиқ бўлган савол-жавобларни асосан шогирдларидан бири, доктор Тудам Сингх билан олиб боради. Органик-кимёшунос олим, фан доктори Сингх ҳозирги даврда “Табиатшунослик, фалсафа ва теология бўйича Халқаро Бхактиведанта илмий-тадқиқот Институти”га раҳбарлик қилади.

Ер шарининг қайси бурчагида бўлмасин, Шрила Прабхупада ҳар куни эрталаб, ҳали ҳаво сукут ва осуда осойишталикка ғарқ бўлган пайтда иссиқ шарфга

ўраниб олганча узоқ вақт тоза ҳавода сайр қилишга чиқиб, ўз ҳаётининг ана шу марокли дамларини бир гуруҳ шогирд ва издошлари билан ширин суҳбатда ўтказарди. Баъзан у табиат гўзаллигига маҳлиё бўлиб, деярли ҳеч ким билан суҳбатлашмасдан чуқур фикр-мулоҳазаларга ғарқ бўларди. Баъзан эса, у шижоат ва ихлос билан ҳар хил мавзуларда узоқ гапирарди. Ана шундай суҳбатларда у фалсафий суҳбатлар ҳамиша албатта қуруқ ва мужмал эмас, балки, худди шамширдай ўткир бўлиб, инсонга ҳаётнинг турли соҳаларига чуқур кириб бориш имконини беришини яққол намойиш этарди. Шрила Прабхупада ўзига хос ўткир зехн, руҳий зийраклик ҳамда ғайритабиий топқирлик билан, одатда оддий одамлар кўзига ташланмайдиган, баъзи бир муаммоларни шафқатсиз равишда ёрқин ошкор этган. Шогирдлари билан суҳбатлашар экан, гоҳида уларни баҳс-мунозарага чақирар, гоҳида уларни қўллаб-қувватлар, ўзининг донолиги билан ҳайратга солганча ғамхўрлик билан уларни ҳаёт ҳақидаги бу нодир илмни тобора чуқурроқ тушуниб олишга илҳомлантириб, Ҳақиқат илмидан таълим берарди.

Шрила Прабхупада(1896-1977) бутун жаҳонга ёзувчи, олим ва руҳий устоз ҳамда ғарбий давлатлардаги кўпчилик одамларни Ҳиндистоннинг буюк маданияти билан таништирган маданият элчиси сифатида танилган. “Ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлади” асарида Шрила Прабхупада ўзини файласуф ва ижтимоий танқидчи сифатида намоён этади. Фалсафий аниқлик ва ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайдиган ошқоралик билан у **замонавий илм-фан қўлланаётган ҳаётни ўрганиш усуллари**нинг номукамаллигини ва олимларнинг **содда одамларга исботланган аниқ факт сифатида усталик билан тақдим этаётган никобланган ёлғонларини** ҳамда **умуман текширилмаган ва текшириб бўлмайдиган** ғояларини фош этади. Шу тариқа Шрила Прабхупада олимларнинг илм-фан никоби остида ҳозирги одамлар кўзини шамғалат қилиб юрган ҳаёт ҳақидаги нотўғри уйдирмалардан иборат ғофиллик туманини тарқатиб юборади.

## Кириш

### Фан: ҳақиқат ва уйдирма

Илм-фаннинг узлуксиз ривожланиши олимларни “модда эмас... балки ҳаёт мангу” эканини тан олишга мажбур қилмайди деб ким айта олади? ...ким билади, балки 10 000 йилдан кейин инсон барибир “аслида модда ҳаётдан келиб чиққан” деган фикрга келар. Луи Пастер.

Шундай замонлар бўлганки, унда кўпчилик одамлар(худди эртақдагидай), магазинлардан сотиб олаётган ҳамма маҳсулотлари сифатли, фойдали ва уларга зарарли моддалар аралаштирилмаганига, телевизорда берилётган рекламаларга ҳамда маҳсулотларга ёпиштирилган этикеткадаги ёзувларнинг ростлигига ҳеч шубҳаланмасдан ишонганлар. Шундай замонлар бўлганки, одамлар ҳукуматни бошқариб турган раҳбарлар – давлат арбоблари ҳамда маҳаллий ҳукмдорларнинг соф виждонли инсонлар эканига ишонардилар. Бир пайтлар биз фарзандларимиз мактабларда яхши таълим-тарбия олишига ишонардик. Бир вақтлар атом энергияси фақат тинчлик йўлида ишлатилишига, у бахтиёр ва соғлом жамият ҳаётига ҳеч қандай зарар етказмаслигига ишонардик.

Лекин, энди бизларнинг кўзимиз очилди. Энди озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган фирмалар харидорларни қандай алдаётгани, заводлар ва атом электростанциялари радиоактив чиқиндиларни дарёларга оқизаётгани ҳақидаги хабарлар вақти-вақти билан қулоғимизга чалинади, сиёсий раҳбарларнинг порахўрлиги эса, аллақачон ҳеч кимга сир бўлмай қолган. Мана шу фактларнинг ҳаммаси эндиликда аввалги содда ишонувчанлигимиздан асар ҳам қолдирмай, кўзимизни мошдай очган. Энди ҳеч кимга сир эмаски, оммавий ахборот воситалари ёрдамида, мисли кўрилмаган усталик билан, ёлғон-яшиқ гаплар ёрдамида **одамларни шундай алдаб қўйиш мумкинки, ҳеч ким ёлғонни ростдан, ҳақиқатни бўҳтондан ажрата олмай қолади.**

Айниқса, оддий одамлар кира олмайдиган ҳашаматли иморатлар ичига қамалиб олган олимлар ҳаммадан ҳам кўпроқ вақтдан бери ўзларининг “ҳақиқат пешволари” деган мартабасини сақлаб қолишга эришиб келганлар. Жамиятнинг бошқа барча соҳалари ичида ҳақиқат изловчилар ҳамда уни омма орасида тарқатувчилардан иборат илм-фан, маърифат соҳасига алоҳида хурмат-эътибор берилган. Фан ва техниканинг кишини ҳайратга соладиган тараққиёти ҳамда замонавий олимларнинг эришган ютуқлари бу соҳага бенуқсон пок соҳа сифатида шуҳрат келтирганди. “Ер ҳақида очерклар” деган асарида Ирвинг Томпсон шундай деб ёзади: “**Худди, қадимда диндорларнинг мартабасига тил теккизган киши жазосиз қолмагани сингари, ҳозирги даврда замонавий илм-фан тақдим этаётган хабарларга шубҳа қилган киши “ақлдан озган, жинни” деган иснодга қолади**”. Лекин аслида таълим-тарбия тизимида, саноатда ва ҳукумат таркибида барча асосий лавозимларни эгаллаб олган олимлар илмий-тадқиқот ишларининг натижаларини ўзларининг шахсий манфаатларига мос равишда ўзгартиришга жуда моҳир уста эканлиги билан аллақачон шуҳрат қозонганлар.

Бундай шароитда ҳақиқатни излаш жараёни ўрнини сохта илм-фан эгаллаб олади, бу эса, муқаррар салбий оқибатларга олиб келади: фактлар ўзгартирилиб, бўҳтон ва сохта маълумотлар халққа ҳақиқат ўрнида тақдим этилади. Энг ачинарлиси шундаки, мана шу ғайриилмий усул илмий изланишнинг энг муҳим соҳасида – ҳаётнинг пайдо бўлиши ва унинг табиатини ўрганиш соҳасида ҳам қўлланилади. Шунга қарамай, оддий одамлар олимларнинг **ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги теширилмаган, тасдиқланмайдиган гипотеза ва тахминларини** ишониб қабул қилаверадилар.

Баъзи олимлар “инсон шунчаки онгсиз молекулалар бирикмасидир” деган тасаввурни тарғибот қиладилар, лекин улар, қандай қилиб ана шу оддий молекулалар бирикмаси суюкли кишини учратганда қувонишини ёки ундан ажралганида қайғуга ботишини тушунтириб бера олмайдилар.

Яқинда Лос-Анжелесдаги “Табиатшунослик тарихи Музеи”да ҳар хил ампула ва пробиркалардан иборат катта кўрғазма намойиш этилди. Бу пробиркаларнинг ҳар бирига инсон танасидан топилган кимёвий унсурлар жойланган эди. Кўрғазмага берилган изоҳда ёзилганки, ана шу унсурларнинг ҳаммаси ҳақиқатан ҳам инсон танасида аниқ мавжуд экани ҳамда улар бу ерда инсон танаси таркибида қанча бўлса, шундай миқдорда қўйилган бўлишига қарамай, уларни тирик деб бўлмайди ва уларни тирилтирадиган илмий усул ҳам йўқ.

“Атом реакциялари” асарининг муаллифи Майкл Полиани шундай деб ёзади: “**Ҳозирги биология фани “тирикликнинг моҳиятини химия ва физика ёрдамида тўла тушунтириш мумкин” деган тахминга асосланган. Физика билан химия эса, фақат атом зарраларининг ўзаро ҳаракатларини юзага келтирадиган кучларни таърифлаб беради, холос... Инсон ҳаёти ҳақидаги нотўғри тасаввуримизнинг асосий сабаби ҳам мана шунда: бу билан биз инсонни ё ҳис-туйғуларсиз роботга, ё кўзи кўр эҳтирослар бирикмасига айлантириб қўямиз. Ҳозирги даврда **илм-фан тоталитар ҳокимият қўлида қўғирчоқ бўлиб**, хатарли адашишлар манбаига айланиб қолганининг сабаби ҳам шунда”.**

Ҳозирги даврда кўпчилик олимлар “ҳаёт аслида моддадан келиб чиққан” деган ғояни тарғибот қиладилар. Илмий-оммабоп китоблар ва дарсликларда ёзилиши бўйича ҳаёт аминокислоталар, оксиллар ва бошқа унсурлардан иборат кимёвий бирикмалардан пайдо бўлган. Лекин, фан бу гипотезани на ўз тажрибаларида, на назарий йўл билан исботлаб бера олмайди. Бу таълимот тўлалигича олимларнинг кўр-кўрона ишончига асосланган бўлиб, уларнинг ана шу ишончини ҳеч қандай илмий фактлар билан ўзгартириб бўлмайди. Физик олим Хьюберт Йои ўзининг ахборот назарияси ёрдамида исботлаб бердики, бутун бир инсон организми нари турсин, ҳатто оксилнинг битта цитохрома молекуласи ҳам Ер сайёраси мавжуд бўлган бутун давр мобайнида тасодифан пайдо бўлиши мумкин эмас. У шундай деб ёзади: “Шуни тан олиш лозимки, ҳозирги даврда мавжуд бўлган ва қабул қилинган барча тахмин ва назарияларга қарамай, Ер юзиде **ҳаёт қандай пайдо бўлишини таърифлаб берадиган**, лекин, шунчаки ишончга эмас, балки аниқ фактларга асосланган **илмий таълимот ҳали яратилмаган**”.

Худди шундай, баъзи олимлар қуёш, юлдузлар, сайёралар, галактика ҳамда онгли ҳаёт қутилмаганда “катта портлаш” натижасида юзага келган, деган ғояни

қўллаб-қувватлайдилар. Принстон Университети ходими доктор Эдвин Годвин, Ер сайёрасининг шу тарзда пайдо бўлиш эҳтимолини худди типографияда тасодифан портлаш юз берса, ўзидан-ўзи инглиз тилининг катта луғати китоби юзага келиб қолиш эҳтимоли билан тенглаштиради.

Машхур биолог У. Г. Торп шундай деб ёзади: “Ҳаётнинг келиб чиқиши муаммоси илм-фаннинг “биология - фақат физика ва химиядан иборат” деб исботлаш борасидаги барча уринишлари йўлида катта тўсиқ бўлиб қолаверади”. Эйнштейн айтганки: “Илм-фан билан жиддий шуғулланган ҳар қандай олимнинг ишончи комилки, коинот қонунларида қандайдир олий тафаккур – инсон тафаккурдан чексиз даражада кучли бўлган тафаккур мавжудлиги сезилиб туради. Биз ўзимизнинг камтарин имкониятларимиз билан ана шу юксак онг олдида эҳтиром билан бош эгишимиз лозим”.

“Ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлади” асарида оддий мантиқ, соғлом фикрлаш асосида ҳаётни шунчаки атом ва молекулалардан иборат деб қараш мумкин эмаслигини, модда ўзидан ўзи, ҳаёт кучининг, яъни, рухнинг ёрдамисиз ҳеч қачон ҳаёт ярата олмаслигини кўрсатиб беради. Олимларнинг ақл-идроки, меҳнати ва уларга сарфланаётган маблағлар инсониятга ҳақиқий бахт-саодат келтириши учун мазкур китоб олимларни чуқур фикр-мулоҳаза юритишга ва **ҳақиқатни излаш йўлида ҳалол ва пок виждонли бўлишга** ундайди деган умиддамиз.

Тудам Дамодара Сингх.

Биринчи суҳбат  
Лос-Анжелес, Чевюит-Хиллз хиёбони.  
1973 йил.18-апрель.

## Бошқа сайёраларда ҳаёт бор

**Шрила Прабхупада:** Ҳатто Қуёш ва Ойда ҳам тирик мавжудотлар яшайди. Бу ҳақда олимларни фикри қандай?

**Доктор Сингх:** Уларнинг фикрига кўра Қуёшда, Ойда ҳаёт йўқ.

**Шрила Прабхупада:** Бўлмаган гап. У ерда ҳаёт бор!

**Доктор Сингх:** Уларнинг фикрига кўра, Ойда ҳаёт йўқ, чунки улар ойда тирик мавжудот учратмаганлар.

**Шрила Прабхупада:** Улар қандай қилиб бунга ишонадилар? Ой сайёраси чанг билан қопланган, лекин тирик мавжудот ҳатто ана шу чангга ҳам яшай олади. Ҳар қандай муҳитда ҳаёт кечириш мумкин. Истаган муҳитда. Шунинг учун Ведалар(ведалар)да тирик мавжудот *сарва-гата* деб аталган, бу “ҳар қандай шароитда мавжуд бўла оладиган” деган маънони англатади. Тирик мавжудот моддий жисм эмас. Гарчи у моддий тана ичига қамалган бўлса ҳам, ўзи моддий табиатга эга эмас. Биз ҳар хил муҳит, турли атмосфералар деганда ҳар хил моддий шароитларни назарда тутамиз.

**Карандҳара:** Улар айтадиларки, Ойнинг атмосфераси ҳаёт учун яроқли эмас, лекин улар Ойдаги муҳит фақат бизга маълум бўлган ҳаёт тури учун яроқли эмаслигини тасдиқлай оладилар.

**Шрила Прабхупада:** Ведаларда айтилганки, тирик мавжудотнинг мавжудлиги моддий шароитга боғлиқ эмас. Уни ёқиб, куйдириб, кесиб, қуриштириб ёки сувда чўктириб яқсон қилишнинг иложи йўқ. Бу "Бхагавад-гита"(2)да айтилган.

**Доктор Сингх:** Олимларнинг фикрига кўра, уларнинг мана шу сайёрадаги ҳаёт ҳақидаги тасаввури бошқа сайёралардаги ҳаёт шаклига ҳам мос келиши керак.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Улар биринчи навбатда фақат ўзлари ҳақида ўйлайдилар. Улар ўзлари яшаётган шароитдан келиб чиққан ҳолда жуда тор фикр юритадилар. Биз буни “доктор Қурбақа фалсафаси” деб атаймиз(Кулги.).

“Қудукда бир қурбақа яшар экан. Бир куни у танишидан Атлантика океани ҳақида эшитиб қолиб, унга савол берибди: - Атлантика океани дегани нима ўзи?

- Катта сув ҳавзаси.

- Катта? Наҳотки, у мен яшайдиган қудукдан икки марта катта бўлса?

- Йўқ, у жуда катта! – дебди таниши.

- Менинг қудуғимдан неча марта катта? Ўн мартами, йигирма мартами?...

Қурбақа шу тарзда океанни тасаввур қила бошлабди. Наҳотки, шундай йўл билан океаннинг қанчалик катта эканини тушуниб олиш мумкин бўлса? Бизларнинг имкониятимиз, тажрибамиз ва фикрлаш қобилиятимиз чекланган. Олимларнинг барча фикр-мулоҳазалари охир-оқибатда қурбақа фалсафасидан бошқа ҳеч қандай натижа бермайди.

**Карандҳара:** Улар фақат ўзлари бевосита ўтказган тажрибаларга таяниб хулоса чиқаришга асосланган “илмий поклиги”ни жуда қадрлайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Сиз ўз тажрибангизга таянасиз, мен ўз тажрибамга. Нега энди мен сизнинг тажрибангизга ишоним керак? Агар сиз аҳмоқ

бўлсангиз-чи, мен ҳам аҳмоқ бўлишим керакми? Балки сиз курбақадирсиз, лекин, мен кит бўлсамчи? Нимага энди мен ҳамма нарсани сизнинг тарозингиз билан, сизнинг қудуғингиз ўлчами билан ўлчамим керак? Сизнинг ўз ўрганиш усулингиз бор, менинг ўз ўрганиш йўлим бор.

**Доктор Сингх:** Ойнинг юзида сув тополмагандан кейин олимлар “у ерда ҳаёт бўлиши мумкин эмас” деб хулоса чиқарганлар.

**Шрила Прабхупада:** Улар Ойнинг ҳамма жойини кўрмаганлар. Масалан, бошқа бир сайёрадан Ер сайёрасига кимдир учиб келади ва Арабистон чўлига қўниб, оркасига қайтиб кетади. У Ер сайёраси ҳақида аниқ тасаввурга эга бўла оладими? Унинг Ер ҳақидаги илми тўлиқ бўлмайди.

**Карандҳара:** Уларда сув бор-йўқлигини аниқлайдиган асбоб бор. Улар шу асбобни Ой орбитасига чиқарганлар ва унинг берган маълумоти асосида “сув йўқ, демак, бу ерда ҳаёт бўлиши мумкин эмас” деган хулосага келганлар.

**Шрила Прабхупада:** Ҳатто ҳақиқатан ҳам у ерда худди Куёш атмосферасидай сув бўлмаса ҳам, барибир Ойда тирик мавжудотлар яшайди. Қандай қилиб чўлда, умуман сув бўлмаган жойда кактус яшай олади?

**Карандҳара:** Кактус сувни атмосферадан олади.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Чунки атмосферада ҳаёт учун зарур бўлган ҳамма унсурлар бор: ер, сув, олов, ҳаво ва эфир. Ҳар қандай моддий жисмда мана шу унсурлар албатта мавжуд. Масалан, гарчи сиз буни кўрмасангиз ҳам, менинг танамда сув бор. Танамдаги ҳарорат қаердан чиқяпти? Сиз оловни кўрмаяпсиз. Сиз менинг танамдаги оловнинг қандай ёнишини кўра оласизми? Йўқ. Унда ҳарорат қаердан пайдо бўляпти? Бунга қандай жавоб берасиз?

## Ҳар бир атомда коинот тасвирланган

**Шрила Прабхупада:** Модда – беш қўпол: ер, сув, олов, ҳаво ва эфир ҳамда уч нафис унсур: ақл, тафаккур ва сохта ўзликнинг бирикмаси.

**Карандҳара:** Ведалар таълимотига кўра моддий қувват сохта ўзликдан бошланади, у кейин тафаккурга айланади, кейин ақлга, шундан кейин эса, навбат билан қўпол унсурларга: эфир, ҳаво, олов ва ҳоказо. Демак, ҳар қандай моддий жисм бир хил бошланғич унсурлардан таркиб топган. Тўғрими?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Моддий оламнинг пайдо бўлиши худди кичкина уруғ униб чиқиб, ўсиб катта банян(3) дарахти бўлиб етишига ўхшайди. Ҳеч ким ана шу кичкина уруғда катта дарахтни кўришга қодир эмас, лекин унда дарахт бўлиб етишиш учун зарур бўлган барча унсурлар, шу жумладан тафаккур ҳам мавжуд. Аслида ҳар кимнинг танаси бир олам, коинотнинг кичкина нусхасидир. Сизнинг танангиз ва менинг танам – ҳар хил кичик коинотлардир. Шунинг учун танамизда, худди бутун коинотдаги сингари, барча саккиз турли моддий унсурлар мавжуд. Худди шундай ҳашаротнинг танаси ҳам – коинотнинг кичик нусхаси.

**Карандҳара:** Атомчи?

**Шрила Прабхупада:** Унга ҳам худди шу коидани қўллаш мумкин: ҳар бир атомда ҳам барча унсурлар мавжуд. *Анор анийан махато махийан*(Катха упанишад.1.2.20). Бу дегани, моддий жисмнинг ўлчами қандай бўлишидан қатъий назар, у бир хил бошланғич унсурлардан таркиб топган. Бу қоида моддий оламнинг ҳамма жойида ўз кучини сақлаб қолади. Худди

аёлларнинг кичкина қўл соатида у нормал ишлаши учун зарур бўлган ҳамма нарса бўлгани сингари, хатто чумолига ҳам ўз муаммоларини ҳал қилиб яшаши учун етарлича ишлай оладиган мия ато этилган. Бунинг қандай иложи бўлиши мумкин? Бунга етарлича тўлиқ жавоб бериш учун чумоли миясини синчиклаб ўрганиш керак. Лекин сиз бунга қодир эмассиз. Бундан ташқари, чумолидан ҳам анча кичик бўлган сон-саноксиз ҳашаротлар мавжуд. Шундай қилиб, мана шу турли туман фаолиятни амалга оширадиган қандайдир механизм мавжуд, лекин дунёвий олимлар уни аниқлай олмайдилар.

## Нисбийлик ва билим

**Шрила Прабхупада:** Барча тирик мавжудотларга моддий оламда мавжуд бўлган асосий тўрт турли фаолият - еб-ичиш, ухлаш, жинсий алоқа қилиш ва ўзини муҳофаза қилишни амалга ошириш учун зарур бўлган тафаккур ато этилган. Мана шу тўрт қоида хатто атомга ҳам тааллуқли. Инсон бошқа барча тирик мавжудотлардан фақат “Худони англаб етишга қодир бўлган қўшимча тафаккур ато этилгани” билан фарқ қилади. Мана шу **инсонни бошқа тирик мавжудотлардан ажратиш турадиган ягона фарқдир**. Овқатланиш, ухлаш, жинсий алоқа ва ҳимояланишни ҳамма жойда кузатиш мумкин. Сиз дарахтлар қандай ўсишини кўргансиз. Дарахтнинг пўстлоғи тепага қараб ўсмайди; у дарахтнинг атрофини ўраб ўсади(Шрила Прабхупада дарахт пўстлоғи қандай ўсишини имо-ишора билан кўрсатади). Дарахтнинг онги бор: “Агар бу тарафга қараб ўссам, тўсиққа дуч келаман, шунинг учун мен бошқа йўлдан бораман”. Лекин дарахтнинг кўзлари қаерда? У қандай қилиб кўради? Унинг онги, ақл-идроки бор. Унинг тафаккури бизникичалик даражада ривожланмаган бўлиши мумкин, лекин барибир унинг тафаккури бор. Ёш болада ҳам, отасиникидай ривожланган бўлмаса ҳам, барибир тафаккур, ақл-идрок бор. Вақти келиб бола ҳам катталарникидай танага эга бўлади, шунда унинг тафаккури ҳам тўла ривожланади ва ўзини намоён этади.

**Д-р Сингх:** Демак, тафаккур - нисбий тушунча?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Ҳамма нарса нисбий. Сизнинг ўз танангиз, ўз умрингиз бор, чумолининг ўз ҳаёти, ўз умри бор. Бизлар ҳам, чумоли ҳам юз йил яшаймиз, лекин, ана шу “юз йил”нинг қанчалик узунлиги бизнинг танамизга боғлиқ. Ҳатто Брахма, бу коинотда энг узоқ умр кўрадиган тирик мавжудот ҳам юз йил умр кўради. Бизга чумоли атиги бир неча кун умр кўрадигандай бўлиб туюлиши мумкин. Худди шундай, атмосфераси Ерникидан фарқ қиладиган бошқа сайёраларда ҳам ўша сайёра шароитига мослашган ҳаёт шакллари мавжуд. Лекин олимлар ҳамма нарсага Ердаги шароитга мослашган нуқтаи-назар билан қарашга уринадилар. Бу албатта нодонликдир. Нимага улар шундай йўл тутадилар? Агар бутун космик олам нисбийлик қонунига бўйсунадиган бўлса, бизнинг сайёраимизда яшаш учун яратилган шароит бошқа сайёралардаги ҳаёт шароитига мос келиши кераклигини олимлар қандай тушунтирадилар?

Ведаларда айтилганки, ҳар қандай илмга *деша-кала-патра* нуқтаи-назаридан қараш лозим. *Деша* ибораси “вазият”, *кала* – “замон”, *патра* ибораси эса, – “жисм” деганни билдиради. Ҳар қандай ҳодисага мана шу уч шартни ҳисобга олган ҳолда ёндошиш лозим. Масалан, балиқ ўзини сувда жуда яхши ҳис қилади,

бизлар эса, денгиз соҳилида совукдан титрай бошлаймиз. Бунинг сабаби шундаки, *деша-кала-патра* бир-биридан фарк қилади. Агар биз чайкалар ҳам сувга тушганда совукдан титрайдилар, деб ўйласак, бк нодонлик бўлади; уларнинг *деша-кала-патраси* бошқача. Космик моддий оламда 8400000 турли тирик мавжудотлар мавжуд, уларнинг ҳар бири шароитга ўзича мослашиши лозим. Ҳатто ана шу сайёрада ҳам сиз ҳамма жойда ўзингизни бирдай ҳис қилмайсиз, масалан, ҳатто Аляска Американинг бир қисми бўлишига карамай, сиз Аляскада ўзингизни бу ердагидай эркин ҳис қилмайсиз. Худди шундай Аляскада лаззатланиб яшаётган тирик мавжудотлар ҳам бу ерга кўчиб келмайдилар.

**Карандхара:** Демак, нисбийлик ўзимиз эгаллаб турган маълум бир ҳолатимизга боғлиқ бўлади.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Шунинг учун ҳам: “Кимгадир озука бўлган нарса бошқа биров учун заҳар бўлади” деган гап бор.

**Брахмананда:** Олимлар ўзлари Ойда яшай олмагани учун унда ҳеч ким яшай олмайди деб ўйлайдилар.

8.600.000.000 йилга тенг бўлган кун

**Д-р Сингх:** Ёмони шундаки, бу дунёдаги ҳар бир инсон ҳамма нарса ҳақида ўзи яшаб турган шароитдан келиб чиққан ҳолда хулоса чиқаради, бу эса, - нотўғри.

**Шогирд:** Ўзининг қишлоғидан четга чиқиб кўрмаган киши учун олам шу қишлоқнинг чеккасида тамом бўлади.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Қурбақа ҳамма нарсани ўзи яшаган қудуқ ўлчами билан ўлчайди. Океан чексиз катта, лекин қурбақа уни ўз қудуғи билан ўлчайди. Худо ҳам чексиз буюк, лекин биз Унинг буюклигини ўзимизнинг нисбий буюклигимизга таққослашга уринамиз. Шундай ҳашаротлар борки, улар тунда туғиладилар, ўсиб улғаядилар, насл қолдирадилар ва тонг отмасдан ўлиб кетадилар. Улар ҳеч қачон тонгни кўрмайдилар. Шунинг учун, агар улар “тонг дегани умуман йўқ нарса” деб ўйласалар хато бўлади. Худди шундай, бизлар ҳам, шастра(муқаддас китоб)лардан Брахманинг умри бизларнинг ҳисоб билан миллионлаб йиллар давом этиши ҳақида ўқисак, ишонгимиз келмайди. “Қандай қилиб бундай бўлиши мумкин?” Лекин, “Бҳагавад-гита”(8.17)да: *сахасра-йуга-пайантам ахар йад брахмановидух* – “тўрт миллиард уч юз миллион йил Брахманинг ўн икки соатига тенг” деб ёзилган. Ҳатто Ҳиндистоннинг машҳур сиёсий арбоби, “Бҳагавад-гита”нинг билимдони ҳам бунга ишонмаган. У: “Бу шунчаки муболаға” - деганди. Қанчалик калтафаҳм одам! Шунга карамай уни ҳамма жиддий олим деб тан олади. Мана шу ҳақиқий муаммо. Калтафаҳм нодон одамларни билимдон олим, татқиқотчи ёки файласуф деб қабул қиладилар, натижада бутун олам аҳли адашиб нотўғри йўлдан кетяпти.

## Иккинчи суҳбат

Лос-Анжелес, Чевит-Хиллз хиёбони.  
19-апрель, 1973 йил

### Эскирган дарвинизм

**Шрила Прабхупада:** Моддий олам ҳамма жойда ўзларини намоён этадиган уч турли сифатга эга кучлар – *самтва*(эзгулик), *раджас*(эхтирос) ва *тамас*(ғафлат) гуналарининг ўзаро фаолиятдан иборат. Бу сифатлар турлича миқдордаги ҳар хил бирикмаларда ҳаётнинг барча турларида мавжуд. Масалан, баъзи дарахтлар ажойиб мевалар беради, баъзилари эса, ўтин бўлишдан бошқа нарсага ярамайди. Бу уларнинг табиатнинг турли сифатлари билан боғлиқ экани натижасидир. Ҳайвонларга ҳам худди шундай уч сифат таъсир қилади. Сигир эзгулик гунаси таъсири остида, маймун эса – ғафлат гунаси таъсири остидаги ҳайвон ҳисобланади. Дарвиннинг фикрига кўра унинг аждодлари маймун бўлган.(Кулги.) Унинг бу ғояси ғирт аҳмоқликдир.

**Д-р Сингх:** Дарвин айтганки, тирикчилик учун кураш жараёнида баъзи бир тирик мавжудотлар йўқолиб кетадилар. Яшаш шароитига мослаша олганлари тирик қоладилар, мослашишга қодир бўлмаганлари эса йўқолиб кетадилар. Шундай қилиб, у айтадики, йўқолиб кетиш ва тирик қолиш ҳаммаша бирга юради.

**Шрила Прабхупада:** Ҳеч ким йўқолиб кетмайди. Маймунлар йўқолиб кетмаган. Дарвин ўзининг аждодлари деб ҳисоблайдиган маймунлар ҳозир ҳам мавжуд.

**Карандхара:** Дарвин табиий танлов борлигини айтган. Лекин “танлов” деганда танлаб олиш назарда тутилади. Ана шу танлов ўтказадиган Зот ким?

**Шрила Прабхупада:** Фақат шахс танлай олади. Кимларнидир қирилиб кетишга маҳкум этадиган, кимларгадир яшаб қолиш имконини берадиган бирор ақл-идрок соҳиби ва шундай кўрсатма бериш ҳуқуқига эга бўлган қандайдир Зот бўлиши лозим. Бу бизнинг биринчи далилимиз. Ана шу шахс кимлиги “Бҳагавад-гита”да тушунтирилган: “**Табиат Менинг назоратим остида ҳаракат қилади**”(Б.г.9.10).

**Д-р Сингх:** Дарвин яна айтадики, ҳар хил тирик мавжудотлар бир вақтда яратилмаган, улар аста-секин эволюцион ривожланиш жараёнида пайдо бўлганлар.

**Шрила Прабхупада:** Агар шундай бўлса у эволюцион ривожланиш жараёни нимадан бошланганини қандай тушунтиради?

**Карандхара:** Дарвинизмнинг ҳозирги тарафдорларининг фикрига кўра, биринчи тирик мавжудот кимёвий унсурларнинг ўзаро бирикиши натижасида пайдо бўлган.

**Шрила Прабхупада:** Уларга шундай саволим бор: “Агар ҳаёт кимёвий унсурлар бирикишидан пайдо бўлган бўлса, замонавий илм-фан шунчалик тараққиёт этган экан, нимага сизлар ўз лабораторияларингизда биохимик йўл билан ҳаёт ярата олмайсизлар?”

Келажакда...

**Карандхара:** Улар келажакда албатта ҳаёт ярата оламиз деб айтадилар.

**Шрила Прабхупада:** Қачон? Уларга ана шундай ҳаққоний савол берсангиз, улар дарров: “Биз буни

келажакда киламиз” деб жавоб берадилар. Нимага келажакда? Бу ғирт нодонликдир. “Эртаги кун нима ваъда килса ҳам, ундан умидвор бўлманг!” Агар улар фанда шунчалик тараққиётга эришган бўлсалар, эртани кутиб ўтирмасдан ҳозирнинг ўзидаёқ ҳаёт қандай қилиб кимёвий унсурлардан пайдо бўлишини исботлаб беришлари лозим. Акс ҳолда уларнинг илм-фани тараққиётининг кимга кераги бор? Улар шунчаки сафсатабозлик билан шуғулланадилар.

**Карандхара:** Улар айтадиларки, фан ҳозир ҳаёт яратиш бўсағасида турибди.

**Шрила Прабхупада:** Бу ҳам бошқача ибора билан айтилган “келажакда” деган гапнинг бир тури, холос.

**Олимлар ҳалигача ҳаёт қандай пайдо бўлганини тушунтира олмаслигини тан олишлари лозим.** Улар “келажакда ҳаёт кимёвий йўл билан пайдо бўлганини исботлаймиз” деб айтадилар, бу худди келажакда пул ўтказиш шарти билан чек берганга ўхшайди. Масалан, мен сизга ўн минг долларга чек бераман ва: “бу чек билан келажакда пул олишингиз мумкин, лекин ҳозир пулим йўқ”. Бундай чекнинг кимга кераги бор? Олимлар илм-фанни кўкларга кўтариб мактайдилар, лекин амалда бирор нарсани исботлашга келганда, улар буни келажакда намоёиш этишини айтадилар. Масалан, мен ўзимни миллионер деб ҳисоблайман, лекин сиз мендан бироз пул сўрасангиз, мен сизга: “Хўп, ҳозир чек ёзиб бераман, лекин сиз бу чек билан фақат келажакда пул оласиз. Бу сизни қониктирадимми?” Агар сиз соғлом фикрлашга қодир бўлсангиз, эътироз билдирасиз: “Сиз ҳозир менга беш доллар бўлсаям нақд пул беринг! Мен уни ўз қўлим билан ушлаб кўрай”. Олимлар ҳам худди шундай: улар ўзларининг биохимик лабораторияларида ҳатто кичкина гиёҳ ундира олмайдилар, лекин шунга қарамай, ҳаёт кимёвий унсурлардан пайдо бўлган деб эълон қиладилар. Қандай нодонлик? Нахотки, бунга ҳеч ким шубҳа қилмас?

**Карандхара:** Улар айтадиларки, ҳаётнинг пайдо бўлишини кимёвий қонунлар ёрдамида тушунтириш мумкин.

**Шрила Прабхупада:** Қонун ҳақида гап борар экан, шу қонунни кимдир яратиши лозимлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Ўзларича фан шунчалик тараққиётга эришганини таъкидлашларига қарамай, олимлар ўз лабораторияларида ҳатто бирор гиёҳга ҳаёт бағишлай олмаяптилар. Шундай экан, қандай қилиб уларни олим деб аташ мумкин?

**Д-р Сингх:** Улар айтадиларки, охир-оқибатда ҳамма нарса моддадан юзага келган. Тирик мавжудот жонсиз моддадан пайдо бўлган.

**Шрила Прабхупада:** Ундай бўлса ана шу тирик мавжудот ҳозир нимадан пайдо бўляпти? Ёки олимлар аввал ҳаёт жонсиз моддадан пайдо бўлган, ҳозир ундан ҳаёт пайдо бўлмаяпти, деб айтадиларми? Ҳозир чумолилар нимадан пайдо бўляптилар – тупроқданми?

### Ҳаёт пайдо бўлиш занжиридаги етишмайдиган халқа

**Д-р Сингх:** Ҳаётнинг моддадан пайдо бўлишини, яъни, қандай қилиб тирик мавжудот жонсиз моддадан пайдо бўлишини тушунтирадиган бир неча ғоялар бор.

**Шрила Прабхупада:** Хўп, жаноб олим, унда нимага ҳозир ҳаёт ўлик моддадан пайдо бўлмаяпти?

Аслида ўша олимлар ҳақиқий фирибгар, қаллоб одамлардир. Улар буни амалда исботлаб беришга қодир

бўлмаса ҳам, худди ёш болалардек, ҳаёт моддадан пайдо бўлган деб чулдирайверадилар. Худони англаш илмини тарғибот қиладиган жамиятимиз ана шу қаллобларнинг ҳаммасини фаш қилиши лозим. Улар шунчаки кўзбўямачилик қилиб юрибдилар. Нимага улар ҳозир ҳаёт қандай пайдо бўлишини кўрсатиб бермайдилар? Улар аввал қачонлардир ҳаёт моддадан пайдо бўлган, келажакда ҳам шундай бўлади, деб айтадилар. Улар ҳатто моддадан ҳаёт пайдо қиламиз деб айтадилар. Бу қандай таълимот? Улар ҳаёт моддадан пайдо бўлган деб эълон қилиб бўлганлар. “Пайдо бўлган” деган ибора ўтмишни назарда тутати. Нимага улар келажак ҳақида гапиряптилар? Ахир бу зиддият эмасми? Улар ўтмиш келажакда рўй беришини кутиптилар. Ахир бу ёш боланинг гапи-ку!

**Карандхара:** Улар айтадиларки, қадимда ҳаёт моддадан пайдо бўлган, худди шу тарзда улар келажакда ҳаёт ярата оладилар.

**Шрила Прабхупада:** Бу ғирт нодонлик. Агар улар ҳаёт моддадан пайдо бўлишини ҳозир исботлай олмаётган бўлса, қадимда ҳаёт моддадан пайдо бўлганини қаердан билганлар?

**Д-р Сингх:** Улар тахмин қиладилар...

**Шрила Прабхупада:** Ҳамма тахмин қилиши мумкин, лекин бу фан эмас. Истаган киши тахмин қилиши мумкин: сиз ҳам, мен ҳам. Лекин бу тахминни исботлаш керак. Биз ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлишини исботлай оламиз. Масалан, отадан бола дунёга келади. Отаси ҳам тирик, боласи ҳам тирик. Лекин, боланинг отаси жонсиз тош бўлиши мумкинлигини ким исботлай олади? Улар буни қандай исботлайдилар? Биз ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлишини осон исботлай оламиз. Ҳаётнинг бошланғич манбаи эса, – Худо. Буни исботлаш мумкин. Лекин, жонсиз тошдан бола пайдо бўлишини ким исботлай олади? Улар ҳаёт моддадан пайдо бўлишини исботлай олмайдилар. Улар буни келажакка қолдирадилар.

**Карандхара:** Олимлар айтадиларки, улар ҳозир нимаси биландир бир хужайрали тирик мавжудотларга ўхшаб кетадиган аминокислоталарнинг формуласини ёза оладилар. Уларнинг фикрича, бу кислоталар тирик мавжудотларга жуда ўхшашлиги сабабли, ҳаётни яратиш учун уларга қандайдир биргина нарса етишмаяпти – занжирнинг биргина халқаси.

**Шрила Прабхупада:** Ғирт аҳмоқлик! Биргина халқа эмиш. Мен уларни очиқчасига баҳсга чақираман. Уларга мана шу очиқ ҳақиқат етишмаяпти. Уларга етишмайдиган халқа – уларнинг юзига очиқ айтиладиган аччиқ ҳақиқат.

### Нодонларга Нобел мукофоти

**Д-р Сингх:** Баъзи олимлар келажакда болаларни пробиркада ўстира олишига ишонадилар.

**Шрила Прабхупада:** Пробиркада?

**Д-р Сингх:** Ҳа, улар эркак ва аёл хужайраларини биологик лабораторияларда бирлаштириб кўришни режалаштиряптилар.

**Шрила Прабхупада:** Агар улар тирик мавжудотларни бирлаштираётган бўлсалар, пробирканинг нима кераги бор? Бу шунчаки худди она қорнига ўхшаган бирлашиш жойи, холос. Агар бу ишларни табиат ўзи яратган пробиркада ҳозир ҳам амалга ошираётган бўлса, унда олимлар нима иш қилган бўладилар?

**Карандхара:** Табиат азалдан бу ишни амалга оширяпти, лекин қандайдир олим ҳам лабораторияда шу ишни такрорласа, унга Нобел мукофоти берадилар.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, бу ҳақда "Шримад Бхагаватам"(4)да айtilган: *шва-вид-варахоитра-кхараих самстутах пурушах паиух*. Бу ерда айtilганки, **хайвонсифат одамларни олқишлайдиган кишиларнинг ўзлари ҳам ит, чўчка, туя ва эшаклардан фарқ қилмайдилар.** *Шва* дегани итни, *вид-вараха* – ахлат билан озикланадиган чўчкани, *уитра* – туяни, *кхара* эса, – эшакни билдиради. Агар аслида фирибгар қаллоб бўлган олимга Нобел мукофотини берсалар, шу комитетда ўтирган одамларнинг ўзлари ҳам ит, чўчка, туя ва эшаклардан фарқ қилмайди. Биз уларни инсон деб ҳисоблай олмаймиз. Бир хайвон иккинчи хайвонни олқишлайди. Бунинг нимасига ҳавас қилиш мумкин? Агар Нобел мукофоти тайинлайдиган комитетда ўтирган одамлар хайвондан фарқ қилмаса, илм-фан бўйича Нобел мукофоти олган одам ҳам нодонларнинг биринчиси бўлади, чунки у одамларнинг эмас, хайвонларнинг олқишига сазовор бўлган.

**Д-р Сингх:** Баъзибир олимлар учун Нобел мукофотига сазовор бўлиш бутун ҳаётининг олий мақсади ҳисобланади.

**Шрила Прабхупада:** Улар фирибгар-қаллоблардир. Улар фақат куруқ сафсатабозлик қиладилар, чиройли гапиришни билиб олгани учун бошқа одамларни алдаб, йўлдан оздирадилар.

**Брахмананда:** Нобел – динамит, яъни, бомба ихтиро қилган олим.

**Шрила Прабхупада:** У инсониятга катта мусибат келтирган, мерос қилиб қолдирган маблағи билан эса, янги мусибатларни қўллаб-қувватлапти.

**Брахмананда:** "Бхагавад-гита"да иблис табиатли кишилар оламнинг яқсон бўлишига олиб келадиган фаолият билан шуғулланадилар, деб ёзилган.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. *Угра-карманах кшайайа жагато хитах*(Б.г.16.9). Улар одамларга мусибат, оламга ҳалокат келтирадиган фаолият билан шуғулланадилар.

## Тирик билан ўлик организмларнинг бир биридан фарқи

**Шрила Прабхупада** (Ҳассаси билан қуриган дарахтни кўрсатиб:) Аввал мана шу дарахтда шоха ва барглар ўсиб турганди. Ҳозир эса ўсмаяпти. Олимлар буни қандай тушунтирадилар?

**Карандҳара:** Улар буни: "Дарахтнинг кимёвий тузилиши ўзгарган" - деб изоҳлаган бўлардилар.

**Шрила Прабхупада:** Бу ғоясини исботлаш учун улар ана шу етишмаётган кимёвий моддаларни дарахт танасига киритишлари ва дарахтда шохалар ва барглар яна ўса бошлашини таъминлаши керак. Бирор нарсани илмий ўрганиш усули кузатиш, таҳмин қилиш ва шу таҳминни амалда кўрсатиб беришдан иборат бўлади. Шунда бу усул бенуксон бўлади. Олимлар аслида ўзларининг илмий лабораторияларида ҳаёт моддадан пайдо бўлишини намоиш этишга қодир эмаслар. Улар фақат озгина кузатадилар, кейин эса, турлича бўлмағур гапларни гапира бошлайдилар. Улар худди ёш болаларга ўхшайдилар. Ёшлигимда мен граммафон қутисига қараб, "унинг ичида кичкина одам ўтириб қуйлаётган бўлса керак" деб ўйлардим. Вентилятор ичида ҳам "қандайдир руҳ ўтириб уни айлантираётган бўлиши керак" деб ўйлардим. (Кулги).

**Д-р Сингх.** Биологияни ўрганаётганда одатда: "тирик ва ўлик организмлар орасидаги фарқ нимада?" деган

савол юзага келади. Дарсликларда айtilганки, улар орасидаги асосий фарқ шундан иборатки, тирик мавжудот ҳаракатланиш ва насл қолдириш имкониятига эга, ўлик модда эса, бунга қодир эмас. Лекин бу китобларда руҳнинг табиати ва тирик мавжудотнинг онги ҳақида ҳеч қандай маълумот берилмайди.

**Шрила Прабхупада:** Лекин онг – ҳаёт мавжуддигининг асосий белгиси. Фақат онгли тирик мавжудот ҳаракатланишга ва насл қолдиришга қодир. Инсон оила қуриш ва фарзанд кўриш ҳақида ўйлайди, чунки унинг онги бор. Бошланғич онг Ведаларда таърифланган: *тад аикшаата баху сйам*(Чхандогйя-упанишад,6.2.3). яъни, онг соҳиби бўлган биринчи тирик мавжудот, Парвардигор шундай деган: "Мен кўпаяман". Онги бўлмаган зот кўпайишга, бирор нарса яратишга насл қолдиришга қодир эмас.

## Алоҳида тирик мавжудотнинг ҳаёт кучи

**Шрила Прабхупада:** Дехконлар яшил дарахтларга сув берадилар; нимага улар қуриб қолган дарахт ҳам ўсиб кетиши учун сув қуймайдилар?

**Д-р Сингх:** Улар ўз тажрибаларидан биладиларки, қуриган дарахт ривожланмайди.

**Шрила Прабхупада:** Унда қайси унсур етишмайди? Олимлар ҳаёт манбаи – кимёвий унсурлар деб айтадилар, лекин тирик дарахтда мавжуд бўлган кимёвий унсурларнинг ҳаммаси қуриган дарахтда ҳозир ҳам сақланиб қолган. Улар дарахт танасидаги кўплаб тирик мавжудотларнинг – микроб ва ҳашаротларнинг ҳаётини таъминлаб турибди. Шундай экан, улар қуриган дарахтнинг танасида ҳаёт кучи йўқ деб айтолмайдилар. Ҳаёт кучи бор.

**Д-р Сингх:** Лекин дарахтнинг ўзининг ҳаёт қуввати ҳақида нима дейиш мумкин?

**Шрила Прабхупада:** Бу бошқа масала. Ҳаёт кучи алоҳидалик сифатида эга, дарахтнинг эгаси бўлган тирик мавжудот дарахтни тарк этиб кетган. Буни фақат шундай изоҳлаш мумкин – дарахт танасида бошқа тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминлаш учун зарур бўлган кимёвий унсурларнинг ҳаммаси сақланиб қолган, лекин барибир дарахт ўлик ҳисобланади.

Бунга бошқа мисол келтириш мумкин. Масалан, мен бирор квартирада яшадим, кейин ундан кўчиб кетдим. Мен кетдим, лекин у ерда бошқа кўплаб тирик мавжудотлар қолган – чумолилар, ўргимчаклар ва хоказо. Шундай экан, шунчаки мен уни тарк этиб кетганим учунгина энди квартира яшаш учун яроқсиз деб айтиш ногўри бўлади. Бошқа тирик мавжудотлар у ерда аввалгидай яшайверадилар. Фақат мен – алоҳида тирик мавжудот кетганман. Дарахтдаги кимёвий унсурларни квартира билан қиёслаш мумкин; улар алоҳида хусусиятга эга бўлган кучга, яъни, руҳга ҳаракат қилиш имконини берадиган муҳит ҳисобланади. Ҳар бир руҳ алоҳидалик хусусиятига эга. Мен алоҳида шахсман, шунинг учун ўз квартирамдан чиқиб кетишим мумкин. Микроблар ҳам ўзига хос онг соҳиби бўлган алоҳида шахслар. Маълум бир йўналишда ҳаракат қилар экан, улар бирор тўсикка учраганда "бошқа йўлдан бориш керак!" деб ўйлайдилар. Улар ҳам шахс сифатига эга.

**Карандҳара:** Ўлик тана шахс сифатларини намоиш эта олмайди.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Демак, алоҳида руҳ бу танани тарк этиб кетган. Руҳ(жон) чиқиб кетган, шунинг учун дарахт ўсишдан тўхтаган.

**Д-р Сингх:** Шрила Прабхупада, тирик танада сон-саноксиз майда тирик мавжудотлар бор, лекин тананинг эгаси бўлган алоҳида рух, “мен” ҳам шу танада жойлашган. Тўғрими?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Менинг танамда миллионлаб тирик мавжудотлар бор. Ичакларда кўплаб чувалчанглар яшайди. Агар улар жуда кучланиб кетсалар, мен еган нарсаларнинг ҳаммасини еб қўядилар, шунда еган овқатим ўзимга бирор фойда келтирмай қўяди. Шу боис ошқозонида глиста бор одамлар кўп овқат ейдилар, лекин ривожланмайдилар. Улар озиб кетадилар ва ҳамшиша очлик ҳис қилиб юрадилар, чунки ана шу майда тирик мавжудотлар уларнинг истеъмол қилган овқатининг ҳаммасини ўзлари ҳазм қилиб юборадилар. Шундай қилиб, менинг танамда минглаб, миллионлаб тирик мавжудотлар бор, уларнинг ҳар бири алоҳида шахс, мен ҳам алоҳида шахсман, лекин бу тана меники. Бу худди менинг боғимда миллионлаб тирик мавжудотлар яшашига ўхшайди.

**Шогирд:** Агар мен *кришна-прасад*(аввал Худога таклиф қилинган табаррук таом) есам, танамдаги бошқа тирик мавжудотлар ҳам прасад ейдиларми?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Сиз жуда олижаноб иш қилган бўласиз. Сиз бошқа тирик мавжудотлар учун *кришна-прасад* еган бўласиз.

**Карандҳара:** Яъни, энг хайрли иш қилаётган бўласиз!

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, лекин сизнинг ичингизда улар озикланиши мумкин бўлган бошқа нарсалар ҳам етарли, шунинг учун уларни озиклантириш учун ортикча прасад ейишнинг ҳожати йўқ.

## Ҳар бир жумлада чексиз маъно мужассам

**Шрила Прабхупада:** Алоҳида рух ҳеч қачон йўқолиб кетмайди. У ҳеч қачон ўлмайди, ҳеч қачон туғилган эмас. Худди инсон кийим алмаштиргани сингари, у бир танасини бошқа танага алмаштиради. Бу мукамал илм.

**Д-р Сингх:** Нимага олимлар бундан тан олмайдилар?

**Шрила Прабхупада:** Улар тарбия кўрмаган, маданиятсиз, фирибгар-қаллоб одамлар. Уларни ҳатто “тарбия кўрган киши” деб бўлмайди. Баъзан тарбия кўрган киши ўзининг ноҳўя ишидан уялиб, виждони қийналади. Лекин бу одамларда уят йўқ. Улар бизнинг очикча чақириғимизга жавоб бера олмайдилар, лекин шунга қарамай уялмасдан ўзларини “ҳаёт ярата оладиган олимлар” деб ҳисоблайдилар. Уларни ҳатто тарбия кўрган маданиятли одам деб бўлмайди. Масалан, мен шундай деб ҳисоблайман. Тарбия кўрган киши бўлмағур гапларни гапиришдан уялган бўларди.

**Д-р Сингх:** Улар бирор нарсани айтишдан олдин ўйлаб кўрмайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Демак, улар ҳатто инсон деган номга ҳам муносиб эмаслар. Ҳақиқий инсон бирор гап айтиш учун икки бор ўйланади. Худонинг марҳамати билан биз танада ҳаёт кучи, рух(жон) мавжудлигини осон тушуна оламиз. Парвардигор айтадики:

*дехино смин йатха дехе каумарам йауванам джара татха дехантара-праптир дхирас татра на мухйате*  
“Худди бир танада мавжуд бўлган рух болаликдан кексаликка ўтгани сингари, ўлган пайтда у бошқа танага ўтади. Таналарни бундай алмаштириб юриш ўзини англаб етган жонни йўлдан адаштира олмайди”(Б.г.2.13).

Парвардигор “Бхагавад-гита”да айтган мана шу икки оғиз гапи билан биологиянинг барча муаммоларини ҳал қилган. Мана шуни ҳақиқий илм

деса бўлади. Унинг ҳар бир жумласида чексиз маъно бор. Қуруқ сафсата билан тўлган катта-катта китобларнинг сариқ чақалик қадри йўқ. Дунёвий олимлар ваққиллаётган қурбақаларни эслатадилар: “Вақ-вақ-вақ!” Қурбақа ўйлайди: “Оҳ, қанчалик чиройли ваққиллаямиз!” Лекин, охир-оқибат уларни илон топиб олади: “Ҳа-а, чиройли қурбақа бу ерда экан-ку!” Хап! Ҳаммаси тамом. Ажал келиши билан ҳамма нарсаси тамом бўлади. Дунёвий олимлар ваққиллай-верадилар: “Вақ-вақ-вақ!” Лекин, ажали келиши билан уларнинг илмий фаолияти тамом бўлади, кейинги ҳаётда улар ит, мушук ёки бошқа шунга ўхшаган бирор танага эга бўладилар.

## Учинчи суҳбат

Лос-Анжелес. Чевиот-Хиллз хиёбони.  
28-апрел 1973 йил.

## Олимларнинг ўғирлиги

**Шрила Прабхупада**(Кўлида атир гул гунчасини ушлаб туриб:) Олимлардан бирортаси ўзининг лабораториясида мана шундай гул ярата оладими?

**Д-р Сингх:** Бунинг иложи йўқ.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, бунинг иложи йўқ. Қаранг, Худонинг қудрати қанчалик мохирлик билан ҳаракат қилади. Бундай гулни ҳеч қандай олим ўз лабораториясида яратишга қодир эмас. Улар ҳатто бир неча қум заррасини ҳам яратишга қодир эмаслар, лекин шунга қарамай, ақл-идрок борасида бутун коинотда ҳеч ким уларга тенг келолмайди деб эълон қиладилар. Албатта, бу нодонликдан бошқа ҳеч нарсаси эмас.

**Д-р Сингх:** Улар Худо яратиб қўйган бирор нарсани оладилар, унинг бироз шаклини ўзгартирадилар, кейин эса, одамларга: “Ажойиб янгилик яратдик!” - деб эълон қиладилар.

**Шрила Прабхупада:** Агар улар ҳеч бўлмаганда Парвардигор яратиб қўйган нарсалардан фойдаланаётганини тан олсалар, шунинг ўзи ҳам ёмон бўлмасди. Биз ҳамма нарсани Парвардигор яратиб қўйганини биламиз.

**Д-р Сингх:** Лекин улар ҳеч қачон Худодан бирор нарсани олганини тан олмайдилар. Аксинча, “яратувчи” деб аслида улар ўзларини эълон қиладилар.

**Шрила Прабхупада:** Улар нима яратган эканлар? Улар кумни оладилар, кейин уни бошқа бир кимёвий унсурлар билан аралаштириб шиша ҳосил қиладилар. Улар кумни ҳам, кимёвий унсурларни ҳам яратган эмаслар, улар бу моддаларни ердан олганлар. Улар нимани ва қандай қилиб яратганлар?

**Д-р Сингх:** Улар: “Бизлар моддаларни табиатдан олганмиз” деб айтадилар.

**Шрила Прабхупада:** “Табиатдан” дегани “бирор шахсдан” деган маънони билдиради. Улар табиатдан олганлар, лекин улар ўғирлик қилганлар, чунки табиатдаги ҳамма нарсаси Худонинг мулки. *Ишавасйам удам сарвам*: “Ҳамма нарсани Парвардигор яратиб қўйган”.(Ишопанишад 1). “Бхагавад-гита”да Парвардигор айтадики, фаришталарни мамнун қилиш учун Парвардигор фарз қилиб қўйган қурбонлик маросими – *йаджна* ўтказмай юрган киши ўғри ҳисобланади. *Йаджна* ўтказиш – ҳамма нарсани биз аслида Худодан олганимизни тан олиш демакдир. Биз шундай

ўйлашимиз лозим: “Эй Парвардигор, Сен бизларнинг тирикчилигимизни таъминлаш учун шунча нарса бериб кўйибсан”. Парвардигор биздан кутадиган ягона нарса – шуни тан олишимиз. У биздан бошқа ҳеч нарсани кутмайди. Парвардигорга шундан бошқа яна нима керак бўлиши мумкин? Худонинг олдида сиз ким бўлибсиз? Биз энг аввало Парвардигорнинг шунчалик меҳрибонлигини тан олишимиз лозим. Шу боис биз овқатланишдан олдин таомни аввал Парвардигорга таклиф қиламиз: “Эй Парвардигор, Сен бизларга мана шу ажойиб ноз-неъматни ато этиб кўйибсан. Илтимос, ундан аввал Ўзинг татиб кўр!” Фақат шундан кейин ўзимиз ундан татамиз.

Парвардигор оч эмас, лекин шунга қарамай, У бутун оламни ютиб юборишга, кейин эса, унинг аниқ нусхасини қайтадан яратишга қодир. *Пурнасия пурнам адайя пурнам эвавашишйате*(Ишопанишад, Мурожаат). Парвардигор шунчалик мукамалки, ҳатто Унинг бутун қудратини олиб кўйсангиз ҳам, барибир Унинг бошланғич қудрати ўзгармай қолаверади. Қувватнинг мукамал сақланиб қолиши, дегани шундай бўлади.

### Табиатнинг келиб-чиқиши

**Д-р Сингх:** “Табиат” деган илмий журнал бор. Унда ўсимликлар, гуллар ва минераллар сингари табиат инъомлари ҳақида мақолалар чоп этилади, лекин ҳеч қачон уларда ҳеч ким Худони эсламайди.

**Шрила Прабхупада:** Биз “ўсимликларни табиат яратиб кўйибди” деб айтишимиз мумкин, бу ҳақ гап. Лекин, шу заҳотиёк: “Табиатни ким яратган?” – деган савол туғилиши керак. Ҳақиқатан ҳам соғлом фикрлай оладиган киши албатта шу саволни беради.

**Д-р Сингх:** Одатда улар бу ҳақда ўйламайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Демак, улар бефаросат, аҳмоқ одамлар. Табиат қаердан пайдо бўлган? Табиат ҳақида гап очилган заҳоти биринчи савол шундай бўлиши керак: “Кимнинг табиати?” Шундай эмасми? Масалан, мен ўз табиатим ҳақида гапираман, сиз ўз табиатингиз ҳақида гапирасиз. Демак, табиат ҳақида гап очилган заҳоти, “кимнинг табиати?” – деган савол пайдо бўлиши керак. Табиат – бу қувватдир. Қувват ҳақида гап очилган заҳоти шу қувватнинг манбаи ҳақида сўрашимиз лозим. Масалан, агар сиз электр қуввати ҳақида гапирсангиз, унинг манбаи, электростанция мавжудлигини тан олишингиз лозим. Унинг мавжудлигини қандай инкор этасиз? Худди шундай, табиат ўздан ўзи ҳаракат қилмайди, у Парвардигорнинг назорати остида ҳаракат қилади.

**Шогирд:** Ведаларда айтилганки, моддий қувват Парвардигорнинг ҳукми остида ҳаракат қилади.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Қувват ҳақида гап борар экан, унинг манбаи ҳам бўлиши керак.

### Моддий олам – сароб

**Карандхара:** Геолог олимлар Ернинг келиб чиқишини аниқлаш учун унинг қатламларини ўрганадилар.

**Шрила Прабхупада:** Лекин бу қатламлар ҳар лаҳзада яратилиб, яқсон қилиниб туради. Ҳозир улар бир кўринишда, ярим соатдан кейин бошқача кўринишга эга бўлади. Улар *джагат* – ҳамиша ўзгариб туради. Парвардигор "Бхагавад-гита"да шундай дейди: *адхихутам кишаро бхаваҳ* – “Моддий табиат тинимсиз равишда ҳамиша ўзгариб туради”. Шу боис, қувватнинг

ўзини шунчаки кузатиб туриш билан унинг манбаини топиб олишнинг иложи йўқ. Ҳозир ер қатламлари қора рангда бўлиши, кейинроқ оқ рангда бўлиши мумкин, кейин яна қора ранга киради ва ҳоказо. Мана шу *пунах пунаш чарвита-чарвананам* – “чайналган нарсани чайнаш” деб аталади(5). Ҳозир ҳаво салқин, кун ўртасига келиб ҳаво қизади, кечқурун яна совийди. Шундай қилиб, бутун моддий оламда ҳар хил ўзгаришлар рўй бериб туради. Ҳатто танамиз ҳам ўзгариб туради. Ҳамма нарса ўзгаради. Лекин ана шу ўзгаришлар ортида қандай мангу ҳақиқий мавжудлик бор? Ҳақиқий илм-фаннинг ўрганиши лозим бўлган нарса ана шу бўлиши керак. Олимлар мангу мавжудликни топа олмайдилар, шу боис уларнинг ҳафсаласи пир бўлган. Улар ҳамма нарсанинг асоси - бўшлиқ, ноль деб ўйлайдилар. Улардан ана шу бўшлиқ, ноль қаердан пайдо бўлган деб сўрасангиз, улар: “У ҳеч нарсадан, йўқликдан пайдо бўлган” деб жавоб берадилар. Шунинг учун биз уларга савол берамиз: “Бизни ўраб турган ранг-баранг олам қаердан пайдо бўлган?” Ведаларда айтилганки, ранг-барангликнинг ўзи мангу, олимларнинг моддий оламда ўрганиб юрган ўзгарувчан ранг-баранглиги – вақтинчалик, ўткинчи нарса. Бу ранг-баранглик – ҳақиқий ранг-барангликнинг акси. Ҳақиқий ранг-баранглик мангу рухий оламда мавжуд.

**Д-р Сингх:** Яъни, моддий олам саробга ўхшайди?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Масалан, саҳрода менга узоқда сув тасвири кўринади, лекин аслида саҳрода сув йўқ. Бу шунчаки сароб. Сув бор, лекин ана шу саробда эмас. Худди шундай, биз кўриб юрган моддий ранг-баранглик, лаззатланишнинг ҳар хил турлари – ана шу саробга ўхшайди. Биз тирик мавжудотлар, аслида лаззатланиш учун яратилганмиз, лекин биз уни саробдан излаймиз, лаззатни ҳақиқатан ҳам лаззат бор жойдан изламаймиз. Бизлар худди саҳрода кўзига сув бўлиб кўринган саробга интилиб югуриб юрган ва охир-оқибатда чанқоқ азобидан ҳалок бўладиган ҳайвонга ўхшаймиз. Улар ўз чанқоғини сароб бўлиб кўринган сув билан кондира олмайдилар. Худди шундай, бизлар ҳам лаззатланишга бўлган чанқоғимизни кондириш учун кўплаб нарсалар яратишга интиламиз, лекин ҳар қадамда мағлуб бўламиз, чунки бу дунёдаги ҳаётнинг ўзи – алдамчи, сароб. Шунинг учун, ҳақиқатан ҳам оқил, **доно инсон бўлиш – савол беришдан, изланишдан бошланади:** “Ҳақиқат қаерда? Мана шу ўткинчи сароб дунё ортида турган мангу ҳақиқат, асос қаерда?” Фақат ана шу ҳақиқий мавжудликни аниқлагандан кейин биз ҳақиқий лаззат ҳис қила оламиз.

## Тўртинчи суҳбат

Лос-Анжелес. Тинч океани соҳили.  
29 – апрел 1973 йил.

### Эшаклар тараққиёти

**Шрила Прабхупада:** Бу дунёда ҳамма мусибат чекади, “илмий тараққиёт” дегани эса, олимларнинг янги мусибатлар учун кўпроқ шароит яратаётганини билдиради. Бошқа ҳеч нарса эмас. Улар ҳеч нарсани яхшилаш олмайдилар. Бхактивинода Тхакур(б) буни шундай тасдиқлайди: *моха джанамийа, анитийа самсаре, дживаке карайе гадха* - “Ўзларининг илмий такомиллаштиришлари билан олимлар эшакларга айланиб қолганлар”. Бунинг устига у тобора “юксалиб”, комил эшакка айлана боради. Масалан, одам эшакдай тер тўкиб ишлаб пул топади ва осмонўпар иморат куради. У бунга ўзининг бутун умрини сарфлаши мумкин, лекин охир-оқибатда барибир ўлишга мажбур бўлади. У мангу тирик қололмайди; кейин уни ўзи қурган осмонўпар иморатидан чиқариб ташлайдилар, чунки бу – ўткинчи дунё. Олимлар ҳамини ниманидир текшириб, қайсидир мавзуда илмий тадқиқот олиб борадилар, агар сиз улардан нима қилаётганини сўрасангиз, улар: “О, мен буни келажак авлод учун, келажак учун қиляпман!” – деб жавоб берадилар. Мен уларга савол бераман: “Хўп, сенинг ўзинг-чи? Сизнинг осмонўпар иморатингиз нима бўлади? Агар сиз кейинги ҳаётингизда дарахт танасида туғилсангиз, сизнинг келажак авлод билан бирор ишингиз бўладими?” Лекин, у - эшак. Шу боис кейинги ҳаётида ўзи қурган осмонўпар иморат олдида ўн минг йил дарахт бўлиб қотиб туришини билмайди. Келажак авлод учун у нима қилиши мумкин? Агар бензин тугаб қолса, келажак авлод нима қилади? Агар у ит, мушук ёки дарахт бўлиб туғилса, келажак авлод унга қандай ёрдам бера олади?

Олимлар, умуман ҳамма одамлар такрорланиб турадиган туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан чиқиб кетишга интилиб яшашлари керак. Лекин бунинг ўрнига улар туғилиш ва ўлишлар чархпалагига тобора чигалроқ ўралашиб кетяптилар. *Бхаве смин клишйамананам авидйа-кама-кармабхиҳ* (“Шримад Бхагаватам”.1.8.55). Бу ерда бир мисранинг ўзида бутун моддий тирикчилик таърифланган. Мана шуни ҳақиқий асар деса бўлади. Унинг бир мисраси олимларнинг юзлаб асрлар давомида олиб борган тадқиқот ишларидан қиммат туради. Бу мисрада тирик мавжудотнинг келиб чиқиши, унинг қандай қилиб бу дунёда туғилиши, ўлгандан кейин қаерга бориши, бу дунёда нима қилиши лозимлиги ҳамда бошқа кўплаб муҳим маълумотлар берилган. *Бхаве смин клишйамананам* ибораси бу дунёдаги тирикчилик учун курашни англатади. Умуман бу кураш нима учун олиб борилади? Бунга сабаб *авидйа*, ғофиллик. Ғофилликнинг табиати қандай? *Кама-кармабхиҳ*, биз фақат ўз сезгиларимизни лаззатлантириш ниятида меҳнат қилишга мажбур бўлганимиз туфайли тирикчилик учун кураш олиб борамиз. Бошқача қилиб айтганда, **ғофиллигимизнинг сабаби сезгиларимизни лаззатлантиришга ўралашиб қолганимиздир.**

**Шогирд:** Демак, замонавий илмий-тадқиқот ишлари фақат танамизнинг лаззатланишга бўлган талабларини кучайтиради, холос, чунки олимлар оқибат-натияжада ўз сезгиларини лаззатлантириш учун меҳнат қиладилар?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа.

## Сўзлар ўйини ва жаҳоннинг таназзулга юз тутиши

**Шрила Прабхупада:** Ведаларда шундай дейилади: *йасмин виджнате сарвам эвам виджнатам бхавати* – “**Мутлақ Ҳақиқатни билган киши ҳамма нарсани билади**”. Менинг илмий унвонларим йўқ, лекин шунга қарамай мен олимларни очикча баҳсга чақира оламан. Нимага? Чунки мен Мутлақ Ҳақиқатни биламан, Худони танийман. *Йасмин стхито на духкхена гурунапи вичалйате* – “**Худонинг хоҳиши билан яшаб юрган кишини ҳатто энг оғир мусибатлар ҳам безовта қила олмайд**” (“Бхагавад-гита”.6.22). “Шримад Бхагаватам”да ҳам тасдиқланадики: “Буюк зотлар шундай хулосага келганлар: **Худони таниб, Унинг хоҳиши билан яшаш – энг муқаммал ҳаётдир**”. Мана шу инсон учун зарур бўлган ҳақиқий илмдир. Олимлар эса, қайсидир соҳада тадқиқот олиб борадилар, кейин ўзларининг тахминини ўртага ташлайдилар, ўн беш йилдан кейин: “Йўқ, йўқ, аслида ҳаммаси бошқача экан!” - деб айтадилар. Бундай илмнинг кимга кераги бор? Бу илм эмас, шунчаки ёш болаларнинг эрмаги, холос.

**Д-р Сингх:** Ҳа, улар айнан шу йўл билан, тадқиқотлар ёрдамида турли янгиларни кашф этадилар.

**Шрила Прабхупада:** Бундай тадқиқотнинг кадри қанча бўлади? Бу – бошқаларнинг пулини тортиб олишнинг илмий усули, холос, бошқа ҳеч нарса эмас, бошқача қилиб айтганда, фирибгарлик. Олимлар: плутоний, фотонлар, водород ва кислород сингари ибораларни ишлатиб жимжимадор гапларни гапирадилар, - лекин бу одамларга нима фойда келтиради? Одамлар бундай гапларни тинглаб нима дейишлари мумкин? Аввалига бир олим бирор ҳодисани маълум даражада тушунтиради, кейин бошқа бир фирибгар келади ва ҳаммасини қайтадан, бошқа иборалар билан ўзгача тартибда тушунтира бошлайди. Лекин улар тушунтиришга уринаётган ҳодисанинг ўзи ўзгармай қолаверади. Шундай экан, уларнинг тараққиёти нимада ўзи? Улар фақат шунча жилдли китоблар ёзадилар холос. Ҳозир нефт танқислиги муаммоси юзага келган. Бунга олимлар айбдор. Агар нефт захиралари тамом бўлса, бу фирибгар олимлар нима қиладилар? Улар бу муаммони ҳал қилишга қодир эмаслар.

### Қиймати миллиард доллар турадиган бир ҳовуч чанг

**Шрила Прабхупада:** Ҳозир Ҳиндистонда сув етишмайди, аммо олимлар бу муаммони қандай ҳал қилишга уриняптилар. Ер юзиде керагидан ортиқча миқдорда сув захиралари мавжуд. Шундай экан нимага олимлар сув танқислигидан қаттиқ қийналаётган жойларга сув етказиб бериш билан шуғулланмайдилар? Улар зудлик билан ирригация ишларини олиб боришлари лозим. Лекин улар бунинг ўрнига Ойни, юзасини чанг қоплаган қўшни сайёра юзасини ҳосилдор қилиш учун йўл оладилар. Нимага улар сайёрамизда сув танқислигидан мусибат чекаётган жойларга сув олиб бориш билан шуғулланмайдилар? Сайёрамизда денгиз суви етарли, шундай экан нимага шу сувлар билан Сахарани, Арабистондаги Саҳрои Кабирни ёки Раджастон чўлини суғориш ҳақида бош қотирмайдилар? “Ҳа, - деб жавоб беради улар, - биз буни келажакда амалга оширамиз. Биз ҳаракат

қиялпмиз”. Мағрурлигидан улар ўйлаб ҳам ўтирмасдан жавоб берадилар: “Ҳа, ҳа, биз бунинг устида ишлаяпмиз”. “Бҳагавад-гита”да айтилганки, кераксиз истакларни амалга ошириб юрган киши ақл-идрокидан бутунлай маҳрум бўлади(*камаис таис таир хрита-джнанах*).

Уларнинг Ойга интилишлари – ёш болаларнинг инжиқлигига ўхшайди. Ойга боришга интилиб юрган кишилар худди инжиқлик қилаётган ёш болани эслатади. Ёш бола онасига йиғлайди: “Ойи, менга Ойни олиб беринг!” Онаси унга кўзгуни олиб беради: “Мана сенга Ой, ўғлим!” Бола кўзгуни олиб, унда Ойнинг аксини кўриб таскин топади: “О-о! Менда Ой бор!” Афсуски, бу шунчаки хом-хаёл эмас.

**Карандҳара:** Улар ойга учишга шунча маблағ сарфлаб, у ердан атиги бир ховуч тупроқ келтиргандан кейин космик тадқиқотлар марказида “энди у жойга боришнинг ҳожати йўқ” деган хулосага келдилар.

**Брахмананда:** Энди улар бошқа сайёрага йўл олишни истадилар, лекин бунга маблағ етишмайди. Бошқа сайёраларга саёхат қилиш учун миллионлаб, миллиардлаб доллар сарф-харажат керак бўлади.

**Шрила Прабхупада:** Одамлар тер тўкиб меҳнат қиладилар, виждонсиз ҳукумат эса, улардан солиқ ундириб, пулларни шамолга совуради. Агар одамларнинг оғир меҳнат қилиб топган пулларини тортиб олиб, уларни шамолга совурадиган бўлса, бундай ҳукуматнинг фуқаролар олдида ҳеч қандай обрўси бўлмайди. Энди ҳукумат раҳбарлари янгича хийла ўйлаб топганлар: “Хавотир олманг, бизлар бошқа сайёрага учишга тайёрланяпмиз. Бу гал бизлар у ердан кўпроқ тупроқ олиб келамиз. Бир тонна тупроқ. Энди сизларда тонналаб тупроқ бўлади”.

**Д-р Сингх:** Улар Марсда ҳаёт борлигига ишонадилар.

**Шрила Прабхупада:** Улар хоҳ ишонсин, хоҳ ишонмасин бунинг аҳамияти йўқ. Бу уларнинг иши. Биз аниқ биламизки, Ер юзида ҳаёт бор, лекин одамлар бир бирлари билан жанг қиялптилар. Марсда ҳаёт бор бўлсин ҳам дейлик. Албатта, у ерда ҳам ҳаёт бор. Лекин, бунинг бизларга нима фойдаси бор?

**Д-р Сингх:** Одамларни у жойда нималар бўлаётгани қизиқтиради.

**Шрила Прабхупада:** Яъни, ўзларининг ёш болаларга хос бўлган қизиқувчанлигини қондириш учун улар шунча маблағни шамолга совурадилар. Бу кулгили эмасми? Лекин улардан бирор қашшоқ давлат халқига ёрдам беришни илтимос қилсангиз, улар: “Бизда маблағ йўқ” деб жавоб берадилар. Тўғрими?

## Санкхья фалсафаси ва замонавий фан

**Д-р Сингх:** Шрила Прабхупада, агар мумкин бўлса биз *санкхья* фалсафаси ҳақида тингламоқчи эдик.

**Шрила Прабхупада:** Аслида иккита *санкхья* фалсафаси бор: Парвардигор Капиладева баён этган қадимий *санкхья* ҳамда нисбатан яқин тарихда Капила деган бир атеист тарғибот қилган замонавий *санкхья*. Парвардигор Капиладеванинг *санкхья* фалсафаси инсонга бу моддий оламга боғланиш туйғусидан қутулиш ҳамда ўзининг қалбида Парвардигор Вишнуни топиш йўлини тушунтириб беради. Бу *санкхья* амалда Худого садоқат билан хизмат қилишни тарғибот қилади. Замонавий *санкхья* эса, шунчаки моддий олам таркиб топган унсурларни таҳлил қилади. Бу борада у ҳозирги замонавий илмий тадқиқотлардан фарқ қилмайди. *Санкхья* ибораси “санаш” деганни билдиради. Бизлар ҳам маълум даражада *санкхья* мактабига мансубмиз,

чунки моддий унсурларни таҳлил қиламиз: бу ер, бу сув, бу олов, бу ҳаво, бу эфир. Унсурларнинг бу рўйхатига ақлини, тафаккурни ва эғони ҳам киритиш мумкин. Лекин, ўзимизнинг эго(ўзлигимиз, мен)дан нарига мен таҳлил қила олмайман. Лекин Парвардигор айтадики, эгодан ҳам устун зот мавжуд, ана шу зот ҳаёт кучи, ҳаёт қуввати, яъни, руҳ. Олимлар буни билмайдилар. Уларнинг фикрига кўра, ҳаёт – шунчаки моддий унсурлар бирикмаси, холос. Лекин Парвардигор “Бҳагавад-гита”(7.5)да буни инкор этади: *апарейам итас тв анйам пракритим виддхи ме парам джива-бхутам маха-бахо йайедам дхарйате джагат* “**Бу қуйи табиат(ер, сув, ҳаво, олов, эфир, ақл, тафаккур ва эго)дан ташқари Менинг олий қувватим ҳам мавжуд бўлиб, у моддий табиат билан кураш олиб борадиган ва оламнинг мавжудлигини таъминлаб турадиган тирик мавжудотлардан иборат**”.

**Д-р Сингх:** Замонавий *санкхья* фалсафаси ана шу икки табиатни ҳам – олий ва қуйи табиатни ҳам ўрганадими?

**Шрила Прабхупада:** Йўқ. *Санкхья* фалсафасининг ҳозирги издошлари олий қувватни ўрганмайдилар. Улар, худди дунёвий олимлар сингари, фақат моддий унсурларни ўраганадилар. Олимлар руҳий табиатга эга бўлган жон(руҳ) мавжудлигини билмайдилар, *санкхья* фалсафаси издошлари ҳам шундай.

**Д-р Сингх:** Улар моддий оламни яратадиган моддий унсурларни ўрганадилар.

**Шрила Прабхупада:** Моддий унсурлар оламни яратмайдилар! Фақат руҳ, жон яратишга қодир. Ҳаёт моддадан пайдо бўлиши мумкин эмас, модда ўзини ўзи ҳам яратишга қодир эмас. Тирик мавжудот бўлган сиз сув олиш учун водород билан кислородни бирлаштира оласиз. Лекин модданинг ўзи яратиш қобилиятига эга эмас. Агар сиз бир шиша водороднинг ёнига бир шиша кислород кўйиб кўйсангиз, сиз ёрдам бермасангиз улар ўзидан ўзи бирлашадиларми?

**Д-р Сингх:** Йўқ. Уларни бирлаштириш керак бўлади.

**Шрила Прабхупада:** Албатта. Кислород билан водород – Парвардигорнинг қуйи қуввати, лекин агар сиз, олий қувват, уларни бирлаштирсангиз, улар сувга айлана оладилар.

## Бевосита ва билвосита сабаблар

**Шрила Прабхупада:** Қуйи қувват ўзи мустақил ҳолда, олий қувватнинг ёрдамсиз кучга эга эмас. Мана бу денгизни олинг, у тинч ва осойишта. Лекин олий куч, ҳаво(шамол) уни ҳаракатга келтирса, унда баланс тўлқинлар юзага келади. Олий кучнинг аралашувисиз денгизнинг ўзи бунга қодир эмас. Худди шундай, ҳавога нисбатан ҳам олий куч бор, ундан кейин яна бир куч, кейин яна, ва ҳоказо, шу тарзда охирида Парвардигорнинг Ўзига етиб борамиз. Ҳақиқий изланиш шу тарзда олиб борилиши лозим.

Худди машинист поездни бошқаргани сингари, Парвардигор ҳам табиатни бошқариб туради. Машинист локомотивни бошқаради, локомотив биринчи вагонни тортади, у иккинчи вагонни тортади, у эса, учинчи вагонни ва ҳоказо, шу тариха бутун поезд ҳаракатга келади. Олам ҳам шу тарзда ҳаракатга келади. Парвардигор биринчи турткини амалга оширади, кейин кетма-кет турткилар ёрдамида бутун космик олам пайдо бўлади ва унинг мавжудлиги таъминлаб турилади. Бу “Бҳагавад-гита”(9.10)да тушунтирилади: *майадхьяакшена пракритих суйате сачарачарам* – “**Моддий табиат Менинг назоратим остида ҳаракат**

қилади ҳамда барча кўзғалувчан ва кўзғалмас мавжудотларни яратади”. Парвардигор "Бҳагавад-гита"(14.4)да яна шундай деган:

*сарва-йонишу каунтейа муртайах самбхаванти йах тасам брахма махад йонир ахам биджа-прадаҳ нита*  
“Моддий табиат тирик мавжудотларнинг барча турларининг дунёга келишига имконият яратиб беради, эй Кунтининг ўғли, Мен эса, – уларни уруғлантирувчи Отаман”. Масалан, агар банйан дарахтининг уруғини ерга эксангиз, вақти келиб ундан катта дарахт пайдо бўлади, айна пайтда шу дарахтда миллионлаб янги уруғлар ҳам етилади. Ана шу уруғларнинг ҳар бири ўз навбатида таркибида миллионлаб уруғлар бор бўлган катта дарахтга айлана олади ва ҳоказо. Парвардигор ҳамма нарсанинг уруғини берадиган бошланғич Ота бўлган ҳолда биз кўриб турган ҳамма нарсанинг бошланғич сабабчиси, деганда биз шуни назарда тутамиз.

Афсуски, дунёвий олимлар фақат бевосита сабабни кўра оладилар, холос. Улар билвосита сабабни кўра олмайдилар. Ведаларда Парвардигор *сарва-карана-каранам*, яъни, “барча сабаблар сабабчиси” деб аталади. Барча сабаблар сабабчисини билган киши ҳамма нарсани тушуниб олади. *Йасмин виджете сарвам эвам виджнатим бхавати*: “**Бошланғич сабабни билган кишига иккинчи даражали сабаблар ўзидан ўзи ошкор бўлади**”. Олимлар бошланғич сабабни излайдилар, лекин, мукаммал илм манбаи бўлган Ведаларда бошланғич сабабчи Парвардигор, деб эълон қилинса, улар буни тан олишни истамайдилар. Улар ўзларининг қисман, мукаммал бўлмаган илмини қўллаб қувватлашда давом этаверадилар. Уларнинг касали ҳам мана шунда.

## Жисмоний, моддий коинот

**Шрила Прабхупада**: Гарчи деярли ҳар куни уларни кўриб юрган бўлсалар ҳам, олимлар икки турли қувват – қуйи ва олий қувватлар мавжудлигини билмайдилар. Моддий қувват ҳеч қачон мустақил равишда ҳаракат қилишга қодир эмас. Бунинг учун у аввал руҳий қувват билан бирлашиши лозим. Шундай экан, қандай қилиб бутун космик олам, моддий табиат ўзидан ўзи пайдо бўлган, деб ҳисоблаш мумкин? Бирор мураккаб аппарат то уни ишлатишни биладиган инсон керакли тугмани босмагунча ишга тушмайди. Кадиллак – жуда яхши машина, лекин унинг ичида ҳайдовчиси бўлмаса, унинг ҳеч қандай фойдаси йўқ. Моддий коинот ҳам худди катта машинани эслатади.

Одамларни кўплаб таркибий қисм, деталлардан таркиб топган баҳайбат катта машиналар ҳайратга солади, лекин фаросатли киши биладики, машина қанчалик мукаммал бўлмасин, у то оператор келиб керакли тугмани босмагунча у ҳаракатсиз тураверади. Шундай экан, қайси бири мухимрок: машинами ёки операторми? Шу боис бизни бу катта машина, яъни, космик олам эмас, балки оператор, Парвардигор қизиқтиради. Сиз бунга эътироз билдиришингиз мумкин: “Парвардигор ҳақиқатан ҳам оператор эканини мен қаердан биламан?” Парвардигорнинг Ўзи шундай деган: *майадхйакишена пракритех суйате сачарачарам* – “**Бутун космик олам Менинг назоратим остида ҳаракат қилади**”. Агар сиз: “Йўқ, оламни Парвардигор бошқариб тургани йўқ” – десангиз, унда уни бошқариб турган бошқа операторни кўрсатишингиз керак бўлади. Лекин сиз бунга қодир

эмассиз. Демак, ўз фикрингизни исботлай олмаганингиз учун сиз менинг гапларимни тан олишингиз лозим.

## Бешинчи суҳбат

Лос-Анжелес. Тинч океани соҳили.

3-май, 1973 йил.

## Кўринмас ҳайдовчи

**Шрила Прабхупада**: Дунёдаги одамларнинг деярли ҳаммаси “ҳаёт моддадан пайдо бўлган” деган нотўғри тасаввур билан яшайдилар. Биз бундай нотўғри ғоя фош этилмай қолишига йўл қўя олмаймиз. Ҳаёт моддадан пайдо бўлмаган. Аксинча, ҳаёт моддани яратади. Бу шунчаки тахмин ёки ғоя эмас, балки ҳақиқат, аниқ фактдир. Ҳозирги замонавий илм-фан мана шу умуман нотўғри бўлган ғояга асосланган ҳолда иш кўради, шунинг учун унинг барча ҳисоб-китоблари ва хулосалари нотўғри, бунинг натижасида эса, одамлар оғир мусибат чекиб яшаяптилар. Агар замонавий илм-фаннинг мана шу нотўғри илмий хулосалари тўғриланса, одамлар ўзидан ўзи бахтиёр яшай бошлайдилар. Шу боис биз олимларни очикча баҳсга чақиришимиз ва уларнинг хатоларини, кирдикорларини фош қилиб, уларни мағлубиятга учратишимиз лозим, акс ҳолда улар бутун жамяиятни адаштириб нотўғри йўлдан олиб кетаверадилар.

Модданинг шакли ўзгариш жараёнида олти босқичдан ўтади: туғилиш, ўсиш, мавжуд бўлиб туриш, насл қолдириш, сўлиш ва ўлиш. Лекин модданинг ичидаги рух мангу; у бундай ўзгаришларга учрамайди. Шунчаки бизнинг кўзимизга ҳаёт аввал ривожланиб, кейин сўла бошлагандай бўлиб кўринади, аслида эса, у моддий тана ўзгаришининг ана шу олти босқичи орқали, то тананинг мавжудлигини таъминлаб туриш мумкин бўлмай қолган ҳолатга етгунча бўлган даврни ўтайди. Эски тана ҳалок бўлганда эса, жон янги танага киради. Агар кийимимиз эскириб қолса, биз уни алмаштирамиз. Худди шундай, бир кун келиб танамиз ҳам кексайиб, яроқсиз ҳолга келиб қолади, шунда биз уни тарк этиб, янги танага ўтамиз.

Парвардигор "Бҳагавад-гита"(2.13)да шундай дейди: “**Худди тана ичидаги рух болаликдан ўсмирликка, кейин кексаликка ўтгани сингари, тана ҳалок бўлганда у янги танага ўтади**”. "Бҳагавад-гита"(2.18)да шундай деган: *антавана име деха нитйасйоктаҳ шариринанх*. Яъни, фақат мангу ва ўзгармас тирик мавжудотнинг моддий танаси ҳалокатга маҳкум. Моддий тана ўткинчи, лекин унинг ичидаги рух *нитйа*, мангу.

Ҳамма нарсани мана шу ҳаёт кучи ҳаракатга келтиради. Масалан, Тинч океанини олайлик: мана бу баланд тўлқинларни ҳаёт кучи ҳаракатга келтиряпти. Ёки анави самолётни олинг, ахир уни кимдир бошқаряпти-ку!.

**Д-р Сингх**: Кимдир уларни бошқариб турибди.

**Шрила Прабхупада**: Ҳа. Ҳамма нарсани кимдир бошқаради. Нимага фирибгар олимлар буни инкор этадилар. Самолет – катта машина, лекин, уни кичкина руҳий заррача, пилот бошқаради. Олимлар мана шу катта самолёт “Боинг-747” кичкина руҳий зарра ёрдамисиз уча олишини исботлай олмайдилар. Худди кичкина руҳий учқун катта самолётни бошқара олгани сингари, катта руҳий учқун бутун оламни бошқаришга қодир.

## Долзарб муаммоларни ҳал қилиш ўрнига...

**Шрила Прабхупада:** “Шветашватара-упанишад” да шундай дейилган:

*кешагра-шата-бхагасйа шатамишаҳ садришатмакаҳ  
дживах сукшма-сварупо йам санхйатито хи чит-канаҳ*

Бу шеърда айтилишига кўра, тананинг эгаси бўлган рухий зарранинг ўлчами соч толаси учининг ўн мингдан бир бўлагига тенг. У худди атомнинг ўлчами сингари жуда кичик. Лекин ана шу атом катталигидаги кичкина рухий зарранинг қуввати билан менинг танам тирик. Ана шу атомар рухий қувват тана ичида бўлгани учун у ҳаракатланади, шунинг учун самолет уча олади. Нахотки, буни тушуниш шунчалик қийин бўлса?

Фараз қилинг, инсон ўзини бақувват ва кучли деб ҳисоблайди. Нимага у бақувват ва кучли? Фақат ичида рухий учкун, жон бўлгани учунгина у бақувват. Ана шу жон уни ташлаб кетган заҳоти у ўзининг куч-қувватидан маҳрум бўлади, шунда қарғалар келиб унинг жасадини титкилаб ташлайди. Агар олимлар ҳаётнинг сабабчиси ва манбаи модда деб ўйласалар, улардан атиги биргина ўлган одамнинг жасадини қайта тирилтиришни илтимос қилайлик, масалан, буюк инсон профессор Эйнштейннинг танасини тирилтирсинлар. Олимлар ўлик жасадга қандайдир кимёвий унсур киритсинлар, бирор ўлган киши қайтадан тирилиб яна ишлай бошлармикан? Лекин олимлар бунга қодир эмаслар. Уларга номаълум бўлган нарсалар жуда кўп, лекин шунга қарамай ҳамма ана шундай калтафаҳм одамларни олимлар деб атайдилар.

**Д-р Сингх:** Баъзан, муаммо жуда жиддий бўлса, биз ўзимизни атайлаб уни кўрмаганга соламыз.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Маймун йўлбарсга дуч келиб қолса, уни кўрмаслик учун кўзларини чирт юмиб олади, йўлбарс шу заҳотиёқ унга ташланади. Олимлар ҳам шундай, агар бирор муаммони ҳал қила олмасалар, дарров: “Майли, ҳаммаси шундайлигича қолсин!” – дейдилар. Улар аслида шундай қиялтилар, чунки **ҳақиқий муаммо – ўлим муаммосидир.** Ҳеч ким ўлишни истамайди, лекин олимлар ажални тўхтатишга қодир эмаслар. Улар ўлим ҳақида юзаки гапириб ўтадилар, чунки улар инсонни ажал балосидан халос эта олмайдилар. Биз ўлишни истамаймиз, кексайишни, касалланишни истамаймиз. Лекин олимлар бунга қандай ёрдам бера оладилар? Улар бунга қарши ҳеч нарса таклиф қила олмайдилар. **Улар ҳаётнинг асосий муаммоларини четга суриб қўйганлар.**

## Шоғол ҳукмдор

**Шрила Прабхупада:** Бенгалияда “*Джангал-ки раджа*” яъни, “шоғол ҳукмдор” деган эртақ бор. Унда ўрмон ҳукмдори бўлган шоғол ҳақида ҳикоя қилинади. Шоғоллар ўзларининг айёрлиги билан машҳур. Бир куни шоғол қишлоққа ўғирликка кириб, кўк бўёқ тўла идиш ичига тушиб қолибди. У идишдан сақраб чиқиб ўрмонга қочибди, лекин энди унинг териси кўк рангга бўялиб қолибди. Буни кўрган ҳайвонларнинг ҳаммаси ўзаро гапириша бошлабди: “Бу ким? Бу қандай ҳайвон бўлди экан?” Ҳатто арслон ҳам ҳайратга тушибди: “Биз аввал сизни ҳечам учратмаганмиз, жаноб? Сиз ким бўласиз?” Шоғол: “Мен Худонинг элчисиман” – дебди шоғол. Шунда ҳайвонларнинг ҳаммаси унинг олдида худди Худога сифингандай сажда қила бошлабдилар. Қуларнинг бирида бошқа шоғоллар ўзларининг

одатига кўра увиллай бошлабди: “Уу-уу-уу!” Шоғоллар табиатан бошқа шоғоллар увиллаганда увилламасдан туролмаслиги сабабли, ўша кўк шоғол ҳам увиллаб юборибди: “Уу-уу-уу!” Шундай қилиб, у бошқа ҳайвонлар олдида ўзининг асл башарасини фош қилиб қўйибди. Сизларнинг ҳукуматдаги шоғолларнинг ҳам сирлари фош бўлиб, кўплари истейфога чиқадилар ёки камалиб кетдилар.

**Брахмананда:** Бу Уотергейт. Буни бизда “Уотергейт можароси” деб айтадилар.

**Шрила Прабхупада:** Ҳозирги даврда амалда биронта соф виждонли киши ҳукумат лавозимига кўтарилмади. Ҳозир ҳамма жойда шундай. Фирибгарлик қилмайдиган ёки ёлгон гапирмайдиган киши ҳукуматдаги бирор лавозимда ишлаб қололмайди. Шунинг учун ҳукумат таркибига биронта такводор инсон кирмайди. Лекин, нима ҳам қила олардик?

**Д-р Сингх:** Сиёсатчилар – энг ашаддий ёлгончилардир.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, улар ярамас одамлар. Бир донишманд айтган эканки, сиёсат – ярамас одамларнинг энг сўнгги нажот макони.

## Илм-фан ўлимни тўхтатиши лозим

**Брахмананда:** Олимлар рақ касалининг сабабини билдиларми?

**Д-р Сингх:** Уларнинг бу борада бир неча таълимотлари бор.

**Шрила Прабхупада:** Рақ касалининг сабаби ҳам аниқланди, деб фараз қилайлик. Бунинг нима фойдаси бор? Ҳатто рақ касалининг давоси топилса ҳам, барибир сиз инсонни мангу яшайдиган қила олмайсиз. Бунинг иложи йўқ. Рақ сабаблари ёки бошқа сабаб биланми, барибир инсон ўлиши керак. У ўлимдан қочиб қутула олмайди. Ажал барибир келади – рақдан бўлмаса, бахтсиз ходисадан. Ҳақиқий илм-фан ана шу ўлимни енгиш масаласи устида тадқиқот олиб бориши лозим. Мана шу ҳақиқий илм бўлади, мана шу - Худони англаш илми. Қандайдир бир касалликнинг давосини топиш – аслида ҳеч қандай ютуқ эмас. Ҳақиқий ютуқ – барча касалликларни биратўла бартараф қилишдан иборат. “Бҳагавад-гита”да айтилганки, **ҳаётнинг ҳақиқий муаммолари – туғилиш, кексайиш, касаллик ва ўлиш муаммоларидир.** “**Моддий оламнинг энг олий сайёрасидан бошлаб, то энг қуйи сайёрасигача – ҳаммаси туғилиш ва ўлиш такрорланиб турадиган мусибатлар маконидир**”. Биз инсониятга ана шу такрорланиб турадиган туғилиш ва ўлишлар муаммосини ҳал қилиш йўлини таклиф қиламиз. Биз ўзимиз амал қилиб юрган, бошқаларга ҳам таклиф этаётган Худони англаш йўли ана шу муаммони биратўла ҳал қилади. Бу йўлга кирган кишининг фаолиятининг комил натижаси шундан иборат бўладики, у ҳозирги танаси яроқсиз ҳолга келиб, ҳалок бўлганидан кейин, унинг жони туғилиш, ўлиш, кексалик ва касалликка дучор бўладиган бошқа тана олмайди. Мана шуни ҳақиқий илм деса бўлади.

## Олтинчи суҳбат

Лос-Анжелес. Тинч океан соҳили.  
7-май, 1973 йил.

### Сеҳр кудрати – модданинг манбаи

**Шрила Прабхупада:** Олимларнинг фикрига кўра ҳаёт кимёвий унсурлар бирикмасидан пайдо бўлармиш. Лекин улар аввал ана шу кимёвий унсурлар, кимёвий бирикмалар қаердан пайдо бўлганини тушунтириб беришлари лозим. Кимёвий моддалардан ҳаёт пайдо бўлади, бу шуни билдирадики, ҳаёт сеҳр кудратига эга. Масалан, апелсин дарахтида жуда кўп апелсинлар бор. Уларнинг ҳар бирида кимёвий моддалар мавжуд: лимон кислотаси ва ҳоказо. Ана шу кимёвий моддалар қаердан пайдо бўлди? Маълумки, уларни ана шу дарахт ичидаги ҳаёт, жон яратган. Олимлар кимёвий моддаларнинг қандай пайдо бўлишини эътибордан четда қолдирадилар. Улар ўзларининг изланишларини кимёвий моддалардан бошлайдилар, лекин уларнинг қаердан пайдо бўлганини аниқламайдилар. Кимёвий моддаларни олий ҳаёт, жон, Олий Рух, яъни, Худо яратган. Худди жон тирик инсон танасида турли хил кимёвий моддаларни яратгани сингари, олий ҳаёт, олий рух, Парвардигор ҳам атмосферада, сувда, одамларнинг, ҳайвонларнинг танасида ҳамда ер юзидаги мавжуд барча кимёвий моддаларни яратади. Мана шу “сеҳр кудрати” деб аталади. Парвардигорнинг сеҳр кудрати борлигини тан олмай туриб, ҳаётнинг пайдо бўлиши ҳақидаги саволга жавоб топишнинг иложи йўқ.

**Д-р Сингх:** Олимлар: “Биз сеҳрга, мўъжизага ишона олмаймиз” - деб айтадилар.

**Шрила Прабхупада:** Унда кимёвий моддаларнинг қандай пайдо бўлишини тушунтириб берсинлар. Оддий дарахт кўплаб кимёвий моддалар яратаётганини ҳамма кўриб турибди. Лекин, у буни қандай амалга оширади? Олимлар бунга жавоб бера олмагани учун, ҳаёт мўъжизавий сеҳр кудратига эга эканини тан олишлари лозим. Мен ҳатто бармоғимдаги тирноғим қандай ўсишини тушунтириб бера олмайман, бу ҳодиса менинг тушуниш имкониятимдан ташқарида. Бошқача қилиб айтганда, менинг тирноғим англаб бўлмас куч, *ачинтйя-шакти* кудрати билан ўсади. Шундай қилиб, агар *ачинтйя-шакти* ҳатто оддий инсонда ҳам мавжуд бўлса, тасаввур қилинг, кудратли Парвардигор қанчалик кучли *ачинтйя-шакти*га эга.

Парвардигор билан менинг орамиздаги фарқ шундан иборатки, гарчи мен ҳам Худо сингари имкониятларга эга бўлсам ҳам, мен фақат озгина миқдорда кимёвий моддаларни ярата оламан, Парвардигор эса, уларни чексиз миқдорда ярата олади. Мен тер кўринишида озгина сув ярата оламан, Парвардигор эса, океанларни яратишга қодир. Денгиз сувининг сифатини аниқлаш учун унинг биргина томчисини текшириб кўришнинг ўзи кифоя. Худди шундай, оддий тирик мавжудот Худонинг ажралмас бир зарраси ҳисобланади, шу боис тирик мавжудотларни ўрганиш билан биз аста-секин Худони тушуна бошлаймиз. Парвардигор чексиз сеҳр кудратига эга. Унинг сеҳр кудрати худди электр токидай тез ҳаракат қилади. Электр қуввати билан ишлайдиган баъзи бир ускуналар шу қадар мукаммал тузилганки, битта тугмачани босиш билан ишга тушиб кетади. Худди шундай, Парвардигор ҳам: “Бўл!” – дейди, холос, ва шу нарса бўлади. У: “Олам яралсин!” – деди, шу заҳотиёқ олам яралиши бошланди. Агар табиатнинг фаолиятига шундай нуқтаи-назар билан қарасак, уни

тушуниш жуда осон бўлади. Парвардигор шунчалик ҳайратли қувватларга эгаки, У шунчаки истак билдирса бас, шу заҳоти яратиш жараёни бошланиб кетади.

**Брахмананда:** Баъзи олимлар Худони ҳам, *ачинтйя-шакти*ни ҳам тан олмайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Бу уларнинг виждонсизлигидан далолат беради. Худо бор, Унинг *ачинтйя-шактиси* ҳам бор. Қушларда учиш қобилияти қаердан пайдо бўлган? Сиз ҳам, қушлар ҳам тирик мавжудотларсиз, лекин ўзининг *ачинтйя-шактиси* ёрдамида қуш уча олади, сиз эса, уча олмайсиз. Бошқа бир мисолни олайлик: уруғлик қондан пайдо бўлади. Эрақ кишининг танаси сеҳр кудратига эга, унда жинсий алоқа қилиш истаги бўлгани учун унинг қони уруғликка айланади. Агар қандайдир сеҳр кудрати бўлмаса, бу қандай рўй бериши мумкин? Тирик мавжудотлар жуда кўп сеҳр кудратига эга. Сигир хашак билан озикланиб сут ишлаб чиқаради. Буни ҳамма билади, лекин сизга бир боғ хашак берсам, сиз уни сутга айлантира оласизми? Демак, сигир сеҳр кудратига эга. Сигир хашакни сутга айлантира олади. Эрақ ва аёлларнинг танаси аслида бир хил тузилган, лекин эрақ киши овқат еб сут ишлаб чиқара олмайди, аёл эса бунга қодир. Буларнинг ҳаммаси сеҳр кудрати ҳисобланади.

**Д-р Сингх:** Олимлар бунга эътироз билдириб айтадиларки, ҳар хил таналарда турли хил ферментлар ишлаб чиқарилади, сигирнинг сут ишлаб чиқаришини шу билан тушунтириш мумкин.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, лекин ана шу ферментларни, ана шу механизмни ким яратган? Бу ҳам сеҳр кудрати билан амалга оширилган. Сиз ана шу механизмни ҳам, ферментларни ҳам яратишга қодир эмассиз. Сиз ўз лабораториянгизда хашакдан сут олишга қодир эмассиз. Сиз ўз танангизда сеҳр кудратингиз ёрдамида овқатни қонга ва хужайраларга айлантира оласиз, лекин лабораторияда сиз сеҳр кудратисиз ҳатто хашакни ҳам сутга айлантира олмайсиз. Шунинг учун сиз сеҳр кудрати мавжудлигини тан олишингиз лозим.

### Сеҳр кудратининг келиб чиқиши

**Шрила Прабхупада:** Йоглар асосан ўзларида сеҳр кудратини ривожлантириш билан машғул бўладилар. Йог сув юзида чўкиб кетмасдан юра олади. У гравитация қонунига бўйсунмайди. Мана шу сеҳр кудрати *лагхима* деб аталади. Бу ибора шуни билдирадики, инсон пардан ҳам енгил бўлиб, гравитация қонунига бўйсунмайди. Йога билан шуғулланиш жараёнида фақат йога билан шуғулланиб юрган кишида аввалдан мавжуд бўлган англаб бўлмас сеҳр кудрати ривожланади. Мана бу болалар сув юзида сузиб юрибдилар, мен эса, сузишни билмайман. Лекин сузиш қобилияти аввалдан менда ҳам бор. Уни ривожлантириш учун фақат машқ қилиш керак. Шундай қилиб, агар оддий инсон шундай йога кудратига эга бўлса, тасаввур қилинг, кудратли Парвардигор қанчалик сеҳр кудратига эга бўлади? Шунинг учун Ведаларда Парвардигор *Йогешвара*, “**бутун сеҳр кудратининг эгаси**” деб аталади. “Бҳагавад-гита”(10.8)да Парвардигор шундай дейди: “**Мен барча рухий ва моддий оламлар манбаиман. Ҳамма нарса Мендан яралган**”. Токи биз Парвардигорнинг ана шу гапини қабул қилмас эканмиз, моддий табиатнинг келиб чиқишини тартиб билан тушунтира олмаймиз. Сеҳр кудрати мавжудлигини тан олмай туриб Худони тушунишнинг иложи йўқ, лекин

сиз Худони илмий равишда тушуниб етсангиз, ҳамма нарсани тушуна оласиз.

**Д-р Сингх:** Яъни, сиз айтмоқчисизки, фан ўзининг изланишларини бошланғич нуқтадан эмас, балки оралиқ поғонадан бошляпти?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, айнан шундай. Улар ҳамма нарсанинг манбаини билмайдилар. Олимлар бирор мавжуд нарсани ўз изланишларининг бошланғич нуқтаси қилиб оладилар, лекин ана шу нуқта қаердан пайдо бўлган? Улар шунча излансалар ҳам, буни билмайдилар. Бутун борлиқнинг бошланғич манбаи – барча сеҳр қудратига эга бўлган, ҳамма нарсани яратадиган Парвардигор эканини тан олиш керак. Парвардигорнинг ўзи "Бхагавад-гита"да: **“Мен барча рухий ва моддий оламлар манбаиман. Ҳамма нарса Мендан чиқади”** - деб айтган. Бизларнинг бундай хулосамиз кўр-кўрона ишончга асосланган эмас – улар илмий асосланган хулосалардир. Моддани ҳаёт яратади. Ҳаёт, яъни, манба – чексиз моддий имкониятларга эга. Бу олам яралишининг маҳфий сири. Агар игнани ташлаб юборсангиз, у дарров ерга тушади, лекин бир неча кило оғирликка эга бўлган катта қуш бемалол осмонда учиб юради. Биз унинг учиб қобилятининг манбаини аниқлашимиз лозим. Табиатни ўрганиб аниқлашимиз мумкинки, ҳар қандай тирик мавжудот у ёки бу даражада сеҳр қудратига эга. Инсон сувда бир икки соатдан кўп яшай олмайди, балиқ эса, ҳамма вақт сувда яшайди. Ахир бу сеҳр қудрати эмасми?

**Д-р Сингх:** Мен учун бу албатта, сеҳр қудрати, лекин балиқ учун эмас.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Сеҳр қобиляти ҳаммага тенг тақсимлангани учун шундай. Лекин Худо, бутун борлиқнинг манбаи, барча сеҳр қудратларига тўлалигича эга. Унинг сеҳр қудратининг бир қисми менда, бир қисми сизда, ундан қушларга ҳам ўзига яраша улуш тегади. Лекин сеҳр қудратининг манбаи Худо, ягона Парвардигор ҳисобланади.

Сеҳр қудратининг асосан саккиз тури мавжуд. Улардан баъзилари қуйидагича: *лагхима* – пардан ҳам енгил бўла олиш, *махима* – тоғдан ҳам катта бўла олиш, *пранти* – истаган нарсасига эга бўла олиш, *ишитва* – бошқа тирик мавжудотларни ўзига бўйсундира олиш қудрати. Сеҳр қудратининг бошқа тури қуёшда ҳам бор, чунки қуёш нуридан тушуниб бўлмас тарзда турли нарсалар пайдо бўлади. Сеҳр қудратининг мавжудлигини тан олмасдан олимлар бу ҳодисани тушунтира олмайдилар. Улар шунчаки бу муаммо атрофида айланиб юрерадилар.

**Д-р Сингх:** Ўзларининг нуқтаи-назарини асослаб бериш учун маккор олимлар ҳеч қандай исбот келтирмасдан истаган нарсани тўқиб чиқаришлари мумкин. Лекин ҳақиқий олим ҳамма нарсанинг бошланғич сабабини аниқлаши – яъни воқеа-ходисани охиригача виждон билан бенуксон таҳлил қилиши лозим.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, токи у ҳамма нарсанинг бошланғич олий сабабини топмас экан, уни илм билан шуғулланиб юрган киши, олим деб бўлмайди.

**Д-р Сингх:** Сеҳр қудратини англаб етиш танамиз ҳар куни ўлиб боришини тан олишни назарда тутадими?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа.

**Д-р Сингх:** Лекин одатда инсон ўзини “ўлиб бораётган” деб ҳисобламайди.

**Шрила Прабхупада:** Бу унинг ғофиллигидан далолат беради. У ҳар бир дақиқа сайин ўлиб бораверади, лекин, шунга қарамай, “мен ҳеч қачон ўлмайман” деб ўйлайди. Аслида инсон туғилганиданок ўлишни бошлайди. Биз бу муаммони шундай қабул қиламиз: одамлар ўлиб

бораётган экан, демак, биз ўлим деган мусибатни бартараф қилишимиз лозим. Лекин ўзларини “олим” деб юрган кишилар одамларнинг ажалини тезлаштириб қолмасдан, бизларнинг амалий маслаҳатимизни қабул қилиб, ўзларининг хатосини тузатишни ҳам истамайдилар.

## Еттинчи суҳбат

Лос-Анжелес. Тинч океани соҳили.

8-май.1973 йил.

## Алдоқчилар ва алданганлар жамияти

**Шрила Прабхупада:** Вазнсизлик, ўзаро тортиш кучи сингари табиат ҳодисалари *ачинтия-шакти*, англаб бўлмас қувватлар ҳисобланади, ҳақиқий илм-фан ана шу *ачинтия-шакти*ни англаб ўрганишни назарда тутлади. Воқеа-ҳодисалар занжирини вақтнинг қандайдир маълум бир нуқтасидан бошлаш илмий усул бўлмайди ва ҳеч қандай натижага олиб келмайди. Биз ҳамма нарса аслида нимадан бошланганини билишимиз лозим. Изланишларимизда маълум бир чегарага етиб борганда биз табиатни *ачинтия-шакти* яратган эканини англаб етамиз. Масалан биз ақлимиз, мўйқалам ва бўёқлар ёрдамида гул тасвирини яратишимиз мумкин. Лекин, қандай қилиб ер юзида ўсимликлар ўзидан ўзи ўсиб, мева беришини англаб ета олмаймиз. Биз қозоғга ясалган гулни тушунишимиз мумкин, лекин ҳақиқий гулни тушуна олмаймиз. Аслини олганда олимлар биологик ривожланиш ҳодисасини тушунтира олмайдилар. Улар фақат “молекула”, “хромосома” сингари, жимжимадор иборалар билан тўла бўлган узундан узоқ нутқ гапиришлари мумкин, лекин аслида бу ҳодисани батафсил тушунтириб бера олмайдилар.

Бу сохта олимларнинг асосий хатоси шундан иборатки, ўзларининг фикр-мулоҳазаларида ва хулосаларида улар индуктив усулдан фойдаланадилар. Масалан, агар олим индуктив усул ёрдамида ҳар бир инсон муқаррар ўлишини аниқламоқчи бўлса, у одамлар орасида бир ёки бир неча ўлмайдиган киши йўқлигига ишонч ҳосил қилиши учун ҳар бир одамни ўрганиб чиқиши керак бўлади. У шундай фикр юритади: “Ҳамманинг муқаррар ўлишига мен ишонмайман. Ўлмайдиган бирор одам топилиб қолиши мумкин. Мен ҳали ҳаммани ўрганиб чиққанам йўқ. Қандай қилиб мен ҳамма муқаррар ўлимга маҳкум деб айта оламан?” Илм ўрганишнинг мана шундай усули индуктив усул деб аталади. Дедуктив усул қуйидагича: отангиз, рухий устоз ёки *гуру* сизга “ҳар бир инсон муқаррар ўлади” деб айтади, сиз буни ҳақиқат деб қабул қиласиз.

**Д-р Сингх:** Яъни, илм олишнинг пастдан юқорига(индуктив) ҳамда юқоридан пастга(дедуктив) йўналган усуллари бор?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Юқорига йўналган (индуктив) усул ҳеч қандай натижа бермайди, чунки бу усул мукамал бўлмаган сезгиларимиз орқали олинган маълумотларга асосланган. Шунинг учун биз маълумот юқоридан пастга келадиган усулни қабул қиламиз.

Индуктив усул билан Худони англаб етишнинг иложи йўқ. Шунинг учун Уни *адхокшаджа*, яъни “сезгилар ёрдамида бевосита англаб етишнинг иложи бўлмаган Зот” деб атайдилар. Олимлар “Худо йўқ” деб

айтадилар, чунки улар Худони эмпирик усул ёрдамида бевосита англаб етишга уринадилар. Лекин Парвардигор – *адхокшаджа!* Демак, олимлар Худо ҳақида ҳеч нарса билмайдилар, чунки улар Худони англаб етиш мумкин бўлган усулни билмайдилар. Илоҳий илми ўрганиш учун ҳақиқий руҳий устозга мурожаат қилиш, унинг гапларини диққат билан тинглаш ва унинг хизматини қилиш лозим. Бу ҳақда Парвардигор "Бҳагавад-гита"(4.34)да шундай дейди: *тад виддхи пранипатена парипрашнена севайа.*

Бир куни руҳий устозим: “Ҳозирги жамият алданганлар ва алдоқчилар жамиятидир” – деганди. Афсуски, алданган содда одамлар ўзларини алдаб юрган алдоқчиларни кўкларга кўтариб олқишлайдилар, шундай қилиб, кичкина алдоқчилар катта алдоқчилар олдида бош эгадилар. Масалан, бу ерга бир тўда эшаклар келиб: “О сиз *жагад-гурусиз!* Сиз бутун олам аҳлининг руҳий устозисиз!” - сингари гаплар билан мени олқишлай бошласалар, уларнинг бу олқишларининг сарик чақалик қадри бўладими? Лекин, ҳақиқий маданиятли ва оқил, доно киши олқишласа, унинг гаплари жуда қадрли бўлади. Одатда бу дунёда кимнидир олқишлайётган одамлар ҳам, улар олқишлайётган киши ҳам ғофил одамлардир. Ведаларда айтилганидек, *самстутаҳ нурушаҳ пашу:* “**Кичкина ҳайвонлар катта ҳайвонларни олқишлайдилар**”.

### Ҳамдардлик

**Шрила Прабхупада:** Ҳозирги даврда тиббиёт ҳам, қонунлар ҳам, ҳукумат ҳам одамларни алдайди. Ҳукуматда катта лавозимларни эгаллаб ўтирган амалдорлар пора олишда айбланадилар. Агар губернатор пора олса, полиция пора олса, буни маданиятли жамият деб бўладими? Одамлар сайлов пайтида ўзларига бахтиёр ҳаётни ваъда қиладиган сиёсатчига овоз берадилар. Лекин бахт дегани – *майя*(алдамчи, сароб нарса) бўлгани учун у ҳеч қачон ўз ваъдасининг устидан чиқа олмайди, шу тарзда жамият алдоқчиларга тўлиб бораверади. Одамларнинг ўзлари мана шу алдамчи бахтга интилиб юрганлари учун улар такрор ва такрор ана шундай алдоқчи йўлбошчиларга овоз бераверадилар.

*Вайшнав* ана шундай ғофил одамларга нисбатан жуда меҳрибон, ҳамдард бўлади. Буюк вайшнав Прахлад Махараж Парвардигорга шундай илтижо қилади: “Эй Худойим, менинг ўзимни ҳеч қандай муаммо безовта қилмайди. Фикру-хаёлим хамиша Сенинг ғайритабиий илоҳий фаолиятинг ҳақидаги ўйларга фарқ бўлиб юради, шунинг учун менга ҳамма нарса ойдин. Лекин мени алдамчи бахт изидан қувиб юрган мана шу бечораларнинг тақдири қаттиқ азобга солади”.

*Вайшнав* фақат одамларни қандай қилиб бахтиёр қилиш ҳақида ўйлаб юради. У одамларнинг амалга ошириб бўлмайдиган орзулар кетидан қувиб, бекорга овора бўлиб юрганни билади. Эллик-олтмиш йил давомида одамлар алдамчи бахт изидан қувиб юради-лар, кийин ўз ишларини тамомлай олмасдан, ўлгандан кейин бошига не савдолар тушишини ҳам билмасдан ўлиб кетадилар. Аслида улар ҳайвонлардан жуда кам фарқ қиладилар, чунки ҳайвон ўлганидан кейин нима бўлиши ҳақида ўйламайди. Ҳайвон ўз ҳаётининг қадрини ҳам, нима мақсадда бу дунёга келганини ҳам билмайди. *Майя* таъсири остида у умр бўйи шунчаки, еб-ичиб, ухлаб, жинсий алоқа қилиб, ўзини химоя қилиб яшаб бир куни ўлиб кетади. Унинг ҳаётда

қиладиган иши шу, холос. Ғофил ҳайвонлар, шунингдек, ҳайвонсифат одамлар бутун умри давомида мана шу беш нарса билан шуғулланиш учун интилиб юрадилар: **овқатланиш, ухлаш, насл қолдириш, ўзини химоя қилиш ва ўлиш.** Шунинг учун ҳар бир вайшнавнинг вазифаси – одамларга насихат беришдан иборат: уларга **Худо борлиги** ва аслида **биз Унинг мангу хизматкори** эканимиз ҳақида, Унга хизмат қилиш ёрдамида **қалбимизда Унга нисбатан муҳаббат туйғусини уйғотиб, лаззатга тўла мангу ҳаёт билан роҳатланиб яшай олишимиз мумкинлиги** ҳақидаги илоҳий илми етказиши лозим.

### Қафасдан ташқарида

**Д-р Сингх:** Лекин, токи моддий табиат ичида экан, тирик мавжудот моддий танага муҳтож эмасми?

**Шрила Прабхупада:** Йўқ, тирик мавжудот бутунлай руҳий табиатга эга, шу боис унинг моддага умуман эҳтиёжи йўқ. Лекин, унинг ақли касал бўлгани учун, у ўзини моддага муҳтождай хис қилади. Тирик мавжудот худди аслида ичишга ҳеч қандай эҳтиёжи бўлмаса ҳам: “Агар ичмасам ўлиб қоламан” - деб ўйлайдиган арокхўрга ўхшайди. Мана шу *майя*, яъни, адашиш, алданиш деб аталади. Нахотки, агар арок ичмаса арокхўр ўлиб қолса?

**Д-р Сингх:** Йўқ. Лекин, агар инсон овқатланишни тарк этас, у ўлиб қолади?

**Шрила Прабхупада:** Бу ҳам унчалик эмас. Кеча кечқурун бизлар Рагхунатха дас Госвами ҳақида гапирдик(11). Умрининг охирида у овқатланиш ва ухлашдан бутунлай ўзини тийиб яшаган. У уч-тўрт кун давомида фақат озгина пахта(қатиқнинг суви) ичган ва атиги икки-уч соат ухлаб, суткасига йигирма икки соат ишлаган. Баъзи кунлар у умуман ухламаган. “У қандай яшаган?” – деган савол туғилиши мумкин, лекин у юз йил умр кўрган. Рагхунатха дас Госвами овқатланиш, ухлаш, жинсий алоқа, ўзини химоя қилиш муаммолари кизиқтирмаган, лекин, шунга қарамай у яшашда давом этаверган. Худонинг асл содиғи бўлган ҳолда у гарчи руҳ ҳозир аслида ҳеч қандай зарурат бўлмаган моддий тана қафаси ичига тушиб қолган бўлса ҳам, аслида руҳ мангу ва мустақил эканини яхши биларди. Масалан, куш қафас ичига кириб қолган дейлик. У фақат қафас ичида бўлгани учунгина тирик эмас-ку? Қафас бўлмаса у эркин яшайди. Одамлар мана шу моддий тана ичида бўлиш менга бахт бахт келтиради, деб ўйлайдилар. Аслида бундай эмас. Аслида моддий тана қафаси ичига камалиб қолганимиз сабабли биз кўрқув туйғусини хис қиламиз. Лекин, агар биз ҳаётимизни, онгимизни покласак, шу заҳотиёқ *абхайа*, яъни, “кўрқув нималигини билмайдиган зот”га айланамиз(бунинг учун биз танамиздан чиқишимиз ҳам шарт эмас).

*браҳма-бхута прасаннатма на шочати на канкишати самах сарवेशу бхутешу мад-бхактим лабхате парам*  
Биз шу заҳотиёқ ғафлаг уйқусидан уйғониб, кўрқувдан, қайғу ва моддий истаклардан пок бўлган азалий руҳий ҳолатимизга қайтамиз.

**Д-р Сингх:** Лекин барибир олимлар қандай қилиб тирик мавжудот моддага умуман боғлиқ бўлмаган ҳолда мустақил яшай олиши ҳақида батафсилроқ маълумот олишга интиладилар.

**Шрила Прабхупада:** Токи сиз шартланган ҳолатда экансиз, сиз моддага боғлиқ бўлиб қолаверасиз. Масалан, бу ерга Африкадан келган киши шартланган, чунки у бундай совуқ муҳитга мослашмаган. Шунинг

учун у бу ерда ўзини ноқулай ҳис қилади. Лекин бошқалар бу ердаги совук иқлимга ўрганиб қолганлар. У ёки бу шароитга мосланиш қобилияти кишининг қанчалик шартланганлигига боғлиқ бўлади. Шартланган ҳолатда инсон нисбийлик нуқтаи-назаридан фикр юритади: иссиқ-совук, лаззат-мусибат ва ҳоказо. Лекин, озодликка эришгандан кейин сиз бундай шартланган нисбий фикрлардан халос бўласиз. Рухий ҳаёт шартланганлик ҳолатидан озодликка чиқишни, яъни, *браҳма-бхута* ҳолатига эришишни билдиради. Инсоннинг комил ҳаёти шуни англатади. Тирик мавжудот шартланган ҳолатида, ўзи мангу тирик бўлишига қарамай, туғилман, ўламан, касалланман ва кексаяман деб ўйлайди. Лекин онги шартланмаган киши ҳатто кексайиш нималигини билмайди. "Брахма-самхита"да Кришна ҳақида шундай дейилган: *адваитам ачйутам анадим ананта-рупам адйам пурана-пурушам нава-йауванам ча*, яъни, **“У – биринчи тирик мавжудот, ёши ҳаммадан катта бўлишига қарамай, ҳамиша ёш ва навқирон”**. У ҳамиша йигирма ёшли йигитдай кўринади, чунки У бутунлай рухий табиатга эга.

### Саккизинчи суҳбат

Лос-Анжелес, Тинч океани соҳили.  
11-май 1973 йил.

### Оннинг эволюцион ўзгариши

**Д-р Сингх:** Шрила Прабхупада, мен "Бхагавад-гита"да “мавжуд 8.400.000 турли ҳаёт шаклининг ҳаммаси бир вақтда пайдо бўлган” деган маълумотни ўқидим. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа.

**Д-р Сингх:** Яъни, баъзи тирик мавжудотлар эволюцион жараёнда иштирок этмасдан, бирданига инсон танасида туғилганлар?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Тирик мавжудотлар ҳаётнинг бир туридан иккинчи турига ўтиб юрадилар. Ҳар хил ҳаёт шакллари азалдан мавжуд. Тирик мавжудот худди бир квартирадан иккинчи квартирага кўчиб юрган киши сингари, бир ҳаёт туридан иккинчи ҳаёт турига ўтиб юради, холос. Биринчи тоифа, иккинчи тоифа, учинчи ва ҳоказо тоифа квартиралар бор. Масалан, биров паст тоифадаги квартирадан юқорироқ тоифадаги квартирага кўчиб ўтади. Лекин унинг ўзи аввал қандай бўлса, шундайлигича қолаверади, лекин энди, у ўз мавқеига, яъни, *карма*(13)сига биноан, юқорироқ тоифадаги квартирада яшаш имкониятига эга бўлади. Ҳақиқий эволюция, юксалиш деганда жисмоний жиҳатдан ривожланиш эмас, балки оннинг ривожланиши назарда тутилади, тушунарлими?

**Д-р Сингх?** Тушундим, шекилли. Сиз айтяпсизки, тубанликка юз тутиб, ҳаётнинг пастки шаклларига тушиб қолган киши, кейин ривожланиб, аста-секин олий ҳаёт турларига эришиши лозим?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Пулингиз кўпайганда сиз яхшироқ квартирага кўчиб ўтишингиз мумкин. Лекин, квартиралар аввалдан бор. Лекин бу “паст тоифадаги квартира юқори тоифадаги квартирага айланади” дегани эмас. Дарвин таълимоти умуман нотўғри. У: “эски квартира олий тоифадаги квартирага айланиб қолади” деб ҳисоблайди. Замонавий олимлар “ҳаёт моддадан пайдо бўлади” деб ҳисоблайдилар. Улар

айтадиларки, миллион йиллар илгари битта модда бўлган, ҳаёт бўлмаган. Биз бу фикрга кўшила олмаймиз. Икки турли қувват бор – жон(руҳ) ва модда, жон бошланғич, олий қувват, **модда** эса, – куйи, руҳдан пайдо бўладиган **иккиламчи қувват**дир.

**Д-р Сингх:** Улар бир вақтнинг ўзида мавжуддилар?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, лекин руҳ, жон мустақил, модда эса, унга боғлиқ, бўйсунган ҳолатда. Масалан, мен қўл ва оёқларсиз ҳам яшай оламан. Агар уларни кесиб ташласалар, мен ўлиб қолмайман. Демак, менинг ҳаётим қўл ва оёқларимга боғлиқ эмас, лекин қўл ва оёқларим менга, тана ичида жойлашган руҳга боғлиқ. Жон чиқиб кетса, танам яшай олмайди.

### Мангу истаклар учун яратилган таналар

**Д-р Сингх:** Лекин, модда ва руҳ бир вақтнинг ўзида пайдо бўлган, шундайми? **Шрила Прабхупада:** Йўқ. Улар умуман “пайдо бўлган” эмас. Улар мангу мавжуд. “Пайдо бўлган” деган тушунча фақат бизларнинг онгимизда мавжуд, чунки биз мана шу чекланган оламда яшаймиз ва бу ердаги ҳамма нарсанинг боши ва охири борлигини кўриб юрибмиз. Шунинг учун биз ҳамма нарса “пайдо бўлиши керак” деб ўйлаймиз. Лекин аслида, модда ҳам, руҳ ҳам ҳамиша мавжуд. Мен дунёга келганимда “олам мен туғилгандан бошланган” деб ўйлайман. Лекин олам азалдан мавжуд. Бошқа бир мисол, масалан, оловни олайлик. Агар сиз олов ёқсангиз, ёруғлик ва иссиқлик кейинроқ пайдо бўладими? Йўқ. Олов пайдо бўлган заҳоти, бир вақтнинг ўзида ёруғлик ҳам, иссиқлик ҳам пайдо бўлади. Лекин мен: “Олов ёнди, энди мен иссиқлик ва ёруғлик пайдо бўлишини кутиб туришим керак” – десам, хато бўлади.

**Д-р Сингх:** Лекин олов – иссиқлик ва ёруғлик манбаи.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, лекин барибир иссиқлик ва ёруғлик олов билан бирга мавжуд. Худди шундай, мангу тирик мавжудотларнинг ҳар хил мангу истаклари бор. Тирик мавжудотларнинг ҳар хил мангу истакларини амалга ошириш учун ранг-баранг ҳаёт турлари ҳам мангу мавжуд.

**Д-р Сингх:** Яъни, тирик мавжудотлар ўз истакларига яраша ҳар хил таналарда ҳаёт кечиришга мажбур бўладилар?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Масалан, ҳукумат қамоқхона куради, чунки албатта жиноятчилар пайдо бўлишини билади. Жиноятчини суд қилиб, айбдор деб қарор қабул қилганларида, ҳали ҳукм чиқармасдан аввал қамоқхона мавжуд эди. Худди шундай, Парвардигорни ҳам *сарва-джна*, яъни, “ҳамма нарсани биладиган Зот” деб атайдилар. Парвардигор баъзи бир тирик мавжудотлар жиноят йўлига кириб, Унга хизмат қилишдан бош тортишини олдиндан билади. Моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида тирик мавжудотларда пайдо бўладиган турли хил истаклар Унга аввалдан маълум. Шу боис У шартланган руҳларнинг барчаси ўзлари яшайдиган макон топа олишлари учун бирданига ҳаётнинг барча турларини яратиб қўяди.

Моддий табиатнинг уч гунаси – *самтва*(эзгулик), *раджас*(эхтирос) ва *тамас*(ғафлат) гуналари. Моддий оламдаги ранг-баранг жисмларнинг барчаси мана шу уч сифатдан яралган. Бу худди уч асосий – кўк, қизил ва сарик ранглари аралаштириш ёрдамида миллионлаб рангдаги бўёқларни яратиш мумкинлигига ўхшайди. Табиатда ана шу мураккаб қурилмани бошқариш механизми мавжуд. "Бхагавад-гита"(3.27)да *пракритех крияманани гунаих кармани сарвашах* – **“Барча ҳаракатларни моддий табиат гуналари амага**

**оширади**” дейилган. Ана шу гуналар ўсимликлар, дараклар, сув хайвонлари, одамлар, фаришталар, ит-мушуклар ва 8.400.000 турни ташкил этадиган бошқа кўшпаб ҳар хил биологик турларда намоён бўлади.

Парвардигор *Параматма* кифасида мужассам бўлиб, Олий Рух сифатида ҳар бир тирик мавжудот қалбига киради. Олий Рух моддий тана ичида мавжуд, лекин Ўзи моддий тананинг бошланғич манбаи бўлишига қарамай, у моддий эмас. Иссиқлик ва ёруғлик куёшнинг қувватларидир, шу боис куёшга иссиқлик бегона эмас, у “иссиқдан терлаб кетмайди”. Худди шундай, Параматма учун модда билан рухнинг фарқи йўқ, чунки бу икки қувват ҳам – рухий қувват(хаёт) ҳам, модда ҳам Ундан чиқади. Баъзан биз куёшни булут қоплаб олганини кўришимиз мумкин, лекин аслида бу шунчаки, бизнинг мукамал эмаслигимизнинг намоён бўлишидир. Биз бу сайёрада баъзан куёш нурини кўрамиз, баъзан куёш нурини булутлар тўсиб кўяди, лекин гарчи булутларни ўзи яратса ҳам, куёшда хамиша фақат куёш нурини кўриш мумкин. Худди шундай, атрофимиздаги нарсаларни модда ва рухга ажратиш фақат бизларга хос бўлган хусусият, Парвардигорнинг Ўзи учун уларнинг бир-биридан фарқи йўқ. У биз моддий деб атайдиган танада келадими ёки рухий танада келадими, У хамиша рухий табиатли бўлиб қолаверади. Унинг учун модда билан рухнинг бир-биридан умуман фарқи йўқ, чунки У – қувват манбаидир. У моддани рухга, рухни моддага айлантира олади.

## Н<sub>2</sub>О ва сеҳр қудрати

**Д-р Сингх:** Химик олимларнинг, умуман барча олимларнинг фикрига кўра рухий табиатга эга бўлган жон маълум бир кимёвий унсурлар мавжудлиги сабабли моддий оламда яшайди. Уларнинг фикрига кўра ана шу унсурлар: углерод, водород, азот ва кислород. Булар тирик мавжудотнинг моддий танасини ташкил этадиган асосий унсурлар ҳисобланади. Билишимча, Ведалар таълимоти бўйича, тирик мавжудот ривожланиши учун жон аввал ана шу мавжуд унсурлар ичига кириши лозим. Шундайми?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Масалан, ерда ўсимлик ўсиши учун зарур бўлган ҳамма нарса мавжуд, лекин бунинг учун албатта ўсимлик уруғини ерга кўмиш лозим. Худди шундай она қорнида янги тана яратиш учун ҳамма нарса етарли, лекин аввал ота тирик мавжудот уруғини у ерга жойлаши лозим, фақат шундан кейингина унда ҳомила ривожлана бошлайди. Нимага инсондан инсон туғилади, итдан эса, – ит? Чунки ҳар бир тана ичида бунинг учун зарур бўлган барча таркибий унсурлар мавжуд. Менинг танамда маълум миқдордаги кимёвий унсурлар мавжуд, чумолининг танасида улар анча кам, филнинг танасида эса, - анча кўп. Агар мен чумолига қараганда кўпроқ, фил эса, мендан кўпроқ кимёвий унсурлар яратишга қодир бўлса, тасаввур қилиб кўринг, Парвардигорнинг Ўзи қанчалик кўп кимёвий унсурлар ярата олади! Олимлар кислород билан водород ўзаро бирикиб қандай қилиб сувга айланишини тушунтириш учун айнан мана шунга асосланишлари лозим. Акс ҳолда улар океанлар пайдо бўлиши учун зарур бўлган кислород ва водороднинг манбаи қаерда эканини излаб тополмайдилар. Лекин биз буни биламиз. Бу моддалар – кислород ва водород – Парвардигорнинг фазовий кифасида, *вират-рупа*да мавжуд. Нимага олимлар мана шу оддий ҳақиқатни тушуна олмайдилар?

Океанларда сув пайдо бўлиши учун водород билан кислород ўзаро бирикади. Биз ҳам ана шу фактни тан оламиз. Лекин, ана шу чексиз водород ва кислородлар манбаи – *ачинтия-шакти*, яъни, Парвардигорнинг англаб бўлмас сеҳр қудрати эканини эшитиб хайрон бўладилар.

## Ҳаёт дегани нима?

**Д-р Сингх:** Олимлар орасида “жонли” ва “жонсиз” деган иборалар борасида ўзаро аниқ тушунча мавжуд эмас. Баъзи олимлар “жонли” мавжудотнинг асосий белгиси насл қолдириш деб биладилар. Шу қоидага асосланиб улар “биз ҳаёт яратдик” деб айтадилар, чунки лабораторияда ихтиро қилинган ДНК(14) молекулалари ўзидан ўзи кўпайиш хусусиятига эга. Демак, улар энди янги молекулалар тизимини ярата оладилар. Баъзи бир олимлар ДНК молекулалари “жонли” эканини тан оладилар, баъзилари эса, тан олмайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Агар кимдир ундай деса, бошқа бири бундай деса, демак, уларнинг илми мукамал эмас.

**Д-р Сингх:** Биз онги бор мавжудотларни “тирик” яъни, “жонли”, онги бўлмаган мавжудотларни эса, – “ўлик”, “жонсиз” деб белгиласак, тўғри бўладими?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, жонли ва жонсиз мавжудотларнинг фарқи мана шунда. Парвардигор "Бхагавад-гита"(2.17)да шундай деган: *авинаши ту тад виддхи йена сарвам идам татам* - “**Бутун танага сингаб кетган зот - мангу**”. Гап нима ҳақда бораётганини ҳамма тушунса керак. Албатта бу ерда “онг” назарда тутиляпти. Ўлгандан кейин оладиган танамизнинг шакли ажалимиз етган пайтдаги онгимизга мос бўлади. Агар итникига ўхшаган онгда ўлсангиз, итнинг танасини оласиз, агар илоҳий онга эга бўлсангиз, фаришта танасига эга бўласиз(15). Парвардигор ҳар кимга ўзи истаган танага эга бўлиш эркинлигини бериб қўйибди. Парвардигор "Бхагавад-гита"(9.25)да шундай деган:

*йанти देवा-व्रता देवान पितृनि यान्ति पितृ-व्रताः  
ब्रह्मानी यान्ति ब्रह्मदेव्या यान्ति माद-यादृजिनो पि माम*

**“Фаришталарга сиғинадиганлар фаришталар орасида туғиладилар; арвоҳларга сиғинадиганлар арвоҳлар орасида туғиладилар; аждодларига сиғинадиганлар аждодлари ёнига боради, Менга сиғиниб юрганлар эса, Менинг даргоҳимга келадилар”.**

## Дарвин таълимотининг хатолиги

**Д-р Сингх:** Агар инсон ҳозирги ҳаётида озодликка чиқа олмаса, яна инсон танасида туғилиш имкониятига эга бўлиш учун 8.400.000 турли тана шакллариининг ҳаммасида туғилиб чиқиши керакми?

**Шрила Прабхупада:** Йўқ, табиат қонунларига кўра фақат ҳаётнинг қуйи шаклларидаги тирик мавжудотлар аста-секин эволюцион ривожланиб инсон танасига эга бўладилар. Инсон танасида яшаш имкониятига эга бўлгандан кейин у юксак даражада ривожланган онга, яъни, кучли тафаакурга эга бўлади. Демак, агар унинг тафаккури етарлича ривожланган бўлса, у қайтадан ит ёки мушук танасига қирмайди – у яна инсон танасида туғилади.

*рапйя пунйя-критим локан ушитва шашиватиः साмах*

*шучинам шриматам гехе йога-бхраишо бхиджайате*  
Йога билан шуғулланиш йўлига кирган, лекин қандайдир сабабларга кўра тўла муваффақият қозона олмай қолган кишиларни *йога-бхраиштаҳ* ибораси билан ифодалайдилар. У эволюцион ривожланиш зинапоясининг бошидан бошламайди: унга яна инсон танасида туғилиш имкони берилади. У ит ёки мушук танасида туғилмайди. Бунда ҳам биз юқорида фойдаланган квартира билан таққослаш мисоли ўринли бўлади: агар сиз ҳақини тўлашга қодир бўлсангиз, яхшироқ квартирага ўта оласиз. Сиз паст тоифадаги квартираларга ўтиб юрмайсиз.

**Д-р Сингх:** Сизнинг ҳамма гапларингиз Дарвиннинг эволюцион таълимотига бутунлай зид келяпти.

**Шрила Прабхупада:** Дарвин калтафаҳм одам. Унинг таълимоти умуман нотўғри. Биз унинг фалсафасини тан олмаймиз. Биз унинг аҳмоқона фалсафасидан қанча узоқ юрсак, руҳий илми шунчалик чуқурроқ англаб етамиз.

**Д-р Сингх:** Кўпчилик олимлар Дарвин таълимотини шубҳа-гумонларсиз тан ололмайдилар. Лекин унинг тарафдорлари таъкидлайдиларки, ҳаёт моддадан бошланган ва эволюцион ривожланиш қонуни бўйича бир хужайрали организмлар ривожланиб кўп хужайрали организмлар даражасига эришган. Уларнинг фикрига кўра, ҳайвонлар ва инсон сингари олий биологик турлар олам яралган пайтда мавжуд эмасдилар.

**Шрила Прабхупада:** Дарвин ва унинг тарафдорлари – ҳақиқий алдоқчилар. Агар олам яралган пайтда олий турга мансуб тирик мавжудотлар мавжуд бўлмаган бўлса, ҳозир улар қаердан пайдо бўлган? Нима сабабдан ҳалигача қуйи турдаги тирик мавжудотлар ҳам сақланиб қолган? Масалан, ҳозир юксак даражада ривожланган онг эгаси бўлган инсонни ҳам, онгсиз эшакни ҳам учратиш мумкин-ку! Нима сабабдан ҳозир мана шу икки тоифадаги тирик мавжудотлар бир вақтнинг ўзида мавжуд? Нима сабабдан эшаклар эволюцион ривожланиш давомида юқори турдаги тирик мавжудотларга айланиб, ер юзидан йўқолиб кетмаган? Нимага биз ҳеч қачон маймундан инсон туғилганини эшитмаганмиз? Дарвин издошларининг “инсон ривожланишнинг маълум бир даврида пайдо бўлган” деган фикри бутунлай нотўғри, мантикка умуман тўғри келмайди. “Бхагавад-гита”да айтилганки, руҳ ўзи истаган биологик турга мансуб танага бир зумда ўта олади. Мен гоҳида Америкага, гоҳи Австралияга ёки Африкага бориб қоламан. Бу мамлакатлар аввалдан бор. Мен фақат уларга бориб кетаман, холос. Мен Америкага келган бўлсам, бу “мен Американи яратдим”, ёки “менинг ўзим Америка бўлдим” дегани эмас-ку! Ҳали мен бормаган жуда кўп давлатлар бор. Лекин бу “улар мавжуд эмас” дегани эмас. Дарвин таълимотини қўллаб-қувватлайдиган олимлар соғлом фикр юритишга қодир эмаслар. “Бхагавад-гита”да аниқ айилганки, барча биологик турлар бир вақтнинг ўзида мавжуд, сиз ўзингиз истаган ҳайвон танасига эга бўла оласиз. Агар истасангиз, сиз ҳатто Худонинг даргоҳига эриша оласиз. Буларнинг ҳаммасини Парвардигор “Бхагавад-гита”да тушунтириб берган.

## Тўққизинчи суҳбат

Лос-Анжелес, Чевиот-Хиллз хиёбони.  
13 май 1973 йил.

### Тирик мавжудотнинг инсон танасидан ит танасига ўтиши

**Шрила Прабхупада:** Дунёвий олимлар сохта таълимотларга ишонадилар. Парвардигор “Бхагавад-гита”(10.8)да *ахам сарвасйа прабхаваҳ* – “**Мен – бутун борлиқнинг манбаиман**” – деган. Парвардигор – руҳ, ҳақиқатан ҳам тирик Зот. Худо жонсиз тош эмас.

**Д-р Сингх:** Яъни, моддани руҳ яратади.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, модда руҳдан ўсиб чиқади. Менинг танам менадан, руҳий табиатга эга бўлган жондан чиқади. Масалан, мен танамга мослаб тикилган мана бу пальтони кийиб олганман. Лекин, агар “мен - мана шу пальтоман” десам, бу ғирт нодонлик бўларди.

**Шогирд:** Шрила Прабхупада, минералог олимлар тоғлар чўкиндилар натижасида ўсишини исботлаганлар. Тоғларнинг ўсиши ҳам унда руҳ борлиги билан боғлиқми?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. “Шримад Бхагаватам”да “тоғлар – Парвардигорнинг фазовий танасининг суяклари, гиёҳлар - унинг танасидаги туклардир” дейилган. Демак, агар шу жиҳатдан қарасангиз, энг катта тана Парвардигорнинг танаси бўлади.

**Д-р Сингх:** Шрила Прабхупада, инсоннинг бир танадан иккинчи танага ўтиши билан ҳайвонларнинг бир танадан иккинчи танага ўтиши орасидаги фарқ нимада?

**Шрила Прабхупада:** Ҳайвонларнинг бир танадан иккинчи танага ўтиши фақат бир йўналишда, фақат юксалишга қаратилган бўлади, инсонлар эса, онгли равишда қилган ишларига қараб ҳаётнинг қуйи шаклларига ҳам, юқори шаклларига ҳам ўта олади. Тирик мавжудот ўз ниятига, истакларига мос келадиган танага эга бўлади – “**Ниятинг йўлдошинг!**” Қуйи турдаги ҳайвонларнинг истаги фақат битта, инсоннинг эса, орзу-истаклари чексиз: ҳайвоний истаклар, инсоний истаклар. Табиат қонунларига кўра, тирик мавжудотлар ҳайвон танасидан юқорироқ ҳаёт шаклига, инсон танасига ўтадилар. Лекин, **агар руҳ инсон танасига эга бўлиб ҳам, руҳий ўзлигини, Худони англаб етишга интилиб, онгини ривожлантирмаса, у яна ит ёки мушук танасига қайтиши мумкин.** (60. Айтинг: “*Сизларга Аллоҳнинг ҳузурини бундан кўра ёмонроқ(жазо оладиган кимсалар) ҳақида хабар берайми? Улар Аллоҳнинг лаънатига дучор бўлган, газабига гирифтор бўлган ва маймун, тўнғизларга айлантириб қўйилганлар, ҳамда шайтонга қул бўлган кимсалардир. Ана ўшалар энг ёмон мартабада бўлган ва бутунлай тўғри йўлдан озган кимсалардир.* Моида сураси)

### Нирвана

**Д-р Сингх:** Олимлар ривожланишнинг инсон танасидаги поғонасидан юқорига кўтарилиш ҳам, пастга қараб кетиши ҳам мумкинлиги ҳақидаги маълумотга эга эмаслар.

**Шрила Прабхупада:** Шунинг учун мен уларни “алдоқчи, фирибгар одамлар” деб атаяпман. Уларда илм йўқ, лекин шунга қарамай ўзларини “олим” деб атайдилар. Ҳақиқий илм “Бхагавад-гита”да нозил қилинган: *йанти देва-врата деван питрин йанти питр-вратаҳ* (“Бхагавад-гита” 9.25). Яъни, инсон

ҳозирги танасида кимга сиғиниб юрган бўлса, унинг кейинги ҳаётида оладиган танаси шунга қараб белгиланади. Лекин, **бевосита ягона Парвардигорнинг Ўзига сиғиниб юрган кишилар бу дунёда бир танадан иккинчи танага ўтиб юриш жараёнини бутунлай тамомлайдилар.** *Йам прапйа на нивартанте тад дхама:* “Инсон Менинг олий даргоҳимга эришгандан кейин ҳеч қачон туғилиш ва ўлишлар оламига қайтиб келмайди” (“Бҳагавад-гита”. 8.21). (“Улар бир ўлимдан бошқа ўлимни кўрмайдилар”. Қуръон. Духон.56). Демак, инсоннинг кейинги ҳаётида оладиган танаси унинг ҳозир кимга сиғиниб юрганига боғлиқ бўлади. Рухий оламга эришиш (*самсиддхим парамам*) – инсон ҳаётининг энг олий мақсади, рухий баркамоллик чўққисидир. Сиз “Бҳагавад-гита”ни ўрганинг, унда ҳамма нарса батафсил тушунтирилган. Лекин олимлар бу ҳақда ҳеч нарса билмайдилар. Улар ҳатто мана шу кўпол моддий тананинг ичида жон, тирик мавжудот борлигига ишонмайдилар.

**Д-р Сингх:** Улар тирик мавжудот ҳақида гапирмайдилар. Улар фақат таналар ҳақида фикр юритадилар.

**Шогирд:** Уларнинг тасаввурлари буддизм таълимотининг ғояларига ўхшаб кетади. Буддистлар айтадиларки, тана худди уйга ўхшайди. Худди уйни ёғочдан курганлари сингари, тана ҳам кимёвий унсурлардан қурилади. Тананинг ҳалок бўлиши худди уйнинг бузилишига ўхшайди. Бузилгандан кейин уй – уй эмас, кимёвий моддалар тўпламига айланиб қолади, энди уй ҳам йўқ, демак, ҳаёт ҳам.

**Шрила Прабхупада:** Мана шу ҳолат *нирвана* деб аталади. Кейин аввалги уйнинг таркибий қисмларидан бошқа уй, яъни бошқа тана қуриш мумкин. Мана шу буддизм. Буддистлар руҳ ҳақида илмга эга эмаслар.

## Тақдир ва карма

**Шогирд:** Баъзи олимлар “бир тана ичида бир неча руҳ” бор деб айтадилар. Мисол тариқасида улар чувалчангни келтирадилар. Агар уни икки бўлакка бўлсангиз, унинг икки қисми ҳам тирик қолаверади. Улар айтадиларки, мана шу аввалги чувалчанг танаси ичида икки руҳ бўлганини билдиради.

**Шрила Прабхупада:** Йўқ. Бунда шунчаки иккинчи тана ичига янги руҳ кирган, холос.

**Д-р Сингх:** Рухий табиатга эга бўлган жоннинг албатта танаси – ё рухий, ё моддий танаси бўлиши шартми?

**Шрила Прабхупада:** Жоннинг рухий танаси ҳамиша мавжуд, у баъзан моддий тана билан қопланади, холос. Менинг моддий танам менинг рухий танамнинг устида пайдо бўлади, лекин моддий тана менинг асл табиатимга мос эмас. Ҳақиқий тана – рухий тана ҳисобланади. Мен бу дунёда ўз табиатимга зид бўлган таналар ичига қамалиб юраман. Менинг азалий, табиий ҳолатим – Худонинг хизматкори бўлишдан иборат. Токи мен қайтадан ўзимнинг ана шу азалий ҳолатимга эришмас эканман, мен модданинг хизматкори бўлиб юравераман ва моддий қувват қонунлари асосида бирин-кетин таналарни алмаштириб юришга мажбурман. Аввалига бир тана оламан, кейин уни ташлаб кетаман. Бу тана ичида менда шу тана билан боғлиқ бўлган моддий истаклар пайдо бўлади, шу истакларга асосан менга бошқа тана беришади. Бу жараён моддий табиатнинг шафқатсиз қонунлари асосида амалга оширилади. Одамлар ўз тақдиримизни ўзларимиз яратамиз деб ўйлайдилар, лекин улар

ҳамиша табиатни бошқариб турган карма қонунлари ҳукми остида яшайдилар:

*пракритех крийаманани гунаиҳ кармани сарвашах  
аханкара-вимудхатма картахам ити манйате*

“Моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида адашган тирик мавжудот аслида моддий табиат гуналари бажариб юрган ишларни ўзим қиялман деб ўйлайди” (Б.г.3.27). Тирик мавжудотнинг адашиб юришига сабаб шуки, у моддий танасини ўзим деб ҳисоблайди.

*ишварах сарва-бхутанам хрид-деше ржсуна тиштхати  
бхрамайан сарва-бхутани йантраарудхани майайа*

“Машина” деган маънони англатадиган *йантра* ибораси мазкур шеърда шуни англатадики, қайси биологик турга мансуб бўлган танада бўлмайлик, бизлар ўзимизга моддий табиат бериб қўйган машинага ўхшаган таналар ичида юрган бўламиз. Баъзан биз юкорирок турга мансуб таналарга эга бўламиз, баъзида эса қуйи турдаги таналарга. Лекин, агар рухий устознинг ҳамда Худонинг марҳамати билан инсон Худога садоқат уруғини олиб, уни ўз қалбига жойлаб, унда Худога муҳаббат ниҳолини ривожлантира бошласа, у туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан озодликка чиқа олади. Ана шунда уни **ҳаётда муваффақиятга эришган қомил инсон** деб аташ мумкин. Акс ҳолда у гоҳида ўсимлик, гоҳида арслон ва ҳоказо таналарга эга бўлиб, ҳар хил биологик турларга мансуб таналарда баъзан юкорига кўтарилиб, баъзида пастга тушиб юраверади.

## Жаҳолатни илм деб эълон қилиш

**Шогирд:** Демак, бу дунёда лаззатланиб яшашга бўлган интилишимиз бизни ҳар хил моддий таналар ичида сарсон бўлиб юришга олиб келади, Худога садоқат билан хизмат қилиб, Унинг даргоҳига эришиш истаги эса, ўзимизнинг азалий табиий ҳолатимизга олиб келади?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа.

**Д-р Сингх:** Лекин, биз ҳамиша ўзимизнинг қуйи, пасткаш табиатимиз билан курашиб юрганга ўхшаймиз. Аслида Худога хизмат қилишни истасак ҳам, биз ҳамиша сезгиларимизни лаззатлантириш истаги билан курашиб юраемиз. Бу ҳамиша шундай давом этадими?

**Шогирд:** Бу моддий тана худди ичимиздаги диктатор сингари, бизга ўз ҳукмини ўтказишга ҳаракат қилади.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Ўғри агар ўғирлик қилса, ҳибсга олиниб қамоқхонага тушишини билади. Аввал у бошқа бир ўғрининг қамалганини кўрган ҳам бўлиши мумкин, лекин шунга қарамай, ўғирлик қилишда давом этаверади. Ҳамиша ҳукумат вакиллариининг назорати остида юрганини тушунса ҳам, барибир ўзи истаган ишни қилишда давом этаверади. Мана шу *тамас*, ғофиллик, жаҳолат деб аталади. Шу боис, ҳақиқий илмга эга бўлиш – рухий ҳаётнинг бошланишидир. Парвардигор “Бҳагавад-гита”да Аржунга илм беради. Парвардигор Аржунга: “Сен тана эмассан” дейди. Ҳақиқий илм мана шундан бошланади. Лекин, қайси бир Университетда одамларга бундай илм берадилар? Доктор Сингх, сиз айта оласизми, қайси Университетда талабаларга шундай илм берадилар?

**Д-р Сингх:** Бундай илм берадиган Университет йўқ.

**Шрила Прабхупада:** Ҳозирги таълим-тарбия ана шундай ҳолатда: уларда ҳақиқий илм йўқ. Улар илм ўрнида талабаларга жаҳолатни, ғофилликни ўргатадилар.

**Д-р Сингх:** Лекин, агар олимлар ўзлари аслида моддий тана эмаслигини билсалар, уларнинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари бутунлай ўзгарган бўларди.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, биз айнан шунини истаймиз.

**Шогирд:** Лекин улар мағлуб бўлишни, ўзларининг хатосини тан олишни истамайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Мана шу уларнинг ғофиллигининг яна бир марта намоён бўлишидир. Агар сиз аслида аҳмоқ бўла туриб, одамларга ўзингизни ақлли киши деб кўрсатмоқчи бўлсангиз, бу сизнинг навбатдаги нодонлигингиз бўлади. Унда сиз ҳеч қачон юксалишга эриша олмайсиз. Агар сиз ғофил бўлиб қолишда давом этиш билан бирга ўзингизни билимдон қилиб кўрсатишга уринаётган бўлсангиз, сиз ҳақиқий қаллоб, фирибгарсиз. Сиз ўзингизни ҳам, бошқаларни ҳам алдаб юрган бўласиз. Одамлар моддий тараққиётга, ўзларининг дунёвий маданиятини ривожлантиришга шунчалик боғланиб қолганларки, улар тобора ит ва мушукларга ўхшаб кетяптилар. Масалан, улар давлат чегараларда иммиграцион хизматлар ташкил қилиб олишган. Уларнинг сарҳадида яқинлашган заҳоти итга ўхшаб ақиллай бошлайдилар: “Вов-вов! Нимага келдингиз? Нима ишингиз бор?” Аслида бу қоровул итларнинг вазифаси. Улар бирор қурол топиш мақсадида маданиятли одамларнинг нафсониятига тегиб, уларнинг сумкаларини титкилай бошлайдилар. Одамларда бир-бирига ишонч деган нарса қолмаган, ҳозир ўзларини маданиятли қилиб кўрсатадиган ўғри ва қароқчилар жуда кўпайиб кетган. Шуми уларнинг эришган тараққиёти? Бундай маданиятни юксалиш деб бўладими? Буни умуман маданият деб бўладими?

## Ғофилликка қарши кураш

**Шогирд:** Баъзи бировларнинг фикрига кўра, Вьетнамда уруш бошланганининг асосий сабаби – коммунистларнинг атеистлигидир. Бу уруш такводор одамлар билан атеистлар орасидаги низо сабабли юзага келган. Ҳар ҳолда бу урушни шу йўл билан оқлашга уриняптилар.

**Шрила Прабхупада:** Бизлар ҳам имонсиз атеистларга қарши курашамиз. Лекин биз уларга қарши ҳақиқий илм тарғибот қилиш билан курашамиз. Агар мен сизнинг ғофиллигингизни яқсон қилсам, буни ҳам “ўлдириш” деб айтиш мумкин. Яқсон қилиш дегани ҳар ким албатта қўлига қилич олиши керак дегани эмас.

**Д-р Сингх:** Бу - уруш олиб боришнинг янги усулими?

**Шрила Прабхупада:** Йўқ. Ҳамиша илм ва аниқ далиллар асосида жаҳолатга, ғофилликка қарши кураш олиб борилган. Ҳаёт ҳақида моддий тасаввурга эга бўлиш – ҳайвонлардай фикрлаш поғонасидир. Ҳайвон модда ва рух ҳақидаги илмдан беҳабар. **Ҳаёт ҳақида моддий тана нуктаи-назаридан тасаввурга эга бўлган кишининг ҳайвондан фарқи йўқ.** Ана шундай “ҳайвон” гапира бошласа, **илмли кишининг қулгиси келади.** Бундай гаплар – шунчаки сафсата, холос. Ҳайвонсифат одамдан қандай маъноли гап чиқиши мумкин.

**Шогирд:** Лекин, ҳар ҳолда ҳайвонлар маълум қонунлар асосида яшайдилар. Улар заруратсиз ҳеч қачон ўлдирмайдилар, фақат зарурат юзасидан овқатланадилар, одамлар эса, ҳеч қандай зарурат бўлмаса ҳам бошқаларни ўлдиришлари, заруратсиз овқатланиши мумкин. Шу жиҳатдан қараганда одамлар ҳатто ҳайвонлардан ҳам паст турадилар.

**Шрила Прабхупада:** Шунинг учун ҳам инсонлар ҳайвонларга нисбатан кўпроқ мусибат чекадилар. Худони англаш таълимоти – шунчаки кимдир ўйлаб

топган сохта диний таълимот эмас. Бу илмий асосланган ҳаракат бўлиб, унинг мақсади – инсониятни мусибатлардан халос этишдан иборат.

**Д-р Сингх:** Олимлар ҳам, бошқа одамлар ҳам айтадиларки, оламда бўлиб турган нарсаларнинг ҳаммаси тасодифан рўй беради.

**Шрила Прабхупада:** Демак, улар ҳам ана шу мавзудаги китобларни тасодифан ёзар эканлар-да?

**Карандҳара:** Ҳа, улар “китоблар ҳам тасодифан ёзилади” деб ўйлайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Унда уларга ишонишнинг нима кераги бор? Инсон тасодифан истаган нарсани ёзиши мумкин.

**Д-р Сингх:** Француз олими доктор Жак Моно 1965 йил Нобел мукофотига сазовор бўлган. Унинг фикрига кўра, оламда бўлиб турган ҳамма воқеа-ҳодисаларнинг асосида тасодиф ётади – маълум бир кимёвий унсурлар тасодифан бирлашиши натижасида асосий молекулалар юзага келган.

**Шрила Прабхупада:** Лекин кимёвий унсурлар қаердан пайдо бўлган?

**Д-р Сингх:** Унинг таълимотига кўра улар ҳам тасодифан пайдо бўлган, зарурат туғилганда молекулалар шаклини ўзгартирганлар.

**Шрила Прабхупада:** Агар ҳамма нарса тасодифан рўй берадиган бўлса, қаердан зарурат пайдо бўлиши мумкин? Қандай қилиб бир вақтнинг ўзида ҳам тасодиф, ҳам зарурат бўлиши мумкин? Бу ғирт нодонлик-ку! Агар ҳамма нарса тасодифан рўй берса, нимага одамлар ўз фарзандларини мактабга юборадилар? Нимага уларга истаганча ўсиб-улғайиш имкони берилмайди? Масалан, мен бирор қонунни буздим, дейлик. Агар мен: “Бу тасодифан рўй берди” – десам, мени кечирадиларми?

**Д-р Сингх:** Демак, жиноят қилишга ғофиллик сабабчи бўлган.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, сабаб менинг ғофиллигимда.

**Шогирд:** Скрипка сингари ажойиб асбоб тасодифан пайдо бўлган деб ҳисоблаш ҳақиқий нодонлик аломатидир.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Жамият ана шундай калтафаҳм нодонларни тан олиб, уларга Нобел мукофоти бериб юриши жуда ачинарли ҳолат. У бутунлай аҳмоқона гапларни гапиради, лекин одамлар уни олим деб тан оладилар.

## Ўнинчи суҳбат

Лос-Анжелес. Чевиот-Хиллз хиёбони.

14-май 1973 йил.

## Олимларнинг хатоси

**Шрила Прабхупада:** Олимларнинг хатоси шундаки, улар икки хил қувват борлигини билмайдилар: моддий ва руҳий қувват. Улар “ҳамма нарса моддий табиатга эга, ҳамма нарса моддадан келиб чиқади”, деб биладилар. Уларнинг таълимотининг нуксони шундаки, улар изланишни руҳдан эмас, моддадан бошлайдилар. Модда руҳдан пайдо бўлгани учун, қайсидир маънода ҳамма нарса руҳдан иборат. Руҳий қувват – манба, у моддий қувватсиз мавжуд бўла олади. Лекин моддий

кувват рухий кувватсиз мавжуд бўла олмайди. Аникроғи, соя нурга боғлиқ, нур соядан пайдо бўлмайди. Олимларнинг фикрига кўра, онг моддадан пайдо бўлади. Аслида эса, онг хамиша мавжуд, лекин у ғафлат билан қопланганида ёки ғофиллик таъсири остида булганса, онгсиз шаклларнинг бирига эга бўлади.

Шундай қилиб, “моддий” деганда Худони унутиш назарда тугилади, “рухий” дегани, – соф Худо онгида, Кришна онгида бўлиш демакдир. Тушунарлими? Тушунишга ҳаракат қилинг: нур борки, соя бор. Нур бўлмаса, биз қоронғу зулматда бўламиз. Қуёшда булут йўқ; бу унинг табиатига хос эмас. Лекин, қуёшнинг қуввати ёрдамида вақтинча бошқа нарсалар пайдо бўлади: туман, булут ёки зулмат. Қуёшдан фарқли равишда бу нарсалар ўткинчи. Худди шундай, моддий табиат ҳам ўткинчи, рухий табиат эса, - мангу. Худонинг онгида бўлиш - ана шу вақтинчалик табиатдан озод бўлиш ва мангу рухий табиатга эришиш демакдир. Аслида ҳеч ким бу ўткинчи табиатда бўлишни истамайди, бу булутли атмосфера ҳеч кимга ёқмайди.

**Д-р Сингх:** Ана шу булганган онгни рухий қувват яратади.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа.

**Д-р Сингх:** Моддани ҳам рухий қувват яратадими?

**Шрила Прабхупада:** *Ахам сарвасйа прабхаво маттаҳ сарвам правартате.* “**Мен – барча рухий ва моддий оламлар манбаиман. Ҳамма нарса Мендан чиқади**” (“Бхагавад-гита”.8.10). Парвардигор – ҳамма нарсанинг, яхши нарсаларнинг ҳам, ёмон нарсаларнинг ҳам манбаидир. Аслини олганда “яхши ва ёмон” деган гаплар моддий оламга хос тушунчалардир. Худо фақат яхшиликни яратади. Парвардигор – фақат яхшиликдан, соф эзгуликдан иборат. Биз ёмон деб ҳисоблайдиган нарса Худо учун яхши. Шунинг учун биз Худони тушуна олмаймиз. У бизларнинг тасаввуримизда бемаънидай бўлиб кўринадиган бирор ишни қилиши мумкин, лекин Унинг тасаввурида яхши-ёмон деган нисбий тушунча йўқ. Масалан, Кришнанинг ўн олти минг хотини бор эди. Баъзилар Уни танқид қилишлари мумкин: “Ў, У аёлларни кўрса, ақлини йўқотиб қўяди!” Лекин, аслида шундай деб ўйлайдиган одамлар адашадилар. Кришна шунчалик қудратлики, У кўпайиб, ўн олти минг эркакка айланади.

“Ҳаммаси бир” деган таълимот нотўғри

**Д-р Сингх:** Сиз, моддий табиат тумани вақтинчалик нарса деб айтдингиз. Ундай бўлса, нимага биз қандайдир вақтинчалик нарсдан озодликка чиқишга уриниб ташвишга тушишимиз керак?

**Шрила Прабхупада:** Сиз нима сабабдан кийим киясиз? Иссиқ кийимсиз ҳам юришингиз мумкин эди-ку! Бир-икки соатдан кейин ҳаво очилади. Нимага иссиқ кийимларингизни кийиб олгансиз?

**Д-р Сингх:** Чунки ҳозир мен учун хатарли совуқ бор.

**Шрила Прабхупада:** Совуқ қачон пайдо бўлса, шундай қиласиз, дарров иссиқ кийиниб оласиз.

**Д-р Сингх:** Ноқулай бўлмаслиги учун.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Акс ҳолда ноқулай бўлади. Кийим ҳақида қайғурмаслик – бу майвадилар таълимоти: “Ҳамма нарса ўзидан-ўзи келаверади, безовта бўлишининг ҳожати йўқ. Аслида ҳаммаси бир”. Бу нотўғри таълимот. Майвадилар таълимоти шундай: “Худо бир бутун, ҳамма нарса, ҳар бир тирик мавжудот Худога тенг”.

Агар химиклар ҳаётнинг бошланиш нуқтаси рух эканини тан олсалар, улар билан орамизда ҳеч қандай келишмовчилик бўлмасди, лекин афсуски, улар “ҳамма нарса зулматдан, жонсиз моддадан бошланади” деб ҳисоблайдилар. Биз уларнинг мана шу фикрига қаршимиз. Биз уларга: “Ўрганишни ҳаёт(тирик рух)дан бошланг!” - деймиз, улар эса: “Йўқ! Сизлар ўрганишни моддадан, зулматдан бошланг!” – дейишади. Уларнинг ўзлари зулматда юрган одамлардир, буни сабаби битта: агар кимдир қоронғудан ёруғликка чиқса “аввал зулмат бор эди” деб ўйлайди. Масалан, умр бўйи сиз қоронғу жойда яшадингиз ва энди бирданига ёруғликка чиқдингиз, дейлик. Сиз албатта: “Ҳа-а! Зулматдан нур пайдо бўлди!”- деб ўйлайсиз. Аслини олганда ёруғлик йўқолганда зулмат пайдо бўлади. Зулмат ёруғликни ярата олмайди.

**Д-р Сингх:** Яъни, зулмат - ёруғликка, соя - нурга боғлиқ?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Яъни, бошқача қилиб айтганда, нурда соя йўқ. Биз фақат ёруғлик йўқолганда зулмат нима эканини тушуна оламиз. Худди шундай, бизнинг рухий онгимиз, Худога хос бўлган илохий онг йўқолганда, онгимиз моддий онга айланади.

Биз эрталаб уйғонамиз, кун охирида эса, чарчаб ухлашга ётамиз. Ҳаёт қандайдир сабаб билан тўхтаганида уйкуга кетамиз. Биз тунда ухлаймиз, эрталаб уйғонганда тушунамизки, сергаклик пайтимиз, яъни, “ҳаёт”имиз уйқудан пайдо бўлгани йўқ. Мен ҳатто ухлаб ётган пайтда ҳам тирик эдим, уйғонгандан кейин ҳам барибир тирик яшашда давом этавераман. Буни яхшилаб тушуниб олиш керак. Чақалоқ она қорнидан дунёга келади. У ўзининг ҳаёти она қорнидан бу дунёга келган пайтдан бошланади деб ўйлайди. Лекин, аслида бундай эмас. Аслида у мангу. У ҳали онгсиз пайтида моддий танаси она қорнида яратилаётган эди, танаси етарлича ривожлангандан кейин у она қорнидан ташқарига чиқди, у онгланиб, яна ўзига келди.

**Д-р Сингх:** Ўлганида у яна уйкуга кетадими?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Бу “Бхагавад-гита”(8.19)да ёзилган:

*бхута-грамаҳ са эвайам бхутва бхутва пралийате ратри-агаме вайаҳ партха прабхаватй ахар-агаме*  
“**Такрор ва такрор кундуз келаверади, шунда сон-саноксиз тирик мавжудотлар фаолият кўрсатишга киришадилар, тун кириши билан эса, эй Партха, ноилж ҳолда улар яксон бўладилар**”.

Биз тана эмасмиз

**Шрила Прабхупада:** Мана бу гулни кўряпсизми? Унинг онги қайта тикланди, лекин кўп ўтмай у сўлади ва ўлиб қолади. Моддий ҳаёт шундай. Аммо рухий ҳаёт сўлиш, ўлишдан эмас, фақат гуллаб-яшнашдан иборат. Модда билан рух фақат шу билан бир-биридан фарқ қилади. Аввалги ҳаётимдаги онгимга мос равишда менга мана шу тана берилган, кейинги ҳаётимда ҳозирги онгимга мос келадиган тана оламан. Бу “Бхагавад-гита”(8.6)да тасдиқланади:

*йам йам вати смаран бхавам тйаджатй анте калеварам там там эвайти каунтейа сада тад-бхава-бхавитаҳ*  
“**Танасини тарк этаётган киши тирикликнинг қандай ҳолатини эсласа, кейинги ҳаётида албатта ана шундай ҳолатга эга бўлади**”.

**Д-р Сингх:** Шрила Прабхупада, агар ҳозирги танамиз аввалги ҳаётимиздаги онгимизга мос ҳолда шаклландиган бўлса, нимага мен аввалги ҳаётимни эслай олмайман?

**Шрила Прабхупада:** Сиз ўтган йили, ҳатто кеча қилган ишларингизнинг ҳаммасини эслай оласизми?

**Д-р Сингх:** Йўқ.

**Шрила Прабхупада:** Сизнинг табиатингиз шундай: унутувчан.

**Д-р Сингх:** Фақат баъзи нарсаларни!

**Шрила Прабхупада:** Баъзи нарсаларни кўпроқ, баъзиларини камроқ. Лекин, барибир ҳамма нарсани эсдан чиқариб юборамиз.

**Д-р Сингх:** Бу ҳам моддий табиат қонуними?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Бу худда ўғирликка ўхшайди. Кимдир чўнтакка тушадиган ўғри, кимдир банк ўғриси, лекин униси ҳам, буниси ҳам ўғри.

**Д-р Сингх:** Ухлаганда бизни қаерларгадир нафис унсурлар олиб кетадими?

**Шрила Прабхупада:** Сизни табиат олиб кетади. Парвардигор "Бхагавад-гита"(3.27)да шундай дейди:

*пракритех крияманани гунаих кармани сарвашах  
аханкара-вимудхатма картахам ити манйате*

“Моддий табиатнинг уч гунаси таъсири остида ақлидан адашган рухий жон аслида моддий табиат гуналари амалга ошираётган ишларни “мен қилияпман” деб ўйлайди”. Биз аслида ким эканимизни эсдан чиқариб қўямиз, чунки моддий табиат исканжасига тушиб қолганмиз.

Рухий ҳаёт ҳақида тушуниб олишимиз лозим бўлган биринчи нарса – биз тана эмас, балки рухий табиатга эга бўлган мангу жонмиз. Қачонлардир сиз ёш бола эдингиз. Энди сиз қатта одамсиз. Ёш бола пайтингиздаги танангиз қани? У тана ҳозир йўқ, лекин сиз борсиз, чунки сиз мангу мавжудсиз. Аввал мавжуд бўлган тана ҳозир йўқ, у ўзгариб кетган, лекин сиз ўзингиз ўзгармагансиз. Мана шу - рухнинг мангу эканини исботлайдиган далилдир. Сиз кеча ва бугун қилган баъзи ишларингизни эслаб қоласиз, лекин бошқа нарсаларни унутиб юборасиз. Сизнинг кечаги танангиз бугунги тана эмас. Сиз буни тан оласизми? Сиз бугун 1973 йилнинг ўн учинчи май куни деб айтолмайсиз. бугун – кечаги кун деб ҳам айтолмайсиз. Ўн учинчи май кечаги кун эди. Бугун бошқа кун кириб келди. Лекин сиз кечаги кунни эслай оласиз. Кечаги кунни эслай олишингиз сиз мангу эканингизни исботлайди. Тана ўзгарган, лекин сиз уни эслай оласиз; демак, гарчи тана ўткинчи бўлса ҳам, сиз мангусиз. Бу жуда оддий далил. Буни ҳатто ёш бола ҳам тушуна олади. Нахотки, шуни тушуниш шунчалик қийин бўлса?

### Тана алмаштириш

**Д-р Сингх:** Одамларга бошқа далиллар керак.

**Шрила Прабхупада:** Уларга яна қандай далил керак? Рух мангу, бу аниқ факт. Мен мангу руҳман. Менинг танам ўзгаради, лекин мен ўзгармайман. Баъзан миямга шундай фикр келиб қолади: “Қачонлардир мен сакраб-югуриб ўйнаб юргандим, лекин ҳозир сакрай олмайман, чунки танам ўзгарган”. Менинг ҳам сакрагим келади, лекин сакрай олмайман. Сакраш истаги мангу, лекин танам кексайиб қолгани сабабли, ҳозир сакрай олмайман.

**Д-р Сингх:** Бунга эътироз билдириб айтишлари мумкинки, уларнинг кузатишларига қараганда онгнинг табиати шундайки, у фақат бир танада ўзгармай қолади.

**Шрила Прабхупада:** Ундай эмас. “Бхагавад-гита”(2.13)да Парвардигор шундай дейди:

*дехино смин йатха дехе каумарам йауванам джара  
татха дехантара-праптир дхирас татра на мухйате*

“Танага мужассам бўлган рух узлуксиз ёш бола танасидан кекса чол танасига ўтгани сингари, ажали етганида рух бошқа танага ўтади. Ўзини англаб етган киши бундан хавотирга тушмайди”. Худди бу тана ҳамиша ўзгариб тургани каби, одам ўлганида ҳам шундай ўзгариш рўй беради.

**Д-р Сингх:** Лекин, олимларнинг фикрига кўра биз ўша охириги ўзгаришни ўз кўзимиз билан кўра олмаймиз.

**Шрила Прабхупада:** Уларнинг кўзлари шунчалик ожиз, номукамалки, улар жуда кўп нарсаларни кўролмайдилар. Лекин уларнинг ғофиллиги сабабли “Бхагавад-гита” ўзининг ҳақиқий илмий ҳақиқат сифатини йўқотмайди. Нимага олимлар ўзларининг сезилари мукамал эмаслигини тан олмайдилар? Аввал улар сезиларининг мукамал эмаслигини тан олишлари керак. Уларнинг кўролмаслиги, илмий ҳақиқат нима-ю, нима илмий ҳақиқат эмаслигини аниқлашга асос бўлолмайди. Итлар табиат қонунларини тушуна олмайдилар. Нима, бундан “табиат қонунлари мавжуд эмас” деган хулоса чиқариш керакми?

**Д-р Сингх:** Олимлар бу далилни тан оладилар, лекин, “объектив ахборот тўплаш ва тажриба орттириш орқали мукамалликка эришиш мумкин” деб ўйлайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Йўқ. Бу йўл билан мукамалликка эришиб бўлмайди. Ҳеч ким ўзининг номукамал фикрлаши, чекланган тафаккури ёрдамида баркамолликка эриша олмайди. Сезиларимиз ва аклимиз мукамал бўлмагани сабабли тафаккуримиз ҳам мукамал эмас.

**Д-р Сингх:** Шрила Прабхупада, яна бир савол туғилиши мумкин. Рух уч, тўрт ёки беш танада мужассам бўлгандан кейин ўлиши мумкин эмасми?

**Шрила Прабхупада:** Сиз миллионлаб таналарда мужассам бўласиз. Мен яна бир бор таъкидлаб айтаман: сизнинг кечаги танангиз – бугунги танангиз эмас. Шунинг учун агар сиз юз йил умр кўрсангиз, танангизни неча марта алмаштирган бўласиз? Санаб кўринг-чи.

**Д-р Сингх:** Ўн уч.

**Шрила Прабхупада:** Нимага ўн уч?

**Д-р Сингх:** Тиббиёт фанининг хулосасига кўра, тананинг барча ҳужайралари ҳар етти йилда бир марта тўлиқ алмашар экан.

**Шрила Прабхупада:** Йўқ, ҳар етти йилда эмас, ҳар бир секундда. Қизил қон таначалари ҳар лаҳзада алмашиб турадилар. Шундай эмасми?

**Д-р Сингх:** Шундай.

**Шрила Прабхупада:** Қизил қон таначалари алмашган заҳоти сиз танангизни алмаштирган бўласиз.

**Д-р Сингх:** Илмий тил билан айтганда, рухнинг мангулигини қувватнинг сақланиши билан қиёслаш мумкинми?

**Шрила Прабхупада:** Қувватнинг сақланиши ҳақида гапиришнинг ҳожати йўқ, чунки қувват ҳамиша мавжуд.

**Д-р Сингх:** Лекин олимлар тили билан айтганда, қувватнинг сақланиш қонунига кўра, қувват пайдо бўлиши ёки йўқолиши мумкин эмас, демак, бу шуни билдирадики, у - мангу.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, биз буни тан оламиз. Парвардигор мангу, шунинг учун Унинг барча қувватлари ҳам мангу.

**Д-р Сингх:** Шунинг учун тирик мавжудот ҳам мангуми?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, агар қуёш мангу бўлса, унинг қувватлари – иссиқлик ва ёруғлик ҳам мангу.

**Д-р Сингх:** Бундан “ҳаёт(рух) яратилиши ёки яқсон бўлиши мумкин эмас”, деган хулоса чиқариш мумкинми?

**Шрила Прабхупада:** Албатта. Ҳаёт(руҳ) мангу. У яратилмайди ҳам, йўқотилмайди ҳам. Фақат моддий қобиклар ўткинчи. Мен мангуман, лекин тунда менинг онгимни уйқу қоплаб олганди, шунинг учун мен “кеча”, “бугун” деган тушунчаларга асосланиб фикр юритяпман. Моддий оламнинг табиати шундай.

## Ҳамма нарса руҳий табиатга эга

**Д-р Сингх:** “Моддий онг” деганда Худонинг онгида бўлмаслик, илоҳий онг йўқлиги назарда тутиладими?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа.

**Д-р Сингх:** Инсон Худонинг онгида бўлганда, илоҳий онгга эга бўлганда моддий табиат қаерга йўқолади?

**Шрила Прабхупада:** Агар сиз Худонинг онгида ўйлаш қобилиятини, илоҳий онгингизни ривожлантира борсангиз, ҳеч қандай моддий нарса йўқлигини кўрасиз. Сиз Худога гул таклиф қилсангиз у моддий гул бўлмайди. Парвардигор бирор моддий нарсани қабул қилмайди. Лекин бу дегани, гул шохасида турганида моддий эди, кейин эса, сиз уни Худога таклиф қилганингизда руҳий табиатга айланиб қолади, эмас. Йўқ. Токи сиз гул мен лаззатланишим учун яратилган деб ўйлар экансиз, гул моддий табиатга эга бўлади. Лекин сиз гул аслида Парвардигорни мамнун қилиш учун яратилган эканини тушунган заҳоти, уни асл ҳолида – руҳий ҳолатида кўра бошлайсиз.

**Д-р Сингх:** Демак, аслида бутун борлик руҳий табиатга эга экан-да?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Шунинг учун биз ҳамма Худога садоқат билан хизмат қилишини истаймиз. Руҳий оламда шундай.

**Д-р Сингх:** Биз Парвардигор яратган бу оламга ҳам шу нуқтаи-назардан қарашимиз мумкинми? Масалан, биз шундай ўйлашимиз мумкинми: “Бу дарахт жуда чиройли, чунки у Парвардигорнинг мулки”.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Мана шу илоҳий онг бўлади.

**Д-р Сингх:** Агар кимдир эҳромдаги Парвардигор Шри Кришнани тош ёки ёғочдан ясалган ҳайкалча деб ҳисобласа, бу нимани билдиради?

**Шрила Прабхупада:** У аслида ҳаёт ҳақида нотўғри тасаввурга эга эканини билдиради. Қандай қилиб эҳромда ўрнатилган Илоҳ моддий бўлиши мумкин? Тош ҳам Парвардигорнинг қуввати. Худди электр қуввати ҳамма жойда мавжуд бўлгани ва фақат мутахассис ундан тўғри фойдаланишни билгани сингари, Парвардигор ҳам ҳамма жойда, ҳатто тошда ҳам мавжуд, лекин фақат Худонинг содиқларигина шу тошда ҳам ягона Парвардигорни кўра билиш учун ундан қандай фойдаланишни биладилар. Шунинг учун Худонинг содиқлари эҳромда Илоҳни кўрганларида, улар: “Бу Парвардигор Шри Кришна!” – деб айтадилар. Улар Парвардигор ва Унинг қуввати бир-биридан фарқ қилмаслигини яққол кўра оладилар.

## Бир вақтнинг ўзида бирлик ва фарқ қилиш

**Д-р Сингх:** Худони англаб етган, илоҳий онг эгаси бўлган киши оддий тошда ҳам Худони худди тошдан ясалган Илоҳ сингари аниқ кўра олиши тўғрими?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа.

**Д-р Сингх:** Худди Илоҳнинг ўзидайми?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Нимага шундай бўлмасин? “Бхагавад-гита”да Парвардигор шундай дейди(9.4):

*майа татам идам сарвам джагад авйакта-муртини*

*мат-стхани сарва-бхутани на чахам тешв авастхитах*

Яъни, Парвардигорнинг қуввати, Ўзининг қисман намоён бўлган кўринишида Кришна коинотнинг ҳар бир атомига сингиб кетган. Лекин Унинг тўла намоён бўлган шахсий қиёфаси Унинг кўрсатмалари асосида ясалган қиёфаларда иштирок этади. Мана шу *ачинтйя-бхеда-абхеда-таттва* – “**Парвардигор ҳамда Унинг қувватининг бирлиги айни пайтда бир-биридан фарқ қилиши**” фалсафаси деб аталади. Масалан, хона қуёш нурига тўлиб турганида бу “қуёшнинг ўзи хонага келди” дегани эмас. Қуёш ҳамда унинг иссиқлик ва ёруғлик сингари турли қувватлари сифат жиҳатидан бир, лекин миқдор жиҳатидан ҳар хил.

**Д-р Сингх:** Шунга қарамай, сиз айтяпсизки, оддий тошда ҳам Парвардигорни кўриш мумкин?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, нимага кўриб бўлмас экан? Биз тошни Парвардигорнинг қуввати деб биламиз.

**Д-р Сингх:** Тошда мужассам бўлган Парвардигорга сиғинишимиз ҳам мумкин?

**Шрила Прабхупада:** Биз Парвардигорнинг тошда мужассам бўлган қуввати орқали Унинг Ўзига сиғинамиз. Лекин “тош - Парвардигорнинг Ўзи” деб сиғинмаслик керак. Масалан, мана бу скамейкани Кришна деб сиғина олмаймиз. Лекин биз ҳамма нарсага ҳурмат-эҳтиром кўрсата оламиз, чунки ҳамма нарсани Парвардигорнинг қуввати деб биламиз. Парвардигор ҳам, Унинг қуввати ҳам сиғинишга муносиб бўлгани учун мана бу дарахт ҳам сажда қилишга лойиқ, лекин бу дегани, биз бу дарахтга ҳам худди эҳромдаги Илоҳга сиғингандай сиғинамиз, дегани эмас.

Ёшлигимда ота-онам менга ҳеч қачон Парвардигорнинг қувватини бекорга сарфламасликни ўргатганлар. Улар менга айтганларки, ҳатто бир дона гуруч пол тахталари орасига тушиб кетса ҳам, у исроф бўлмаслиги учун албатта уни чиқариб олишим ва пешонамга теккизиб тавоф қилишим, кейин уни ейишим керак. Улар менга қандай қилиб ҳамма нарса Парвардигор билан боғлиқ эканини кўриш мумкинлигини ўргатганлар. Мана шу илоҳий онг, Кришна онги билан яшаш деб аталади. Шунинг учун нимадир исроф бўлганини ёки ундан нотўғри фойдаланаётганларини кўрсам жуда хафа бўлиб кетаман. Биз шогирдларимизга қандай қилиб ҳамма нарсдан Худога садоқат билан хизмат қилишда фойдаланиш мумкинлигини, ҳамма нарса Кришна эканини тушуниб олишни ўргатамиз. Парвардигор Шри Кришна “Бхагавад-гита”(6.30)да шундай дейди:

*йо мам пашйати сарватра сарвам ча майи пашйати тасйахам на пранапйаами са ча ме на пранапйати*  
“**Мени ҳамма жойда ва ҳамма нарсани Менда кўриб юрган киши ҳеч қачон Мени йўқотмайди ва Мен ҳам уни ҳеч қачон йўқотмайман**”.

## Ўн биринчи суҳбат

Лос-Анжелес, Чевиот-Хиллз.  
15-май, 1973 йил.

### Рухни излаш

**Д-р Сингх:** Олимларнинг фикрига кўра руҳий табиатга эга бўлган жонни кўриш жуда қийин. Шу боис улар айтадиларки, унинг мавжудлигига ишониш ҳам қийин.

**Шрила Прабхупада:** Улар руҳни қандай кўра оладилар? Рухнинг ўлчамлари кўзга кўринмайдиган даражада кичик. Кимда шунчалик зийрак кўрадиган ўткир кўз бор экан?

**Д-р Сингх:** Улар барибир қандайдир йўл билан унинг борлигини бевосита сезишни, ҳис қилишни истайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Агар инсон организмга юздан бир мисқол захар киритилса, у шу заҳотиёқ тил тортмай ўлади. Ҳеч ким захарни ҳам, захар қандай таъсир қилишини ҳам кўролмади, лекин шунга қарамай захар ўз ишини қилаверади. Шундай экан, нимага олимлар руҳнинг ҳам қилаётган ишига қараб руҳ(жон) мавжудлигини тан олмайдилар? Бундай ҳолларда одатда бирор нарсанинг мавжудлигини унинг ташқи аломатларига қараб аниқлайдилар. Ведаларда айтилганки, бутун тана фақат унинг ичида мавжуд бўлган ва руҳ(жон) деб аталадиган руҳий зарра бўлгани туфайли ҳаракатлана олади. Агар мен бирор жойимни чимитласам, буни дарров ҳис қиламан, чунки танамни қоплаган терилар сезиш қобилятига эга. Лекин жон танамдан чиқиб, танам ўлган заҳоти, танам ҳеч нарсани сезмайдиган бўлиб қолади – уни бемалол кесиш, тирнаш мумкин. Наҳотки шу оддийгина нарсани тушуниш шунчалик қийин бўлса? Мана шунинг ўзи танада руҳнинг мавжудлигидан гувоҳ бермайдими?

**Д-р Сингх:** Шу тарзда руҳнинг мавжудлигини аниқлаш мумкин, лекин Худонинг борлигини қандай исботласа бўлади?

**Шрила Прабхупада:** Аввал инсон ўзининг руҳ(жон)ини англаб етиши лозим. Рух – Худонинг нухаси. Агар сиз бирор нарсанинг нухасини яхши тушуниб олсангиз, унинг ўзини ҳам бемалол тушуна оласиз.

### Замонавий илм-фан

инсониятга фойда келтиряптими ё зарар?

**Д-р Сингх:** Ҳозир олимлар ҳаёт яратишга ҳаракат қиляптилар.

**Шрила Прабхупада:** “Уриняптилар!” “Ҳаракат қиляптилар!” Ахир бу жуда кулгили-ку, биз буни тан олмаймиз. Кўчадаги гадой ҳам: “Мен миллионер бўлишга ҳаракат қиляпман” – деб айтиши мумкин. Биз унга: “Сен аввал миллионер бўлиб ол, кейин гапир! Ҳозир сен ачинарли гадойсан, холос!” – деб айтамыз.

Олимлар ҳам: “Ҳаракат қиляпмиз” – деб айтадилар. Масалан, мен сиздан: “Сиз кимсиз?” – деб сўрасам, сиз менга: “Мен фалончи бўлмоқчиман!” – деб жавоб берасизми? Мени сиз ҳозир ким эканингиз қизиқтиради. “Биз ҳаракат қиляпмиз” – деган гапни, илмий ҳақиқат деб тан олиш нари турсин, ҳатто “маданиятли кишининг жўяли жавоби” деб ҳам бўлмайди.

**Д-р Сингх:** Нима ҳам қилардик, ҳалигача ҳаёт ярата олмаётганига қарамай, улар “тез орада ҳаёт яратамыз!” - деб айтадилар.

**Шрила Прабхупада:** Ҳар қандай фирибгар ҳам шундай деб айта олади. Агар сиз: “Мен келажакда мўъжиза ярата оламан” – десангиз, нимага мен сизнинг гапингизга ишонишим керак?

**Д-р Сингх:** Лекин, олимлар айтадиларки, улар жуда кўп нарсага эришганлар, келажакда яна ҳам кўпроқ ютукка эришадилар.

**Шрила Прабхупада:** Аввал ҳам одамлар ўлган, улар ҳозир ҳам ўлишда давом этяптилар. Хўш, олимлар қандай ютукка эришган эканлар?

**Д-р Сингх:** Улар одамларга ёрдам бераптилар.

**Шрила Прабхупада:** Олимлар одамларнинг умрини камайтиришга ёрдам бераптилар! Аввал одамлар юз ёшга кириб ўлганлар. Ҳозир эса, уларнинг умри олтмиш-етмишдан ошмаяпти. Олимлар атом бомбасини яратганлар. Энди улар бемалол миллионлаб одамларни ўлдира оладилар. Улар фақат одамларнинг ўлишига ёрдам бераптилар, холос. Улар бизнинг яшашимизга ёрдам бераётгани йўқ, шунга қарамасдан улар “ҳаёт яратамыз” деб айтишга журъат қиладилар.

**Д-р Сингх:** Лекин ҳозир бизларда самолётлар бор...

**Шрила Прабхупада:** Олимлар ўлимни тўхтатишга кодир эмаслар, улар туғилишни тўхтата олмайдилар, улар касаллик ва кексайишни тўхтата олмайдилар. Шундай экан, улар нима қилганлар ўзи? Аввал одамлар кексайганлар, ҳозир ҳам кексайишда давом этяптилар. Аввал одамлар касалга чалинганлар, ҳозир ҳам касалланадилар. Ҳозир дорилар ҳам кўпайган, касалликлар ҳам. Улар нимага эришганлар ўзи? Олимлар инсониятнинг ҳолатини яхшилашга ёрдам беролмаяптилар. Биз “ҳаёт моддадан пайдо бўлади” дейдиган ана шу фирибгар-қаллобларни одамлар олдида очиқ баҳсга чақирамиз! Аслида модда ҳаётдан пайдо бўлади.

### Сохта тараққиёт

**Шрила Прабхупада:** Замонавий олимлар қачонгача одамларни лақиллатиб юрадилар? Юз йилми, икки юз йилми? Улар одамларни алдашда чексиз давом этолмайдилар.

**Д-р Сингх:** Бу дунёда ёлғон қадим замонлардан бери мавжуд, балки шунинг учун улар “одамларни шундай лақиллатиб юриш ҳамиша кўлимиздан келади” деб ўйласалар керак.

**Шрила Прабхупада:** Ёлғон қадим замонлардан бери мавжуд эмас! Фан одамларни фақат узоғи билан охириги икки юз ёки уч юз йилдан бери алдай бошлаган.

**Д-р Сингх:** Наҳотки?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Улар минг йиллардан бери эмас, фақат охириги икки юз йилдан бери ҳаёт моддадан пайдо бўлган деб тарғибот қила бошлаганлар. Уларнинг бу ёлғон, сохта таълимотлари ошиб борса эллик йилга қолмасдан албатта фош этилади.

**Д-р Сингх:** Ҳа, ҳозир ана шундай фирибгар “зиёли”ларга қарши ҳаракатлар тобора кучайиб борапти. Одамлар сохта илм-фанга ва замонавий зарарли тараққиётга қаттиқ қаршилик қиляптилар.

**Шрила Прабхупада:** Буни илм-фан деб бўладими? Бу маърифат эмас! Аксинча, бу - жаҳолат. Улар одамларга жаҳолатни маърифат деб, имонсизликни эса, – дин деб тарғибот қиляптилар. Лекин уларнинг бу бўхтонлари узоққа чўзилмайди, чунки кўпчилик одамларнинг кўзи очияпти.

**Д-р Сингх:** Американинг энг йирик журналларидан бири бўлган “Ньюсуик”да христианликнинг таназзулга юз тутиши ҳақида бир мақола ёзилган эди. Ўша

мақолада бир карикатура бўлиб, унда ер юзида зилзила юзага келтираётган иблиснинг тасвири чизилганди. Яқинда Жанубий Америкада жуда катта зилзила бўлди, минглаб одамлар қурбон бўлдилар. Карикатурада ана шундай ҳодисаларни аслида иблислар амалга ошираётгани айтилган. Карикатура ёнига эса, Жанубий-Шарқий Осиёни бомбардимон қилаётган Христианларни қўллаб-қувватлаётган христианлар вакили Ричард Никсоннинг расми қўйилган. Ўша карикатурада иблис Никсонга мурожаат қилиб шундай дейди: “Христианлардан ортда қолмаслик иблисларга осон эмас!”

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, одамлар албатта танқид қиладилар. Уларнинг онги тобора ривожланиб бораптилар. Фирибгар олимлар ва сохта диндорлар қачонгача уларни лақиллатиб юрадилар? Агар жаноб Никсон ўз ватандошларини ҳақиқатан ҳам севадиган бўлса, нимага у ўз ватанининг сигирларига ғамхўрлик қилмайди? Улар ҳам айна шу давлатда туғилган ва худди одамлар сингари уларнинг ҳам яшашга ҳаққи бор-ку. Нимага одамлар уларни ўлдириб юборяптилар? Библияда: “Ўлдирма!” деб ёзилган. Лекин ўзларини диндор деб билган одамлар ҳайвонларни ўлдиряптилар. Буни тараққиёт деб бўлмайди. Кришна сигирларни ҳам кучоқлайди, Шримати Радхаранини(18) ҳам. Мана шуни баркамоллик деса бўлади. Кришна хатто қушлар билан ҳам суҳбатлашган. Бир куни у Ямуна дарёси соҳилида битта қуш билан суҳбатлашади, чунки У қуш тилини ҳам билади. Бир кекса аёл буни кўриб ҳайратга тушади: “Вой Худойим! У қуш билан суҳбатлашяпти!”

**Д-р Сингх:** Сиз айтмоқчисизки, У ҳақиқатан ҳам қушлар тилида гапиришни билган?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Бу Шри Кришнанинг Ведаларда таърифланган сифатларидан бири – У ҳар қандай тилда гапира олади. У барча тирик мавжудотларнинг Отаси, ота эса, ўз фарзандларининг тилини билади.

Кришна – олий лаззатланувчи. Аслида ҳеч ким ҳақиқий илмга эга эмас, илоҳий онга эга кишилардан бошқа ҳеч ким ҳақиқий лаззат нималигини билмайди. Одамлар бу дунёда изтироб чекиб яшайдилар, лекин ғофиллиги сабабли ўзларининг шу изтиробларини лаззат деб биладилар. Мана шу *майя*, алданиш деб аталади. Америкада одамлар туну-кун тинмасдан оғир меҳнат қиладилар, лекин ўзларича: “Бизлар лаззатланяпмиз!” - деб ўйлайдилар. Мана шу *майя*. Шартланган руҳ ҳеч нарсдан лаззатлана олмайди, у фақат изтироб чекади, лекин “лаззатланяпман” деб ўйлайди.

Шунинг учун "Шримад Бхагаватам"да шартланган руҳларни туяга киёслайдилар. Туя ўзининг тилини жароҳатлайдиган тиканли янтоқ билан озиқланишни ёқтиради. У янтоқ еганида тилидан оққан қон янтоқ билан аралашади. Бу эса, унга ғайритабиий лаззат бағишлайди, шунинг учун туя: “Оҳ, янтоқ қанчалик ширин экан!” – деб ўйлайди. Мана шу *майя* деб аталади. *Майя* ибораси “аслида йўқ нарса” деган маънони билдиради. *Ма* ибораси “йўқ” деганини, *йа* ибораси эса, – “бу” деганини билдиради. Шундай қилиб, *майя* – “бу эмас” деганидир. *Майя*, алданишнинг маъноси шундай. Олимлар *майя* таъсири остига тушиб қолганлар, чунки улар “одамлар тобора тараққийлашиб, юксалиб бораптилар, улар албатта бахтли бўладилар” деб ўйлайдилар. Лекин аслида бу олам, ундаги мавжуд нарсаларнинг ҳаммаси билан бирга охир-оқибатда яқсон бўлади, чунки у – *майя*. У аслида биз ўйлагандай, биз кўриб, қабул қилиб юргандай бахтли яшаса бўладиган жой эмас. "Шримад Бхагаватам"да тушунтирилганки, дунёвий одамлар ҳаёт учун курашда

бирин-кетин ғалаба қозоняпмиз деб ўйлайдилар, лекин аслида улар кетма-кет мағлубиятга учраяптилар.

## Ўн иккинчи суҳбат

Лос-Анжелес. Чевиот-Хиллз хиёбони, туман.  
17-май, 1973 йил.

### Йога қуроли

**Шрила Прабхупада:** Туманни тарқатиб юбориш сизнинг қўлингиздан келмайди. Олимлар ҳар хил мужмал ибораларни ишлатиб, туман ундай ёки бундай кимёвий унсурлардан таркиб топган деб, шунчаки туман нима эканини тушунтириб бера оладилар, холос. Лекин улар туманни тарқатиб юбора олмайдилар.

**Д-р Сингх:** Улар туман қандай пайдо бўлишини тушунтириб бера оладилар.

**Шрила Прабхупада:** Улар тушунтириб бера оладилар, мен ҳам тушунтира оламан, лекин бу катта юксалиш эмас. Агар сиз ҳақиқатан ҳам туман қандай пайдо бўлишини билсангиз, сиз унга қарши тура олишингиз лозим.

**Д-р Сингх:** Биз туман қандай пайдо бўлишини биламиз.

**Шрила Прабхупада:** Унда туманга қарши кураш йўлини топинг. Авваллари, ведавий урушлар бўлаётган пайтларда *брахмастра*(19) деган атом қуроли ишлатилган. Қўшинни ҳимоя қилиш учун бу қуролни сувга айлантириш усулини қўллаганлар. Лекин ҳозирги кунда бундай билимни қаердан ўрганасиз?

**Д-р Сингх:** Туман – шунчаки сутга ўхшайди. Сут оққа ўхшаб кўринади, лекин аслида у маълум бир оксил молекулаларининг коллоид турларининг бирикмаси. Туман ҳам сув томчиларининг коллоид бирикмаси.

**Шрила Прабхупада:** Шунинг учун агар сиз оловнинг маълум бир турини ёқа олсангиз, туман шу заҳотиёқ тарқалиб кетган бўларди. Лекин сиз бунга қодир эмассиз. Агар сиз бомбани портлатсангиз, ундан иссиқлик чиқади ва туман тарқалиб кетади.

**Карандхара:** Бундан бутун бир шаҳар аҳолиси зарар кўриши мумкин.

**Шрила Прабхупада:** Ҳамма биладики, олов сувнинг ҳаракатини тўхтата олади, лекин сиз одамларни ўлдирмасдан ёки талофот келтирмасдан туманни тарқата олмайсиз. Лекин, табиат қонунлари бўйича куёш чиқиши билан туман тарқалиб кетади. Қуёшнинг қудрати сизникидан анча устун туради. Шунинг учун сиз англаб бўлмас қудрат мавжудлигини тан олишингиз лозим.

### Худонинг сифатлари

**Шрила Прабхупада:** Англаб бўлмас қудрат мавжудлигини тан олмай туриб ҳеч ким Худони тушуна олмайди. Ўзини “йог” деб юрган ҳар қандай фирибгар Худо бўла олмайди, Худо дегани оддий Зот эмас. Ундай сохта Худолар калтафаҳм ва аҳмоқ одамлар учун яхши. Салгина фаросати бўлган киши ундай шахсни дарров текшириб кўради: унинг илоҳий, англаб бўлмас қудрати борми ё йўқми? Биз Кришнани Худо деб биламиз, чунки У Ўзининг англаб бўлмас қудратини ҳаммага намойиш этган. У ҳали кичкина бола пайтида жимжилоғи билан катта тоғни кўтарган. Кришнанинг яна бир киёфаси бўлган Парвардигор Рама

эса, тошларни сув устида туришга мажбур қилиб, океан устига кўприк курди. Шунинг учун, агар ана шундай жиддий асос бўлмаса, ҳеч кимни Худо деб тан олмаслик керак. Ҳозирги даврда қандайдир фирибгар пайдо бўлиб: “Мен – Худонинг тимсолиман” - деб эълон қилади, бошқа бир фирибгар эса, уни Худо деб тан олади. Парвардигор Рама ва Парвардигор Кришна Ўзларининг англаб бўлмас ғайритабиий қудратини намойиш этиб, амалда кўрсатиб берганлар. Баъзан одамлар Уларнинг кўрсатган кароматлари ҳақидаги хикоялар – шунчаки афсона ёки эртақ деб айтадилар. Лекин бу асарларни чексиз илмга эга бўлган буюк донишмандлар Валмики(20), Вйасадева ва бошқа асарчилар ёзганлар. Наҳотки ана шундай буюк мутафаккирлар ўзларининг шунча вақтини, нодир умрини қандайдир афсона ёки эртақ ёзишга кетказиб юрсалар? Улар ҳеч қачон бу асарларни афсона деб айтмаганлар. Улар бу асарларда ёзилган маълумотларнинг ҳаммаси ҳақиқат эканини тасдиқлайдилар. Масалан, "Шримад Бхагаватам"нинг Ўнинчи Кўшиғида Вйасадева ўша даврда Вриндаван ўрмонида рўй берган ёнғин ҳақида хикоя қилади. Кришнанинг дўстлари бўлган подачи болалар хавотирга тушиб, ҳаммаси нажот кутиб Кришнага кўз тикиб турардилар. Шунда Кришна оловнинг ҳаммасини ичига ютиб юборди. Парвардигорнинг англаб бўлмас сеҳр қудрати ана шундай. Худо шундай. Парвардигорнинг кичик зарраси бўлганимиз учун бизлар ҳам сеҳр қудратига эгамиз, лекин бизларнинг сеҳр қудратимиз арзимаган миқдорда.

## Билим Парвардигордан чиқади

**Кришнаканти:** Врачларни инсон миясининг жуда мураккаб табиати ҳайратга солади.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, лекин инсон танасини ҳаракат қилишга унинг мияси эмас, балки рухий табиатга эга бўлган жон мажбур қилади. Компьютер ўздан ўзи ишлайдими? Йўқ, уни инсон ҳаракатга келтиради. Инсон тугмачани босади, фақат шундан кейин у ишлай бошлайди. Агар уни ишлатадиган инсон бўлмаса машинанинг ҳеч қандай фойдаси йўқ. Машина бир жойда минглаб йиллар туриши мумкин, лекин то инсон келиб тугмасини босмагунча у ишга тушмайди. Лекин бу ерда ким ҳаракат қиляпти, машинами ё инсонми? Инсон мияси ҳам машина, у Парвардигорнинг экспансиясининг - ҳар бир тирик мавжудот қалбида мавжуд бўлган Параматманинг назорати остида ишлайди.

Олимлар Худони ва Унинг сеҳр қудратини тан олишлари лозим. Агар улар шундай қилмасалар, уларни ақлсиз, нодон одамлар деб ҳисоблаш керак. Ана шу илоҳий илмга таяниб, биз кўплаб катта олим ва файласуфларни очиқ илмий баҳс-мунозара олиб бориш учун баҳс майдонига чақирамиз. Яқинда сиз мени бир кимёгар олим билан учраштиргандингиз, мен унинг юзига: “Сиз аҳмоқ одамсиз!” – деб айтдим, лекин у хафа бўлмади. У ўзининг нодонлигини тан олгани, мен унинг келтирган барча далиллари хато эканини унга кўрсатиб, исботлаб бердим. Эсингиздами?

**Д-р Сингх:** Ҳа, у тан олдики, ҳақиқатан ҳам Парвардигор унга ўз соҳаси бўйича қандай тадқиқот олиб бориш усуллари тўла ошкор этмаган.

**Шрила Прабхупада:** У Худонинг хоҳишига қарши иш қиляпти, нимага Парвардигор унга қандайдир имконият бериши керак? Агар сиз Худонинг амрига қарши бўлсангиз ва Худосиз, ўзингиз мустақил ҳолда шон-

шуҳрат қозонмоқчи бўлсангиз, албатта мағлубиятга учрайсиз. **Инсон биринчи навбатда тақдирга тан бериб, жуда камтар бўлиши лозим,** шунда Парвардигор унга барча имкониятларни яратиб беради. Биз ҳар қандай олим ёки файласуф билан учрашишга ва уни баҳсга чақиришга тайёрмиз. Қандай қилиб? Худонинг марҳамати билан. Ишончим комилки, улар билан суҳбатлашаётганда уларни мағлуб қила олишим учун Парвардигор албатта менга етарлича ақл-идрок ато этиб туради. Улар бошқа ҳар жиҳатдагн, ўзларининг илмий тайёргарлиги бўйича мендан анча устун турадилар. Уларнинг олдида мен оддий саводсиз одам бўлиб кўринишим мумкин. Лекин биз Худони биламиз, Унга ишонамиз, Парвардигор эса, ҳамма нарсени билади. Шунинг учун, худди отасининг олдида турган ёш бола: “Отам ёнимда-ку!” - деган қатъий ишонч билан ҳар қандай одамга дадил мурожаат қила олгани сингари, биз ҳам ишонч билан ҳар қандай олимни баҳсга чақира оламиз. Ёш бола отасининг қўлидан маҳкам ушлаб олган, отаси эса, ҳеч ким хафа қилмаслиги учун уни ҳар тарафлама ҳимоя қилади.

**Д-р Сингх:** Худони англаб етишга ҳаракат қилмаган одамлар ўзларининг нодир инсон танасидаги умрини бекорга яшаган бўладиларми?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Парвардигор билан ўзаро муносабатларини англаб етишга ҳаракат қилмайдиган кишилар бу дунёда худди ҳайвонлар – ит ва мушуклар сингари ўлиб кетадилар. Улар туғиладилар, умр бўйи еб-ичадилар, ухлайдилар, бола-чақа қиладилар, кейин ўлиб кетадилар. Уларнинг инсон танасида яшаган умрининг натижаси шундай. Ана шундай аҳмоқ одамлар: “Мен - танаман” деб ўйлайдилар. Улар *атма*, рух ҳақида ҳеч нарса билмайдилар. *Атма* ибораси “мен” деганни, яъни, алоҳида руҳни англатади. "Шримад Бхагаватам" ва "Бхагавад-гита" бизларга *атма* ҳақида илм беради, лекин одамлар бу ҳақда ҳеч нарса билмайдилар.

Одамлар инсоният учун нозил қилинган ведалар адабиётида берилган илм ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга эмаслар. Масалан, Ведаларда бизга хабар берилганки, сигирнинг ахлати пок, ҳалол. Айниқса бу ерда - Америкада одамлар ҳар куни итларини сайр қилдирадилар, аслида эса, улар табиий эҳтиёжларини кондира олишлари учун кўчага, паркларга олиб чиқадилар. Итнинг тезаги эса, энг ифлос, зарарли бактериялар кўпайиши учун энг қулай муҳит яратадиган ахлат ҳисобланади. Лекин одамлар гофиллиги сабабли шунчалик маданиятсиз бўлиб кетганларки, бу ердаги кўчаларда ҳар қадамда итнинг ахлатига дуч келасиз. Ведаларда сигир ахлати пок дейилганига қарамай, бу ерда ҳеч қачон сигир ахлатини учратмайсиз. Мана қаранг: “Ифлос қилиш таъқиқланади!” - деб ёзиб қўйилган. Лекин шунга қарамай бу ерга итнинг ахлатини қолдириб кетиш мумкин. Ўйлаб кўринг, бу одамлар қанчалик нодон, калтафаҳм. Майсалар устига қоғоз ташлаш таъқиқланган, лекин итингиз майсаларнинг устига истаганча ахлат ташлаши мумкин. Ҳукумат ўз давлатларидан манго дарахтининг битта мевасини ҳам олиб чиқиб кетишга рухсат бермайдилар, лекин итингизга истаган жойни ифлослашга – барча юкумли касалликлар манбаини ташлаб кетишга рухсат бериб қўйган.

## Космик дастурлар: вақт ва маблағларни бекорга сарфлаш

**Д-р Сингх:** Астронавтлар Ойдан Ерга қайтиб келганларида космик дастурда иштирок этган олимлар уларга жуда эҳтиёткорлик билан қараганлар. Улар “астронавтлар Ойдан бизга номаълум бўлган бактерияларни олиб келган бўлишлари мумкин” деган хавотирга тушиб, уларнинг зарарсизлигига ишонч ҳосил қилиш учун бир неча кун уларни карантинда ушлаб турганлар, кейин...

**Шрила Прабхупада:** Биринчи навбатда аниқлаб олиш керак: улар ҳақиқатан ҳам Ойга борганмиканлар? Мен бунга ишонмайман. Ўн олти йил аввал мен “Бошқа сайёраларга енгил саёҳат” - деган асарда ёзгандимки, олимлар бошқа сайёраларга учиб боришга уриниш билан худди ёш болаларга ўхшайдилар ва улар ҳеч қачон бунга эриша олмайдилар. Орадан анча йил ўтгандан кейин мен Сан-Францискога келганимда, бир репортер менга савол берди: “Сиз Ойга учиб ҳақида қандай фикрдасиз?” Мен унга шундай дедим: “Бу – шунча вақтни ва шунча маблағни бекорга сарфлашдан бошқа нарса эмас”.

**Кришнаканти:** Яқинда космик дастур яна бир марта мағлубиятга учради.

**Шрила Прабхупада:** Ҳамиша шундай бўлаверади. Бу гал нима рўй берди?

**Кришнаканти:** Улар Ер орбитасига космик кема чиқарган эдилар, кема ерга қулаб тушди. Бундан кўрилган зарар икки миллиард долларга тенг.

**Шрила Прабхупада:** Нимага улар пулларини ва вақтини ўйламасдан ҳар нарсага сарфлайверадилар?

**Кришнаканти:** Уларни газеталарда қаттиқ танқид қилдилар.

**Шрила Прабхупада:** Улар шунчаки калтафаҳм аҳмоқ одамлар. Охириги... неча йил ичида улар нимага эришдилар? Неча йилдан бери улар Ойга интилиб юрибдилар?

**Д-р Сингх:** Ўн йилдан кўпроқ. 1957 йил Россия Ер йўлдоши чиқаришни бошлаган эди.

**Шрила Прабхупада:** Лекин улар бунга тайёрланишни анча олдин бошлаганлар. Шундай экан, улар бу иш билан йигирма беш йилдан бери шуғулланипти, деб ҳисоблаш мумкин. Шу вақт ичида улар чангдан бошқа ҳеч нарсага эриша олмадилар, шунда ҳам бекорга уринишни тарк этмайдилар. Қандай аҳмоқона ўжарлик! Уларнинг космик дастури ҳеч қачон муваффақият қозона олмайди.

**Д-р Сингх:** Улар келажакда Марсга учиб мўлжаллаётдилар.

**Шрила Прабхупада:** Ҳамиша фақат келажак ҳақида гапириш билан уларнинг ҳаммаси “катта одам” бўлиб олганлар.

**Д-р Сингх:** Улар ўзларининг бу режаси тахминан ўн йилдан кейин амалга ошишини айтяптилар.

**Шрила Прабхупада:** Ҳатто улар: “Бир йилдан кейин!” - десалар ҳам, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Улар ўн йил, бир йил деб айтишлари мумкин, лекин биз уларнинг бундай қуруқ гапларини қабул қилмаймиз. Биз уларнинг инсоният учун ҳозир нима ишлар қилиб юрганини кўрмоқчимиз.

**Д-р Сингх:** Улар ўзларининг тадқиқотларини, технологияларини кичкина моделларда такомиллаштиряптилар.

**Шрила Прабхупада:** Улар худди ёш болага ўхшайдилар. Мен ёшлигимда қандай қилиб трамвай релсада юришини қузатганман. Бир куни миямга бир

фикр келиб қолди: “Агар қўлимга таёқ олиб, тепадаги симга теккизам, мен ҳам релсада юриб кетармиканман?” Ўзларининг бундай режалари билан олимлар худди ёш болаларга ўхшайдилар. Улар шунча вақтини ва шунча маблағларини сарфлайдилар, лекин бу билан нимага эришадилар? Уларнинг барча уринишлари ҳеч қандай фойда келтирмайди, чунки улар аслида бу дунёда яшашдан мақсад нима эканини билмайдилар. Олимлар ўзларининг илмий фаолиятига жуда катта маблағ сарфлайдилар, сиёсатчилар уларга ҳомийлик қиладилар, лекин уларнинг олиб бораётган бутун фаолиятининг натижаси нолга тенг. Улар худди беморга қандай ташхис қўйишни билмаса ҳам, барибир, ҳар эҳтимолга қарши: “Майли, аввал мана бу дорини ичиб кўринг-чи, агар у ёрдам бермаса, кейин бунисини ичасиз” дейдиган врачга ўхшайди. Ана шундай врач ҳеч қачон ўша беморни қандай даволаш кераклигини билмаслигини тан олмайди. **Олимлар** шунчаки одамларни алдаб, **маккорлик билан тирикчилик қилиб юрган одамлардир.** Улар ҳаётнинг ҳақиқий муаммоларини: туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик муаммоларини қандай ҳал қилишни билмайдилар, шунинг учун уларнинг барча лойиҳалари шунчаки хом-хаёлдан бошқа нарса эмас. Мана шу санскрит тилида *акаша-пушта*, яъни, “осмондан тушадиган гул” деб аталади. Уларнинг коинотда тадқиқот ишларини олиб бориш орқали Ҳақиқатни англаб етишга уринишлари худди осмондан гул олишга уриниш сингари бемаъни.

Бошқа бир мисол сифатида олимларни ақлсиз цапляга ўхшатиш мумкин. Ҳиндистонда баъзан цаплярнинг кун бўйи ҳўкизнинг изида эргашиб юрганини кўриш мумкин. У ҳўкизнинг мойгани балиқ деб ўйлайди. Ҳиндистонда буни ҳамма жойда қузатиш мумкин. Ҳўкизга эргашиб бораётган, ана шу “катта балиқ”дан кўзини узмай бораётган цапля: “Балиқ ерга тушганида мазза қилиб ейман” - деб ўйлайди.

## Ўн учинчи суҳбат

Лос-Анжелес. Тинч океани соҳили.

2-декабрь, 1973 йил.

### Ҳақиқий содиқ истаклардан устун туради

**Шрила Прабхупада:** Ким айта олади, кармилар, гйанилар, йоглар ва бхакталар бир биридан нимаси билан фарқ қиладилар?

**Хридаянанда дас Госвами:** Кармилар ўзларининг кўпол сезги аъзоларини лаззатлантиришга интиладилар. Гйанилар – нафис ақлининг талабини қондиришга, яъни, фалсафий фикр юритишга интиладилар. Йог эса, сеҳр қудратига эришиб, оламни бошқаришга интилади.

**Шрила Прабхупада:** Буларнинг ҳаммаси моддий қобилиятлар.

**Хридаянанда дас Госвами:** Бхактанинг эса, ҳеч қандай моддий истаги йўқ.

**Шрила Прабхупада:** Тўғри. **Дунёвий истаклардан бутунлай халос бўлмаган киши ҳақиқий бахтга эриша олмайди.** Карми, гйани ва йогларнинг истаклари жуда кўп, шунинг учун улар бахтсиз. Кармилар – улар орасидаги энг бахтсиз одамлардир, гйанилар – улардан кўра камроқ бахтсиз, йог эса, уларнинг энг яхшиси ҳисобланади. Лекин *бхакта*, яъни, Худонинг содиқ хизматкори мутлақо бахтиёр инсондир. Баъзи йоглар ўзлари турган жойдан бир неча минг чақирим узоқдаги дарахтдан мева узиб олиш имконини

берадиган сеҳр кудратига эришадилар. Бошқа бир йоглар самолётсиз осмонда бемалол учиб юра оладилар. Яна бирлари ҳар қандай одамни гипноз қилиб ухлатиб қўя олади. Шунда улар қандайдир бир одамни кўрсатиб: “Мана шу одам – Худо!” – дейди, уларнинг қармоғига илинган содда одамлар эса, бунга лаққа тушиб ишонадилар. Мен бундай сеҳрли эрмакларни ўз кўзим билан кўрганман.

**Кришнаканти:** Худонинг асл содиғи Парвардигорнинг Ўзидан ҳам меҳрибонроқ экани ростми?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Ҳақиқий *вайшнав*, ҳақиқий содик хатто Парвардигорнинг Ўзидан ҳам меҳрибон, раҳмдилроқ. Масалан, Исо пайғамбарни олинг. У бутун инсониятнинг ҳамма гуноҳларини ўз гарданига олган, лекин шунга қарамай, одамлар уни хочга миҳлаб ўлдирдилар. Ҳозирги даврдаги ўзларини Исонинг издошлари деб атайдиган ярамас виждонсиз одамлар: “Биз аввалгидай гуноҳ қилишда давом этаверамиз. Исо Масих бизларнинг гуноҳларимизни ўз бўйнига олишга ваъда берган” – деб ўйлайдилар. (Орага узоқ жимлик тушади).

## Модда билан руҳ орасидаги фарқ

**Д-р Сингх:** Олимларнинг фикрига кўра дарахтларнинг ҳам онги бор.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, тўғри, лекин дарахтнинг онги менинг онгимдан фарқ қилади. Менинг онгим дарахтникига нисбатан анча ривожланган. Агар мени чимитласангиз, мен қаршилик қила бошлайман. Лекин сиз хатто дарахтни арра билан кеса бошласангиз ҳам у жим тураверади. Аслида, ҳамма нарсанинг онги бор. Лекин гап оннинг қай даражада ривожланганида. Онг модда билан қанчалик қопланган бўлса, у шунчалик моддий ҳисобланади. Онги қанча ривожланган бўлса, у шунча руҳий ҳисобланади. Модда билан руҳнинг бир биридан фарқи шунда.

Руҳий табиатга эга бўлган жониворлар ҳамма жойда мавжуд. Улар ердан ёруғликка чиқишга интиладилар. Уларга имкон берилган заҳоти дарров онгини намоён эта бошлайдилар. Юқори сайёралардан бизнинг сайёрамизга тушадиган жонзотлар ер юзига аввал ёмғир томчилари билан бирга тушадилар. Кейин улар ердан ўсимлик бўлиб униб чиқадилар ва аста-секин тана алмаштириб, ҳаётнинг юқори поғоналарига эришадилар.

**Д-р Сингх:** Лекин, бу жуда даҳшатли-ку!

**Шрила Прабхупада:** Мураккаб қувват шундай ҳаракат қилади. Олимлар бу ҳақда нимани биладилар? *Майя*, сароб уларнинг илмини ўғирлаб қўйган. Улар: “Бизлар шунчалик билимдон олимлармиз” – деб ўйлайдилар.

## Руҳни алмаштириш?

**Д-р Сингх:** Шрила Прабхупада, сиз юракни алмаштириш ҳақида нима дейсиз? Биламизки, руҳий табиатга эга бўлган жон юракда жойлашган. Лекин, ҳозир врачлар эскирган юракнинг ўрнига янги юрак қўйяптилар. Ана шу юракларда жойлашган руҳнинг ахволи нима бўлади? Инсоннинг ўзига хос бўлган алоҳида сифатлари янги юрак қўйилгандан кейин ўзгарадими?

**Шрила Прабхупада:** Йўқ.

**Д-р Сингх:** Нимага?

**Шрила Прабхупада:** Масалан, мен ўтирган жойимдан турсам ва бошқа стулга бориб ўтирсам, бунда менинг

ўзимга хос бўлган сифатларим ўзгариб қоладими? Мен ўтирган жойимни алмаштиришим мумкин, лекин бунда мен ўзим ўзгараманми?

**Д-р Сингх:** Ахир юрак алмашади-ку, жон эса, юракда жойлашган.

**Шрила Прабхупада:** Ведаларда юрак “руҳнинг тахтиравони” деб аталган. Шунинг учун юрак алмаштирганда врачлар фақат руҳ ўтирадиган тахтиравонни алмаштирадилар. Руҳ аввал қандай бўлса, шундайлигича қолаверади. Агар олимлар юрагини алмаштириш орқали беморнинг умрини узайтира олганини исботлай олсалар эди, мана шу улар руҳий табиатга эга бўлган жонни жиловлаб олганининг исботи бўларди. Лекин улар инсоннинг умрини узайтиришга қодир эмаслар, чунки одамлар ўз таналарини Худонинг амрига мос ҳолда оладилар. Сизда мана шу тана бор, сиз унинг ичида аниқ белгиланган муддат давомида яшашингиз лозим. Агар сиз шунчаки танангизнинг таркибий қисмларидан бирини алмаштирсангиз, бу сизнинг умрингиз узайишига ёрдам бермайди. Бунинг иложи йўқ. Врачлар беморнинг юрагини алмаштириш билан унинг умрини узайтирамиз деб ўйлайдилар, лекин бунинг иложи йўқ.

**Д-р Сингх:** Демак, юрак алмаштириш – руҳнинг эски юракдан янги юракка кўчиб ўтишини сунъий равишда ташкил этиш, холос?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, шунга ўхшаш. Парвардигор “Бхагавад-гита”(2.13)да шундай дейди:

*дехино смин йатха дехе каумарам йауванам джара татха дехантара-прантир дхирас татра на мухйати*  
“Тана ичидаги руҳ узлуксиз равишда болаликдан ёшликка, кейин кекса чол танасига ўтгани сингари, ажали етган пайтда у бошқа танага ўтади. Ўзининг мангу руҳ эканини англаб етган кишини бундай кўчиб юришлар ташвишга солмайди”. Бир юракни иккинчи юракка алмаштириш – шунчаки тананинг моддий органларини алмаштириш демакдир. Ҳаётнинг ҳақиқий манбаи юрак эмас, шунинг учун юрак алмаштирган билан инсоннинг умри узаймайди.

**Д-р Сингх:** Ҳа. Юрагини алмаштирган беморларнинг аксарият кўпчилиги узоқ яшамайдилар. Лекин, умуман олганда руҳни бир танадан иккинчи танага олиб ўтиш мумкинми?

**Шрила Прабхупада:** Баъзи ҳолларда айрим йоглар бунинг уддасидан чиқа оладилар. Улар яхшироқ тана топадилар ва шу танага ўтиб оладилар.

**Д-р Сингх:** Врачлар юрак алмаштирганларида эндигина танасини ташлаган кишининг юрагини оладилар ва уни бошқа бировнинг касал юраги ўрнига қўядилар. Бунда руҳлар жойларини алмаштирадиларми: ўлган кишининг руҳи беморнинг танасига ўтадими?

**Шрила Прабхупада:** Йўқ. Руҳ аллақачон ўлик юракни ташлаб кетган. Улар беморнинг танасига бошқа руҳни олиб ўтиши ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

**Д-р Сингх:** Мен сизнинг гапларингизни тўғри тушунганимга ишонч ҳосил қилмоқчиман. Врачлар ҳозиргина ўлган кишининг юрагини олганларида унинг руҳи бу юракдан чиқиб кетган бўлади. Кейин, улар жонсиз юракни беморнинг юраги ўрнига қўйганида, беморнинг жони янги юрак ичига киради.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Руҳ ўзига берилган танада аниқ белгиланган муддат давомида яшаши шарт. Сиз тананинг истаган қисмини алмаштиришингиз мумкин, лекин сиз инсоннинг умрини узайтиришга қодир эмассиз.

**Д-р Сингх:** Демак, юрак – машина, яъни, биз қўлланадиган ускуна, холос?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Юрак – руҳнинг яшаш жойи.

Қантал уруғи тўла коп ичидаги бир дона уруғ

**Д-р Сингх:** Шрила Прабхупада, биолог олимларнинг фикрига кўра кўплаб тирик мавжудотлар жинсий алоқа ёрдамисиз ҳам кўпайиш қобилиятига эга. Бу фикр Ведалар таълимотида ҳам тасдиқланадими?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, албатта.

**Д-р Сингх:** Демак, биз уларнинг кўпайишини чеклаб қўя олмаимиз.

**Шрила Прабхупада:** Йўқ. Қандай қилиб? Бу моддий оламга ҳаётдан лаззатланиб яшаш учун келган тирик мавжудотлар жуда кўп, шунинг учун кўпайиш жараёни давом этаверади. Бу моддий олам худди қамоқхонага ўхшайди. Сиз қамоқхоналарни бутунлай йўқота олмайсиз. Бир киши қамоқхонадан чиққан захоти унинг ўрнига кимдир киришга тайёр туради. Парвардигор Чаитанья Махапрабху(21) айнан мана шу мавзунини муҳокама қилганди. Унинг асл содиқларидан бири Васудева Датта Унга шундай дейди: “Илтимос, бу коинотдаги тирик мавжудотларнинг ҳаммасини озодликка чиқар. Агар Сен уларнинг гуноҳлари жуда оғир деб ўйласанг, уларнинг ҳамма гуноҳларини менга юкла”.

Чаитанья Махапрабху унга шундай жавоб беради: “Майли, мен бу коинотдаги барча тирик мавжудотларни Ўз даргоҳимга олдим ҳам дейлик. Бу шунчаки сон-саноксиз коинотлардан биттаси, холос. У худди қантал уруғи тўла коп ичидаги бир дона уруғни эслатади. Агар бир коп уруғдан биттагина уруғни олсангиз, нима ҳам ўзгарарди?” Шундай қилиб, тирик мавжудотларнинг кўпайиш жараёнини тўхтатишнинг иложи йўқ. Тирик мавжудотлар сон-саноксиз кўп, шунинг учун бу жараён давом этаверади.

**Д-р Сингх:** Сиз моддий оламини ахлоқ тузатиш колониясига ўхшатгандингиз, тирик мавжудотлар бу ерда моддий олам чангалдан қутулишни, туғилиш ва ўлишлар чархпалагидан қандай чиқиб кетишни ўрганадилар.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, шунинг учун сиз Худони англаш йўлига киришингиз лозим.

## Ўн тўртинчи суҳбат

Лос-Анжелес, Тинч океани соҳили.

3-декабрь, 1973 йил.

Сайёралараро газ қатламнинг пайдо бўлиши

**Д-р Сингх:** Олимлар айтадиларки, ривожланишнинг маълум бир босқичида Ер газсимон муҳитда сузиб юрган чанг зарраларидан иборат эди. Кейин, вақт ўтиши билан ана шу коллоид бирикма куюқлашиб, Ер сайёраси пайдо бўлган.

**Шрила Прабхупада:** Балки, лекин ўша газ қаердан пайдо бўлган?

**Д-р Сингх:** Уларнинг фикрига кўра газ шунчаки мавжуд бўлган.

**Шрила Прабхупада:** Парвардигор "Бхагавад-гита"(7.4)да шундай деган:

*бхумир апо нало вайуҳ кхам мано буддхир эва ча  
аханкара итийам ме бхинна пракритир аштадха*

“Тупроқ сув, олов, эфир, ақл, тафаккур ва сохта ўзлик – мана шу саккиз унсур Менинг ажралган

моддий қувватларимдир”. Бу ерда Парвардигор – газ(*вайу*)нинг манбаи Ўзи эканини тушунтиряпти. *Вайудан* ҳам нафисроқ унсур – *кхам*(эфир), ундан ҳам нафисроқ – ақл, ақлдан нафисроқ – тафаккур, тафаккурдан нафисроқ – сохта ўзлик. Рух эса, - сохта ўзликдан ҳам нафисроқ. Лекин олимлар буни билмайдилар. Улар фақат кўпол нарсаларни биладилар. Улар газ ҳақида гапирадилар, лекин газ қаердан пайдо бўлган?

**Д-р Сингх:** Улар бунга жавоб беролмайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Биз эса жавоб бера оламиз. "Шримад Бхагаватам"дан биз биламизки, газ *кхам*(эфир)дан пайдо бўлади, эфир – ақлдан, ақл – тафаккурдан, тафаккур – сохта ўзликдан, сохта ўзлик – рухдан пайдо бўлади.

**Д-р Сингх:** Олимларнинг фикрига кўра, Дарвин таълимотидаги биофизик эволюция бошланишидан анча аввал улар “кимёвий эволюция” деб атайдиган жараён рўй берган.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. “Кимёвий эволюция” иборасининг ўзи кимёвий унсурларнинг манбаи борлигини англатади, ана шу манба – рух, яъни ҳаёт. Лимон - лимон кислотасини ишлаб чиқаради, бизларнинг таналаримиз сийдик, қон, уруғлик ва ҳоказолар таркибида кўплаб кимёвий унсурларни ишлаб чиқаради. Мана шунинг ўзи кимёвий унсурлар ҳаётдан пайдо бўлишининг исботи ҳисобланади. Ҳаёт кимёвий унсурлардан пайдо бўлмайди.

**Д-р Сингх:** Олимлар айтадиларки, ҳаёт(рух, жон)нинг уруғи хужайра ичига тушгандан кейин тирик мавжудот ўзидан-ўзи ҳаракатланиб ривожланаверади.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, лекин ана шу ҳаёт уруғини ким беради? "Бхагавад-гита"(7.10)да Парвардигор бу саволга жавоб берган: *биджам мам сарва-бхутанам виддхи партха санатанам*: “Эй Кунтининг ўғли, билсанг, бутун борлиқнинг бошланғич уруғи Мен бўламан”. Парвардигор яна айтадики("Бхагавад-гита" 14.4):

*сарва-йонишу каунтейа муртайаҳ самбхаванти йаҳ  
тасам брахма махад йонир ахам биджа-прадаҳ пита*  
“Шуни тушуниш лозимки, моддий табиат ҳаётнинг барча турларининг дунёга келишига имкон беради, Мен эса, – уруғлик берадиган Отаман”.

Яратган Зотни муносиб қадрлай билиш

**Д-р Вольф-Роткей:** Шрила Прабхупада, мен сизга камтарин холда бир савол бермоқчи эдим. Олимлар ҳақиқатан ҳам сунъий йўл билан тирик хужайра яратишга муваффақ бўлдилар, дейлик. Сиз бунга нима деб жавоб берган бўлардингиз?

**Шрила Прабхупада:** Бунда улар нима янгилик яратган бўладилар? Улар шунчаки табиатда аввалдан бор нарсани такрорлаган бўладилар, холос. Одамлар бировларга тақлид қилишни жуда ёқтирадилар. Агар кечки клубда итга ўхшаб ақиллай оладиган киши томоша кўрсатадиган бўлса, одамлар унинг хунарини томоша қилиш учун пул тўлаб клубга келадилар. Лекин кўчада ҳақиқий ит қандай ақиллаётганини кўрсалар, эътибор ҳам бермайдилар.

**Д-р Сингх:** Шрила Прабхупада, кимёвий эволюция ғоясини 1920 йилда бир рус биологи ўртага ташлаган эди. У айтганки, биохимик эволюциядан олдин Ер атмосферасида асосан қайта-тикланиш жараёни бўлиб ўтган. Бошқача қилиб айтганда, ўша пайтда Ернинг таркиби асосан водороддан ва озгина микдордаги кислороддан иборат бўлган. Кейин, орадан маълум вақт

ўтгандан кейин Куёш радиацияси натижасида водород молекулалари ҳар хил кимёвий бирикмалар таркибига қўшилган.

**Шрила Прабхупада:** Бу иккинчи даражали тадқиқотлар ҳисобланади. Энг аввал водород қаердан пайдо бўлган? Олимлар бу жараёни унинг ўртасидан бошлаб ўрганадилар. Улар бошланғич манбага мурожаат қилмайдилар. Биз энг биринчи нима бўлганини билишимиз лозим. Мана самолёт. Сиз ана шу машина денгиздан пайдо бўлган деб айта оласизми? Калтафаҳм одам “кутилмаганда денгизда ёруғлик юзага келди ва самолёт пайдо бўлди” – деган бўларди. Лекин, бу илмий тушунча бўла оладими? Олимларнинг гаплари ҳам шунга ўхшаб кетади. Улар: “Аввал бир нарса бор эди, кейин кутилмаганда, тасодифан ундан бошқа нарса пайдо бўлди”. Буни фан деб бўлмайди. Фан энг аввало бошланғич сабабни тушунтириб бериши лозим.

Балки, олимлар азалдан табиатда мавжуд бўлган бирор нарсани яратишга эришди ҳам дейлик, лекин бу билан улар олқишлашга муносиб бўла олмайдилар. Биз биринчи яратувчини, Парвардигорни олқишлашимиз лозим. Бизнинг фалсафамиз шундан иборат.

**Д-р Сингх:** Табиатнинг бирор қонунини кашф қилар экан, олим одатда уни ўзининг номи билан атади.

**Шрила Прабхупада:** Ана холос. Аввалдан табиатда қонунларни кимдир яратиб қўйибди, лекин бу фирибгар эса, шон-шуҳратга, олқишларга ўзи сазовор бўлмоқчи.

## Геронтология: мусибатларни узайтириш

**Д-р Сингх:** Аслида улар табиат қонунларига қарши кураш олиб борадилар, лекин кўпинча бу уларга лаззат келтирмайди.

**Шрила Прабхупада:** Бу болаларнинг эрмаги. Масалан, ёш бола терлаб-пишиб денгиз қирғоғидаги қумда катта сарой куради. Бу унга лаззат бағишлаши мумкин, лекин бу болаларнинг эрмаги. Катта кишига бундай иш лаззат келтиролмайди. Дунёвий одамларда бахт ҳақида қандайдир бир-бирига ўхшаш бўлган тасаввур шаклланиб қолган. Улар ўзларига ҳар хил ажойиб қулайликлар яратганлар – “қулайликлар маданияти”, лекин буларнинг ҳаммаси сариқ чақага арзимади, чунки улар ўзларига ана шу нарсалардан лаззатланиш имконини берадиган муҳит, шароит ярата олмайдилар. Истаган пайтда инсоннинг ажали етиши мумкин, шунда унинг барча лаззатлари тамом бўлади.

**Д-р Сингх:** Шунинг учун улар “Худо бизларга ҳамма нарсани бермаган, чунки бизлар мангу яшай олмаймиз” - деб айтадилар.

**Шрила Прабхупада:** Лекин Худо бизларга тинч-тотув яшаш ҳамда Худони англаш учун зарур бўлган ҳамма нарсани бериб қўйибди. Нимага улар Худони танишни истамайдилар? Бунинг ўрнига улар Худони унутиш учун қўлидан келганча ҳаракат қиладилар.

**Д-р Сингх:** Замонавий олимлар фан таркибида инсон умрини узайтириш билан шуғулланадиган бутун бир соҳа – геронтология фанини ташкил этганлар.

**Шрила Прабхупада:** Уларнинг ҳақиқий мақсади одамларнинг мусибатларини камайитириш бўлиши лозим. Масалан, кекса чолни олайлик, уни роса кўп касалликлар безовта қилади, кутилмаганда врачлар унинг умрини узайтирадилар. Бунинг нима фойдаси бор?

**Д-р Сингх:** Беморнинг юрагини алмаштириш билан улар айнан шу ишни қиляптилар.

**Шрила Прабхупада:** Бу умуман нодонлик. Ундан кўра улар ўлимни енгсинлар – мана шу ҳақиқий ютуқ бўларди. Улар ҳамма касалликларга барҳам берсинлар – мана шуни ютуқ деса бўларди. Лекин улар бунга қодир эмаслар. Шунинг учун мен айтаманки, уларнинг олиб бораётган барча тадқиқотлари – шунчаки тирикчилик учун кураш, холос. Парвардигор “Бхагавад-гита”(15.7)да шундай деган:

*мамаивамишо джива-локе джива-бхутах санатанах манах-шаитханиндрийани пракрити-сихани каршати.*

“**Бу моддий оламдаги тирик мавжудотлар – Менинг мангу кичик заррачаларимдир. Шартланган ҳаёт туфайли улар олти сезгиси ва ақли билан қаттиқ кураш олиб борадилар.**”

**Шогирд:** Ҳозир бугун дунёда нефт етишмаслиги катта муаммо бўляпти.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, биз нефтга қарам бўлган жамиятни яратдик. Бу табиат қонунларига зид, шунинг учун нефт етишмайди. Табиат қонунига кўра ҳозир қиш кириб келяпти. Олимлар бу жараёни тўхтатишга ва кишни ёзга айлантатиришга қодир эмаслар. Улар “табиатни жиловлаб олдик” деб адашиб юрибдилар. “Бхагавад-гита”да Парвардигор айтадики, тирик мавжудот “мен ўзим ҳаракат қиляпман” деб ўйлайди, аслида эса, уларни табиат амалга оширади. Ҳозир куёш чиқади. Олимлар уни тўхтатиб, яна тун киришини таъминлай оладиларми? Тун кириб келганида улар куёшни чиқара оладиларми?

Агар ҳақиқатан ҳам табиатни енгмоқчи бўлсалар улар аввал туғилиш, ўлиш, касаллик ва кексайишни бартараф қилишга уриниб кўришлари керак бўлишини нахотки улар тушунмайдилар. “Бхагавад-гита”(7.34)да Кришна шундай дейди:

*дави хй эша гунамайи мама майа дуратйайи*

*мам эва йе прападйанте майам этам таранти те*

“**Менинг моддий табиатнинг уч гунасидан иборат бўлган бу илоҳий қувватимни енгитиш жуда қийин. Лекин, ўзини Менга топширган киши унинг таъсири остида осонлик билан чиқиб кетади.**”

**Д-р Сингх:** Демак, табиат қонунларини енгитиш жуда қийин?

**Шрила Прабхупада:** Дунёвий одамлар учун бунинг иложи йўқ. Лекин, ўзини Худога топширган киши учун бу қийин эмас.

## Турлар пайдо бўлишининг ҳақиқий манбаи

**Д-р Сингх:** Тирик мавжудотларнинг хилма-хиллигини олимлар шундай изоҳлайдилар: эволюцион ривожланишнинг маълум бир босқичида, одатда кейинги авлодда, аниқ нусхада туғиладиган ҳужайра генлари, худди, баъзан хатолашиб варақларни нотўғри босадиган босмахона станоклари сингари, адашиб нотўғри нусхада кўпаядилар. Баъзи ҳолларда бу хатолар, яъни, мутациялар авлодларда мустақкам ўрнашиб қолади, шу тарзда генларда ўзгаришлар юзага келгани сабабли, тирик мавжудотларнинг хилма-хил турлари шаклланади.

**Шрила Прабхупада:** Унда бундай хато қадим замонлардан бери рўй бериб келаётган бўлади, чунки тирик мавжудотларнинг ранг-баранглиги хамиша мавжуд эканига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Лекин “хато” мунтазам равишда давом этса, бу хато эмас, балки ироданинг, ақл-идрокнинг иши бўлади.

**Д-р Сингх:** Лекин олимлар айтадиларки, агар мутация бўлмаса, коинотда фақат бир турга мансуб тирик мавжудотлар бўларди.

**Шрила Прабхупада:** Йўқ. Ҳар бир тирик мавжудотнинг акли бошқа тирик мавжудотларникидан фарқ қилади, шу боис ҳар турли ақлларнинг намоён бўлишига имкон бериш учун ҳар хил турга мансуб тирик мавжудотлар керак бўлади. Масалан, бизлар сайр қилиб юрибмиз, лекин кўпчилик одамлар бизларга қўшилмайди, чунки уларнинг акли бизларникидан фарқ қилади. Ана шу фарқнинг сабаби нимада?

**Д-р Сингх:** Балки, бу ана шу хатодир?

**Шрила Прабхупада:** Йўқ, хато эмас. Уларнинг истаги шундай, ажал келиши билан ҳар ким ўз истагига мос келадиган танага эга бўлади. "Бхагавад-гита"(8.6)да Парвардигор шундай дейди:

*йам йам вапи смаран бхавам тйаджатй анте калеварам  
там там эвайти каунтейа сада тад-бхава-бхавитах*  
**"Танасини тарк этаётганда инсон ҳаётнинг қандай ҳолатини эсласа, кейинги ҳаётида у албатта ана шу ҳолатга эришади"**. Ажалингиз етганда ҳаёлингиз, ақлингиз қандай танада бўлса, сиз кейинги ҳаётингизда шундай танада туғиласиз. Табиат сизни тана билан таъминлайди, лекин қандай тана олишни сиз ўзингиз эмас, балки табиат белгилайди, табиат эса, Парвардигорнинг назорати остида, Худонинг амри билан ҳаракат қилади.

**Д-р Сингх:** Лекин, олимлар ҳар хил биологик турлар айнан генларнинг хатолиги сабабли пайдо бўлишини исботлайдиган далиллар борлигини даъво қиладилар.

**Шрила Прабхупада:** Бу уларнинг хатоси. Табиат конунлари хатолашмайди. Темир йўл вагонларида биринчи, иккинчи ва учинчи класс вагонлар бор. Агар сиз учинчи класс вагонга билет олсангиз-у, адашиб биринчи класс вагонга кириб қолсангиз, сизни у ерга киритмайдилар. Ҳар хил вагонларнинг мавжудлиги – хатолик эмас. Бу аввалдан ўйлаб қилинган иш. Адашиб бошқа вагонга кириб юриш сизнинг хатоингиз. Парвардигор шунчалик эҳтиёткорлик билан ҳаракат қиладики, рўй бериши мумкин бўлган барча хатоликларни олдиндан билади. Шу боис сиз ўзингиз қилган хатолар сабабли ўзингизга мос танага эга бўласиз: "Бу ерга келинг, сиз учун тайёр тана бор!" Тирик мавжудотларнинг 8.400.000 тури мавжуд, таналарни таксимлар экан, табиат математик аниқлик билан ҳаракат қилади. Ҳукумат бирор янги шаҳар кура бошласа, у шаҳар тўлиқ қурилиб битмасдан олдин қамоқхона куради, чунки қамоқхонага тушадиган жиноятчилар албатта пайдо бўлишини яхши билади. Бу ҳукуматнинг хатоси эмас, жиноятчиларнинг хатоси. Улар жиноят қилганлари сабабли қамоққа тушишлари лозим. Бу уларнинг хатоси.

Табиат хатолашмайди. Парвардигор шундай дейди(Б.г.9.10):

*майадхйакшиена пракритих суйате сачарачарам  
хетунанена каунтейа джагад випаривартате*  
**"Бу моддий табиат Менинг раҳбарлигим остида ҳаракат қилади, эй Кунтининг ўғли, у барча жонли ва жонсиз мавжудотларни яратади"**. Моддий табиат Парвардигорнинг назорати остида ҳаракат қилади, шундай экан у қандай қилиб хатолашиши мумкин? Лекин бизлар хатолашамиз, чунки сароб, алданиш таъсири остида ҳаракат қиламиз, сезгиларимиз мукаммал эмас, алдашга мойилмиз. Инсон билан Худо орасидаги фарқ шундан иборат. Беайб Парвардигор. Парвардигорнинг барча сезгилари мукаммал.

**Д-р Вольф-Роткей:** Сезгиларимиз мукаммал бўлмагани сабабли биз яратган, сезиш қобилиятимизни куचाйтирадиган ҳар хил техник асбоблар ҳам мукаммал эмас.

**Д-р Сингх:** Биз микро оламни кузатишда фойдаланадиган микроскоплар ҳам мукаммал эмас.

**Шрила Прабхупада:** Моддий тирикчилик – номукаммал ҳолатда яшашни билдиради. Агар сиз мукаммал илмга ва мукаммал сезгиларга эга бўлмасдан бирор нарса курсангиз, сиз қурган нарса ҳам мукаммал бўлмайди.

**Д-р Сингх:** Агар олимлар мукаммал микроскоп ихтиро қилсалар ҳам, барибир улар ўша мукаммал микроскопга ўзларининг номукаммал кўзлари билан қараган бўлардилар.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, жуда тўғри. Биз бундан шундай хулоса чиқарамиз: олимлар нима ҳақида гапирсалар ҳам уларнинг гаплари мукаммал эмас.

**Д-р Сингх:** Лекин улар ўзларини ишларидан жуда мамнун.

**Шрила Прабхупада:** Эшак ҳам ўз ҳаётидан мамнун. У кирчининг юкини кўтариб бораётганидан хурсанд. Бу дунёда ҳамма мамнун, ҳатто ахлат ичидаги қурт ҳам ўз ҳаётидан мамнун. Табиат қонуни шундай.

**Д-р Вольф-Роткей:** "Ҳатто гадой ҳам ўзининг сарик чақаси борлигидан мамнун бўлиб мағрурланади".

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Ҳиндистоннинг баъзи жойларида очликдан ўлаётган итларни учратиш мумкин. Лекин, ана шу ит агар бирор урғочи итни кўриб қолса, шу заҳотиёқ у билан қовушиб, ўзини бутунлай мамнун ҳис қила бошлайди. Наҳотки шунинг ўзи унга мамнуният олиб келса? Ит очликдан ўляпти, лекин шунга қарамай жинсий алоқа қила олишидан мамнун.

## Ўн бешинчи суҳбат

Лос-Анжелес, Тинч океани соҳили.

7-декабрь 1973 йил.

## Худони кўра оладиган кўзлар

**Шогирд:** Охирги юз эллик йил мобайнида ғарбий давлатлардаги теолог олимлар учун асосий муаммолардан биттаси тафаккур билан ишончнинг бир бирига муносабати, улар орасидаги алоқа муаммоси эди. Улар тафаккур ёрдамида ишонччи англаб етишга ҳаракат қилиб келганлар, лекин улар фикрлаш қобилияти билан ишонч ўзаро қандай боғланган эканини аниқлай олмадилар. Уларнинг баъзилари Худога ишонадилар, лекин тафаккури уларга "Худо йўқ!" деб уқтиради. Масалан, биз Парвардигорга овқат таклиф қилганда, улар фақат сизларнинг ишончингиз "Парвардигор шу овқатни қабул қилади" деб ўйлашга мажбур қилади, чунки биз Худони кўра олмаймиз, деб айтишлари мумкин.

**Шрила Прабхупада:** Улар Худони кўра олмайдилар, мен эса, Уни кўра оламан. Мен Худони кўра оламан, шунинг учун Унга овқат таклиф қиламан. Улар Худони кўра олмаганлари учун менинг олдимга келишлари лозим, шунда мен уларнинг ҳам кўзларини очиб қўяман. Улар катаракта касалига чалинганлари сабабли кўзлари кўрмай қолган, шунинг учун мен уларни операция қилишим керак, шунда улар ҳам Худони кўра оладиган бўладилар. Бизнинг йўлимиз шундай.

**Шогирд:** Олимлар айтадиларки, бирор нарсанинг ҳақиқатан ҳам мавжудлигини тан олиш учун буни улар ўзларининг сезгилари ёрдамида ҳис қилишлари лозим – ҳамма тан оладиган йўл шундай.

Ўз ҳаётидан мамнун хайвонлар

**Шрила Прабхупада:** Албатта, улар теварак-атрофни ўз сезгилари ёрдамида қабул қилишлари мумкин, лекин бунда уларнинг тасавури жуда номукамал бўлади. Улар ўзларининг сезгилари ёрдамида кумни сеза оладилар, лекин олимлар шу кумни ким яратганини кўра оладими? Мана сизга қум, мана - денгиз: уларни бевосита кўриш мумкин. Лекин қандай қилиб кумни ва денгизни яратган манбани бевосита кўриш мумкин?

**Шогирд:** Олимлар айтадиларки, қум ва денгизни Худо яратган бўлса, биз худди қум ва денгизни кўриб турганимиз сингари Худони ҳам кўрган бўлардик.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, улар Худони кўра оладилар, лекин бунинг учун уларга кўз керак. Уларнинг кўзлари кўр. Шунинг учун аввал менинг олдимга келиб кўзларини даволашлари лозим. Шастраларда айтилганки, инсон Худони кўра олиши учун гурунинг олдига келиб кўзларини даволаши лозим. Кўр одамлар қандай қилиб Худони кўра оладилар?

**Шогирд:** Лекин Худони кўриш қобилияти – ғайритабиий қобилият. Олимлар эса, фақат оддий кўзларни, оддий қобилиятни ҳисобга оладилар.

**Шрила Прабхупада:** Ҳамма нарса ғайритабиий. Масалан, сиз беғубор осмонда ҳеч нарса йўқ, у бўм-бўш деб ҳисоблашингиз мумкин, лекин сизнинг кўзларингиз мукамал эмас. Осмонда сон-саноксиз сайёралар мавжуд, лекин кўриш қобилиятингиз чекланганлиги сабабли сиз уларни кўра олмайсиз. Сиз уларни кўра олганингиз туфайли менинг айтганимни қабул қилишингиз лозим: “Ҳа, осмонда миллиардлаб юлдузлар бор”. Нахотки, сиз юлдузларни кўра олганингиз учун космик фазо бўм-бўш бўлиб қолса? Йўқ. Фақат мукамал бўлмаган кўзларингиз сизни шундай деб ўйлашга мажбур қилади.

**Шогирд:** Олимлар ҳамма нарсани билмасликларини тан олишга тайёр, лекин, ўзлари кўрмаган нарсанинг мавжудлигига ишона олмайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Агар бирор нарсани билмасалар, улар ҳақиқатни биладиган кишидан илм ўрганишлари лозим.

**Шогирд:** Улар бунга шундай эътироз билдиришлари мумкин: “Агар бизларга айтаётган нарсалари нотўғри бўлса-чи?”

**Шрила Прабхупада:** Бу уларнинг муаммоси. Улар ўзларининг мукамал бўлмаган сезгилари ёрдамида Худони кўра олмасалар, улар Худони биладиган кишининг гапларини тинглаши лозим. Илм ўрганиш йўли шундай. Агар улар биладиган кишига мурожаат қилмасалар, яъни, мабодо улар бирор алдоқчи фирибгарнинг олдига бориб қолсалар – бу уларнинг муаммоси. Барибир бу ҳол илм ўрганишнинг мана шу мукамал усулини ўзгартира олмайди. Сизнинг сезгиларингиз яроқсиз бўлса, ҳақиқатни англаб етиш учун ҳақиқатни биладиган ишончли киши олдига боришингиз лозим.

## Имонсиз атеистларнинг мағлубияти

**Д-р Сингх:** Муаммо шундаки, **имонсиз одамлар яшайдиган жамиятда Худонинг борлигини исботлашнинг иложи йўқ.**

**Шрила Прабхупада:** Имонсиз дахрийлар ярамас одамлардир. Биз уларга эмас, ҳали **озгина бўлса ҳам ақл-фаросати бор, соғлом фикрлай оладиган одамларга Худо ҳақида гапиришимиз лозим.** Мавжуд ҳамма нарсани кимдир яратган: ахир сувни, кумни, осмонни кимдир яратган-ку? Худони англаш деганда ана шу Зотни излаш назарда тутилади.

**Д-р Сингх:** Олимлар шундай дейдилар: “Худони бизга кўрсатинг, биз Уни ўз кўзимиз билан кўрайлик!”

**Шрила Прабхупада:** Мен сизга айтяпман: “Мен сизга Худони кўрсатаман, лекин бунинг учун сиз аввал даволанишингиз лозим”. Сиз Худони кўриш учун аввал кўзларингизни бунга тайёрлашингиз лозим. Агар кўзингиз кўр бўлса-ю, врачнинг олдига боришни истамасангиз, қандай қилиб даволана оласиз, қандай қилиб кўра оласиз? Сиз албатта даволанишингиз лозим. Мана шу кўрлик касалидан қутулишнинг ягона йўли ҳисобланади.

**Шогирд:** Бунинг учун кишида ишонч бўлиши лозим.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, лекин ишонч кўр-кўрона ишонч эмас, ҳақиқий, амалий ишонч бўлиши лозим. Бирор нарсани билиб олиш учун уни ҳақиқатан ҳам биладиган ишончли мутахассис олдига бориш лозим. Бундай ишонч кўр-кўрона ишонч эмас, ҳақиқий ишонч бўлади. Сиз ўзингиз мустақил ҳолда ҳеч нарсани ўргана олмайсиз.

**Шогирд:** Ҳақиқатан ҳам Худого самимий интилаётган киши албатта ҳақиқий гуруни учратиши рост гапми?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. *Гуру-кришна-прасаде пайа бхакти-лата-биджа*. Кришна сизнинг қалбингизда, У сизнинг самимий интилаётганингизни кўради ва керакли кишининг олдига борадиган йўлни кўрсатади.

**Шогирд:** Агар одам ўзи етарлича самимий интилдаса, унда алдоқчи рухий устозга учрайдими?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Агар сиз алданишни истасангиз, Парвардигор сизга алдоқчини юборади. **“Ниятинг йўлдошинг!”** Парвардигор чексиз илмга эга. Агар сиз алдоқчи бўлсангиз, У сизни шундай алдаб қўядики, буни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Лекин, ҳақиқатан ҳам Худого самимий интилаётган бўлсангиз, У албатта сизга ҳақиқий рухий устоз учрашини таъминлайди. “Бхагавад-гита”(15.15)да Парвардигор шундай дейди: **“Мен ҳар кимнинг қалбида мавжудман, хотира, илм ва унутиш Мендан чиқади”**. Парвардигор бир вақтнинг ўзида илм ҳам, унутиш ҳам Ундан чиқшини айтади. Агар сиз алдоқчи бўлсангиз, Парвардигор сизга Худони бутунлай унутиб юбориш имконини берадиган тафаккур, хотира беради.

**Шогирд:** Лекин ҳозир ҳукумат тепасига имонсиз атеист одамлар чиқиб олган. Улар жамиятга ҳукмронлик қияптилар.

**Шрила Прабхупада:** *Майянинг* бир тепкиси билан уларнинг ҳукмронлигидан асар ҳам қолмайди. *Майянинг* табиати шундай. Атеистларнинг қўл-оёғи боғланган, лекин улар алданиб юргани сабабли ўзларини эркин одамлар деб ҳисоблайдилар.

*моғаша моғха-кармано моғха-джнана вичетасаҳ  
рақишасам асурим чаива пракритим моҳиним шритаҳ*  
**“Адашган одамларни иблисларга хос атеистик ғоялар ўзига жалб этади. Бундай тасаввурлар уларни ақлдан оздириб қўяди, шу боис уларнинг озодликка чиқишга, моддий фаровонликка эришишга ва илм ўрганишга бўлган барча уринишлари бекор кетаверади”** (“Бхагавад-гита”.9.12).

Улар бутунлай йўлдан адашган одамлар, шунинг учун уларнинг барча умидлари чиппақка чиқяпти. “Бхагавад-гита”нинг мазкур шеърида айнан шу ҳақда айтилган, ҳақиқатан ҳам шундай бўляпти. Уларнинг қанчадан-қанча катта лойиҳалари, шу жумладан Ойга чиқиш лойиҳаси ҳам барбод бўлган. Лекин шунга қарамай улар “табиатни енга оламыз” деб даъво қилишда давом этавердилар.

**Д-р Сингх:** Улар ақлини жамлаб олишни истамайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Демак, улар ҳақиқий фирибгар-қаллоблар.

Сеҳрли телевидение

Олимлар шиддат билан дўзах сари кетяптилар

**Шрила Прабхупада:** Ақлли киши яхши насихатга қулоқ солади, лекин ярамас одам ҳеч қачон бундай қилмайди. Буюк шоир, айни пайтда буюк ярамас қаллоб бўлган Калидас деган киши ҳақида бир ҳикоя бор. Бир куни Калидас дарахт тепасида ўтирганча ўзи ўтирган шохани кесиш билан овора экан. Йўлдан ўтиб бораётган бир йўловчи унга шундай дебди: “Нимага сен бу шохани кесяпсан, ахир йиқилиб тушасан-ку?” “Йўқ, йўқ, йиқилмайман!” – дебди Калидас. У шохани кесишда давом этибди ва бир оздан кейин пастга қулаб тушибди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, у ярамас калтафаҳм одам бўлгани учун бировнинг яхши маслаҳатига қулоқ солмаган. Ўзларининг аҳмоқона илмий тараққиёти сабабли олимлар тўппа-тўғри дўзахга қараб кетяптилар. Лекин уларга бу ҳақда гапирмоқчи бўлсангиз, сизга қулоқ солмайдилар, шунинг учун улар ҳақиқий қаллоблардир. Қаллоблар ҳамиша қандайдир режалар тузиб юрадилар, уларнинг амалга ошмаганини кўрадилар ва яна навбатдаги режани тузишга киришадилар. Бу режаси ҳам барбод бўлади, улар яна режа туза бошлайдилар. Лекин биз уларга тузаётган барча дунёвий, моддий режалари албатта чиппакка чиқаверишини тушунтирмоқчи бўлсак, улар қулоқ солишни истамайдилар. Ярамаслар! Алдоқчи қаллоблар ҳамиша чайналган нарсани чайнашда давом этаверадилар. Уйларидами, кўчадами, тунги клублардами, театрдами – улар қаерда бўлса ҳам оладиган, интиладиган ягона лаззати – ҳар хил кўринишдаги жинсий алоқа лаззатидан бошқа нарса эмас.

**Шогирд:** Шрила Прабхупада, хатто буни ўзига яраша жасорат деб аташ ҳам мумкин.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа, буни истаганча таърифлаш мумкин, лекин бундай жасорат – уларнинг виждонсизлигини кўрсатиб турибди. Улар жасорат билан дўзах сари боряптилар, бор йўғи шу, холос. Бир киши бошқа бир кишини таъқиб қилиб бораётган экан. Таъқиб қилиб бораётган киши қочаётган кишидан сўрабди: “Нимага қочяпсан? Мендан кўрқасанми?” “Мен сендан кўрқмайман. Лекин нимага қочмаслигим керак? Нимага мен тўхташим керак экан?” - дебди у.

Имонсиз ашаддий атеистлар ҳам шиддат билан дўзахга қараб чошиб кетяптилар. “Нимага мен гуноҳ қилишни бас қилишим керак? – дейди улар. – Мен қилган гуноҳларимнинг ҳар қандай оқибатларини жасорат билан қабул қиламан!”

**Д-р Сингх:** Улар ҳақиқатан ҳам ақлдан озган одамлар.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Ведаларда айтилганки, инсон ақлдан озиши билан ёки жинни бўлиб қолиши (танасига бошқа руҳ кириши) билан ҳар хил бемаъни гапларни гапира бошлайди. Худди шундай, моддий қувват таъсири остига тушиб қолган киши ҳам ақлдан озган ҳисобланади. Шунинг учун у фақат ҳар хил бемаъни гапларни гапира бошлайди. Олимлар ўзлари ҳақиқий илмдан бутунлай беҳабар бўлишига қарамай, ҳар хил жимжимадор, баландпарвоз гаплар билан бошқаларни моҳирлик билан алдаб келяптилар.

**Д-р Сингх:** Бунинг учун ҳозир уларда аввал бўлмаган жуда кўп нарсалар бор: телефон, телевидение, самолетлар, ракеталар ва кўплаб бошқа кашфиётлар.

**Шрила Прабхупада:** Лекин, ҳали улар билмайдиган, уларнинг телефонида минг марта яхшироқ телефонлар бор. “Бхагавад-гита”да Санджайа ана шундай алоқани намойиш этган эди: у саройда, ўз ҳукмдори Дхритараштранинг олдида ўтирган ҳолда, унга улардан жуда олисда бўлган Курукшетра жанг майдонида юз бераётган жанг тафсилотларини батафсил гапириб берган. Ҳақиқатан ҳам Санжайнинг кўриш қобилияти телефон алоқасидан анча устун туради. Бу сеҳрли телевидение, унинг қалбидаги телевидение эди, чунки у жанг майдонидан анча олисдаги хонада ўтирса ҳам, у жойда бўлаётган воқеаларнинг ҳаммасини мукамал кўриб турарди. “Бхагавад-гита”да Дхритараштра Санжайдан сўрайди: “У ерда менинг жиянларим ва ўғилларим нима қиляптилар?” Шунда Санжай жанг майдонидаги Дурёдхоннинг Дроначарйа олдига борганини, Дроначарйа унга нима деганини, Дурёдхон унга нима деб жавоб берганини ва хоказо тафсилотларни гапириб беради. Гарчи бўлиб ўтаётган бу воқеалар оддий кўз билан кўришнинг иложи бўлмаган даражада узоқда бўлишига қарамай, сеҳр қудрати ато этилган Санжай уларни бемалол кўра олиш ва батафсил таърифлаб бериш қобилиятига эга эди. Мана шуну ҳақиқий фан, ҳақиқий илм деса бўлади.

**Д-р Сингх:** Баъзи олимлар, бизлар пластмасса ва ҳар хил дорилар ихтиро қилиш билан табиатни такомиллаштирдик, деб айтадилар.

**Шрила Прабхупада:** Ведалар даврида одамлар қумуш ва олтин идишларда овқатланганлар, энди эса олимларнинг марҳамати билан одамларнинг ҳаёти анча яхшиланди: улар пластмасса идишларда овқатлана бошладилар (қулги).

**Д-р Сингх:** Ҳозир пластмасса катта муаммога айланиб боряпти, чунки олимлар ундан қандай қутулишни билмаяптилар. Уни яқсон қилишнинг иложи йўқ, у эса, тобора кўпайиб кетяпти.

## Исботи бор

**Д-р Вольф-Роткей:** Агар олимлар: “Бизлар ўз қадриятларимиздан айрилишни истамаймиз. Биз ўзимиз яратган ҳар хил техникалар ёрдамида сезгиларимизни лаззатлантиришда давом этишни истаймиз” – деб тан олсалар, одамларга ўзларининг самимий эканини кўрсатган бўлардилар. Лекин улар тобора кўпроқ лаззатланишга бўлган барча уринишлари бекорга кетаётганини тан олмайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Бу уларнинг нодонлигидан дололат беради. Охир-оқибатда улар барибир буни тан олишга мажбур бўладилар.

**Д-р Вольф-Роткей:** Лекин улар: “Яна бир марта уриниб кўринг!” – деб айтадилар.

**Шрила Прабхупада:** Қандай уриниб кўриш мумкин? Масалан, сиз кўролмайсиз, чунки катаракта касалига чалингансиз. Лекин сиз такрор ва такрор кўришга уринаверасиз. Наҳотки шу йўл билан катарактадан даволаниб бўлса? Йўқ. Сиз бу йўл билан ҳеч қачон касалдан даволана олмайсиз. Бунинг учун врачнинг, жарроҳнинг олдига бориш керак. У сизни операция қилади, шунда кўзингиз очилади. Такрор ва такрор қуёшни кўришга уриниш билан кўзингиз очилмайди.

**Д-р Вольф-Роткей:** Улар айнан мана шуни, яъни, дунёвий илм ёрдамида ҳақиқатни англаб етиш йўлидаги барча уринишлари бефойда эканини тан олишни истамайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Улар аҳмоқ одамлар. Улар яхши гапга кулок солмайдилар. Агар сиз аҳмоқ одамга яхши гап айтсангиз, худди илондай жаҳли чиқади. Масалан, сиз уйингизга илон олиб келасиз, унга: “Азизим, илтимос, мен билан яша. Мен ҳар кунни сени ширин таомлар – сут ва банан билан боқаман” – дейсиз. Илон бундан жуда мамнун бўлади, лекин бунинг оқибатида фақат унинг захри кучаяди. Шунда бир кун келиб сиз чинқириб юборасиз: “А-а!” У сизни чақиб олади.

**Д-р Вольф-Роткей:** Лекин, олимлар ҳеч қачон ноумидликка тушмайдилар.

**Шрила Прабхупада:** Уларнинг барча режалари ҳар лаҳзада барбод бўляпти, лекин барибир улар умидвор бўлишда давом этаверади.

**Шогирд:** Шрила Прабхупада, бир кутубхоначи мендан “Бҳагавад-гита” беш минг йил аввал ёзилганини исботлаб беришимни талаб қиляпти. У “Бҳагавад-гита”нинг беш минг йил аввал ёзилган асл нусхасини кўрсатишни сўраяпти.

**Шрила Прабхупада:** Фараз қилинг, мен қоронғу хонага қираман ва шу ерда ўтирган кишига: “Қуёш чиқди. Кўчага чиқ!” - дейман. У менга: “Кўча ёруғ эканини сен қандай исботлайсан? Сен аввал кўча ёруғ эканини исботла, кейин мен чиқаман” – дейди. Мен ундан илтимос қилишим мумкин: “Илтимос, кўчага чиқ, шунда ўзинг кўрасан”. Агар унинг ўзи кўчага чиқмаса, исбот талаб қилиб қоронғуда қолиб кетаверади. Агар сиз “Бҳагавад-гита”ни ўқиб чиқсангиз, ҳаммасига ўзингиз ишонч ҳосил қиласиз. Ўқинг ва ишонч ҳосил қилинг. Мана сизга исбот.

### Ўн олтинчи суҳбат

Лос-Анжелес. Тинч океани соҳили.  
10-декабрь. 1973 йил

“Олий” деганда нима назарда тутилади?

**Шрила Прабхупада:** Моддий оламда олий поғонани эгаллаш дегани нимани билдиради? Нимага сиз президент Никсонни “ҳукуматдаги энг асосий одам” деб биласиз?

**Д-р Сингх:** Чунки унга маълум ҳуқуқлар берилган, буюриш, ҳокимлик қилиш ҳуқуқига эга.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Нимага ҳукумат тизимида унинг мартабаси энг банд хисобланади? Чунки барча ҳукумат амалдорлари орасида у энг кўп маош олади, унинг учун энг қулай шароитлар яратилган, ҳаммаша унинг фикри энг муҳим аҳамитга эга, айтган гапи қонун сифатида қабул қилинади.

**Д-р Сингх:** У бошқаларни ишонтира олиш қобилиятига эга.

**Шрила Прабхупада:** Йўқ. Сиз унинг фикрига қўшилмаслигингиз мумкин, лекин ҳукумат таркибида юкори лавозимни эгаллаб тургани учун сиз унинг айтганини қилишингиз лозим. У ана шундай мартабага эга. Бу сизнинг унга ишониш ёки ишонмаслигингизга боғлиқ эмас. “Олий” деганда мана шу назарда тутилади, шундайми? Ведалар адабиётида айтилганки, бошқалардан устун бўлиш – катта омад ҳисобланади. Лекин энг катта омад – Худоники. *Лақими-сахасра-шата-самбхрама-севйаманам:* “Унга юз минглаб омад

**фаришталари хизмат қиладилар”** (“Брахма-самхита”.5.29). Бу ерда, мана шу сайёрада бизлар омад беришини талаб омад фариштаси Лакшмига сиғинамиз. Парвардигорга эса, минглаб омад фаришталари хизмат қиладилар.

**Д-р Сингх:** Биз қимгадир ана шундай омад кулиб боқиши ҳақида ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз.

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Шунинг учун ҳам Парвардигорни *ачинтия*, яъни “англаб бўлмас Зот” деб атайдилар. Биз Унинг қанчалик буюк ва омадли эканини ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз. *Ачинтия* ибораси биз Уни тасаввур қила олмаслигимизни англатади. Биз фақат Парвардигорнинг қудратининг бир қисмини – мана шу моддий табиатни кўра оламиз, холос, - унда эса, Парвардигорнинг буюк қудратининг кичик бир зарраси намоён бўлган. Олий Шахс ҳар турли қувватларга эга. “Бҳагавад-гита”(7.4)да Парвардигор шундай дейди: “**Ер, сув, олов, ҳаво, эфир, ақл, тафаккур ва сохта ўзлик – мана шу саккиз унсур Менинг ажралган моддий қувватимни ташкил этади**”. Кейинги шеърда У руҳий олам(*пара-пракрити*)ни ташкил этадиган Ўзининг руҳий қувватини таърифлайди. Агар ҳатто қуйи моддий қувват ана шундай мўъжизалар яратишга қодир бўлса, тасавуур қилинг, руҳий олам қанчалик ҳайратли, жозибатор бўлади. “Олий” иборасининг маъноси шундай бўлади.

### Йога қудратининг кучи

**Хридайананда дас Госвами:** Руҳий оламда ҳаётнинг биз ҳозир Ер юзида кўриб юрган барча турлари мавжудми?

**Шрила Прабхупада:** Ҳа. Бундан ташқари, агар мана шу қуйи қувват шунча ажойиб ҳаёт турларини яратишга қодир бўлса, руҳий оламдаги олий ҳаёт тури қанчалик ажойиб бўлиши керак! Ҳатто мана шу моддий коинотда баъзи бир сайёраларнинг аҳолиси қудрат бобида бошқа сайёралар аҳолисидан анча устун турадилар. Масалан, ер юзида одамлар бирор мўъжиза яратиш учун сеҳрли йога билан шугулланадилар, лекин *Сиддхалока* деб аталадиган бошқа бир сайёрада, одамлар туғилганиданок ана шундай сеҳр қудратига эга бўладилар. Ер сайёраси учун табиий ҳол: қушлар уча оладилар, биз эса, қиммат турадиган самолетларсиз бунга қодир эмасмиз. Лекин Сиддхалока сингари жаннатий сайёра аҳолиси бир сайёрадан бошқа сайёрага ҳеч қандай машина ёрдамисиз учиб ўта оладилар. Бошқа сайёраларга бориш учун улар буни шунчаки истасалар бас. Ҳатто Ер сайёрасида ҳам ҳар кун эрталаб бирданга тўрт муқаддас жойдаги сувларда – Жаганнатха Пури, Рамешвара, Хардвар ва Дварака(22)да чўмиладиган йоглар бор. Ана шундай йоглардан бири, менинг отамнинг яқин дўсти бўлиб, у Калькуттада отамни кўргани келганди. Ана шу йог айтган эдики, у хотиржам ўтириб руҳий устози, гурунинг оёғини ушлаган заҳоти икки дақиқада Калькуттадан Дваракага бориб қолади. Йоганинг қудратли кучи шундай. Бундай қудрат олдида замонавий самолетнинг қудрати нима бўпти? Дурваса Муни бир йил ичида бутун коинотни босиб ўтиб, Ваикунт(23)га етиб борган. Ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра коинотдаги баъзи сайёралар Ер сайёрасидан қирқ минг ёруғлик йили(24)га тенг масофада жойлашган. Демак, агар ёруғлик тезлигида ҳаракат қилса, ана шу сайёрага бориш учун қирқ минг йил вақт керак бўлади. Ҳатто улар шундай имкониятга

эга бўлсалар ҳам, астронавтлар қирк минг йил умр кўра оладиларми? Улар нимасига гердаядилар?

**Д-р Сингх:** Олимларда шундай таълимот мавжудки, шу таълимот асосида улар коинотда ёруғлик тезлигида ҳаракат қила оладиган машина ярата оладилар.

**Шрила Прабхупада:** Бу фирибгарлик. Улар фақат шундай гапиришни биладилар, лекин амалда ҳеч қачон шундай машина ярата олмайдилар.

## Ведавий космология

**Шрила Прабхупада:** Бизнинг кўзимизга кўринмайдиган сайёра ва юлдузлар бор. Масалан, Раху деган сайёра Куёш билан Ой орасидан ўтганида кун тутилиши рўй беради. Лекин олимлар кун тутилишини бошқача талқин қиладилар. Аслида кун тутилишини Раху сайёраси юзага келтиради. Замонавий олимларнинг кун тутилишини таърифлашида жуда кўп шубҳа уйғотадиган жойлари бор. Ведалар таълимотига кўра уларнинг бундай тахмини нотўғри.

**Д-р Сингх:** Лекин олимлар ўзларининг бу тахминларини исботлаб бера олишини даъво қиладилар.

**Шрила Прабхупада:** Улар “илм-фан ҳамма нарсани исботлаб беради” деб айтадилар. Бўлмаган гап. Олимлар ҳамма нарсани исботладилар, лекин ўзлари аслида ким эканини билмайдилар. Бу уларга номаълум. Нимага улар ўладилар? Буни ҳам улар билмайдилар. Мана уларнинг эришган бутун илми.

**Д-р Сингх:** Улар коинотнинг моделини – сайёраларнинг, Ойнинг моделини ясай оладилар.

**Шрила Прабхупада:** Агар улар модел ясашга уста бўлса, электр қувватини тежаб қолиш учун нимага куёшнинг моделини ясамайдилар? Бу ярамас фирибгарлар фақат ҳар хил гаплар гапиришга уста, лекин амалда бирор иш қилишга ярамайдилар. Агар улар коинотнинг моделини ясай олсалар, Куёшнинг катта моделини ясагинлар. Шунда одамлар тунларини ёритиш учун электр нурига шунча пул сарфлаб юрмаган бўларди. Лекин бу уларнинг қўлидан келмайди. Шунга қарамай улар меҳнатқаш халқнинг солиқ сифатида тўпланган шунча пуллариини шамолга совуриш ниятида баланд-парвоз гаплар гапиришдан тўхтамайдилар. Улар Ойнинг таркибини биламиз, Куёшнинг таркибини биламиз деб айтадилар, агар ҳақиқатан шундай бўлса, нимага уларни ўзлари яратиб олмайдилар? Нимага улар сунъий куёш ярата олмайдилар? Шунда Исландия ва Гренландия аҳолиси шунчалик совуқ муҳитда яшамаган бўларди.

## Худо ҳеч қачон нульга тенг бўлмайди

**Шрила Прабхупада:** Бир куни Парвардигор Чаитанья Махапрабху *чинтамани* деб аталадиган тошни мисол келтирганди. Бу тош ўзи ўзгармай қолган холда кўплаб бошқа қимматбаҳо тошлар ярата олади. “Шри Ишопанишад”(Мурожаат):

*ом пурнам адах пурнам идам пурнат пурнам удачайате  
пурнасия пурнам адайа пурнам эвавашишияате*

Мазкур шеърнинг маъноси шундан иборатки, ҳамма нарса Худо Шахсидан, яъни, ягона Парвардигордан тарқалган, лекин шунга қарамай Парвардигорнинг Ўзи ўзгармай қолаверади. Ҳозир Ер юзида нефт захиралари тугаб боряпти, бу жуда катта муаммоларни юзага келтиряпти, лекин Куёш аввал қандай бўлса, шундайлигича порлаб турибди, у сон-саноксиз йиллар

давомида порлаб тураверади. Парвардигор миллионлаб Куёшларни яратишга қодир, яратиб ҳам қўйибди. Лекин бу билан Унинг қудрати камайиб қолгани йўқ. У ҳеч нарса йўқотгани йўқ. Парвардигор ва Унинг олий қуввати, *ачинтия-шакти* ана шундай хусусиятга эга.

Бизнинг анча жамғарма пулимиз бўлиши мумкин, агар биз уларни сарфлаб қўйсак, эртага ҳисобимизда ҳеч нарса қолмайди – ноль. Ярамас қаллоблар бошланғич ҳақиқат ноль бўлган деб айтадилар, *шунйавада*. Улар Парвардигор ҳеч қачон нольга тенг бўлмастлигини, У ҳамиша мусбат сифатида эканини билмайдилар. Шунинг учун биз Парвардигор ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишимиз лозим. Теологлар бу ғояларни ведавий муқаддас китоблардан олишлари ҳамда қандайдир фирибгар ғаламисларнинг одамларни алдаб, адаштириб юришларига йўл қўймаслиги лозим. Ягона Парвардигорнинг ва Унинг чексиз қувватларининг табиати Ведалар адабиётида тушунтирилган. Бизнинг қувватимиз тугаб қолади, лекин Худонинг қуввати – ҳеч қачон тугамайди. Худо билан бизларнинг орамиздаги фарқ шундан иборат. Мен тез юра олмайман, ёки ёш йигитлар қиладиган ишларнинг кўпларини қилолмайман, чунки менинг ёшлиқдаги қувватим тугаб қолган. Лекин Худо ҳамиша ёш, навкирон. “Кришна, ягона Парвардигор – бегуноҳ, мутлақ ва бошланиши йўқ Олий Шахсдир. Ҳар хил сон-саноксиз экспансияларни яратса ҳам, Ўзи энг қадимий ва ҳамиша навкирон ёш йигит кўринишида ўзгармай қолаверади”(“Брахма-самхита”.5.33). Парвардигор “Бҳагавад-гита”(5.33)да шундай дейди: “Парвардигор ҳар кимнинг қалбида мавжуд”. Шунингдек, У ҳар бир атом ичида ҳам мавжуд, лекин, шунга қарамай, У – бир ва ягона. Худо, Парвардигор ана шундай. У – *адваита*, мутлақ(нисбий эмас), яъни, “Парвардигор менинг қалбимда, сизнинг қалбингизда эса, бошқа биров бор”, деб ўйламаслик керак. Йўқ, Унинг намоён этган барча кўринишлари аслида бир. Ўзининг ҳамма жойга сингиб кетган кўринишида У ҳамма жойда ва ҳамма нарсада мавжуд, айни пайтда, У Ўз маконида мужассам бўлган ягона Зотдир.

## Худонинг муҳаббатининг мутлақ табиати

**Д-р Сингх:** Шрила Прабхупада, ғарбий давлатлардаги баъзи бир теологларнинг асарларида айтилганки, **Худо – бу муҳаббатдир.**

**Шрила Прабхупада:** Худо – ҳамма нарса. Нимага улар Худо – у, Худо – бу деб айтадилар? **Худо - ҳамма нарса**, чунки у мутлақ Зот. Унинг муҳаббати ҳам, нафрати ҳам бир. Моддий оламда биз муҳаббат ва нафратни бир-бирдан ажратиб қабул қиламиз. Лекин Худонинг нафрати билан муҳаббати бир-бирдан фарқ қилмайди. Шунинг учун Уни *ачинтия*, “англаб бўлмас Зот” деб атайдилар. Парвардигорнинг *гопи*(25)ларга бўлган муҳаббати ҳамда Унинг Камсага бўлган нафрати бир хил натижага олиб келди. Камса ҳам, гопилар ҳам рухий оламга эришдилар. Путана(27) Кришнани захарлаб ўлдириш учун келган эди, Йашода она эса, арзандаси Кришнани муҳаббат билан ҳар хил хавф-хатарлардан авайлаб-асраб юрарди. Йашода билан Путана табиатан бир-бирига бутунлай қарама-қарши бўлган шахслар, лекин улар иккиси ҳам бир хил натижага эришдилар. Кришна: “Мен Путананинг кўксидан сут эмдим, демак, у Менинг онам бўлади. У ҳам худди Йашода сингари мартабага эга бўлиши

керак!” – деб ўйлайди. Парвардигорнинг мутлак табиатга эга бўлган нафрати ва муҳаббати ана шундай.

*ваданти тат таттва-видас  
таттвам йадж джнанам адвайам  
брахмети параматмети  
бхагаван ити шабдйате*

“Мутлак Ҳақиқатни англаб етган илоҳиётчи-олимлар ана шу моҳиятни Браҳман, Параматма ва Бхагаван деб атайдилар” (“Шримад Бхагаватам”. 1.2.11). Парвардигорнинг ҳамма жойга сингиб кетган, бутун борлиқни камраб олган Браҳман деб аталадиган ҳамда ҳар жойга жамланган Параматма деган кўринишлари мавжуд. Айни пайтда, У – Бхагаван, азалий илоҳий Шахс киёфасидаги ягона Парвардигор. Парвардигорнинг мана шу уч кўриниши бир вақтнинг ўзида ҳам бир, ҳам бир-биридан фарқ қилади. Худонинг илоҳий табиати шундай – *ачинтйа-бхеда-абхеда-таттва* – “айни пайтда бирлик ва фарқ қилиш” коидаси. Парвардигорнинг, яъни, Бхагаваннинг шахсий киёфасини англаб етган киши айни пайтда Унинг Браҳман ва Параматма аспектларини ҳам англаб етади. Ана шу кўринишларнинг ҳаммаси Кришна, лекин айни пайтда улар бир-биридан фарқ қиладилар.

### Кимдан илм ўрганиш керак?

**Д-р Сингх:** Шрила Прабхупада, кўпчилик одамлар учун Худонинг борлигини тан олиш қийин.

**Шрила Прабхупада:** Улар бемор одамлар, лекин даволанишни истамайдилар. Бу уларнинг айби. Худони танимайдиган, илоҳий онг, Худонинг хоҳиши билан яшамайдиган одамлар – ақлдан озган одамлардир. Алдамчи қувват, қуйи моддий қувват таъсири остида улар худди жин урган кишидай ҳар хил бемаъни гапларни гапирадилар. Ана шу ғофиллик иллатидан халос бўлиш учун улар ҳақиқий илмга эга бўлган кишига мурожаат қилишлари лозим. Сиз ана шундай кишини, гуру, руҳий устозни топишингиз ва унга ўзингизни топширишингиз лозим. Кейин унга савол беришингиз ва у қандай жавоб берса, уни сўзсиз қабул қилишингиз лозим. Худони англаш йўли шундай. Аввалига ҳақиқий руҳий **устоз топиш** керак, кейин унинг хизматини қилиб, ўз хизматингиз ва садоқатингиз билан **уни мамнун қилишингиз** лозим. Шунда *гуру* сизга ҳамма нарсани тушунтириб беради. Кришна “Бхагавад-гита”(4.34)да шундай дейди:

*тад виддхи пранипатена парипрашина севайя  
упадешйанти те джнанам джнанинас таттва-даршинах*  
“**Руҳий устозга мурожаат қилиб ҳақиқатни билиб олишга ҳаракат қил. Камтарин ҳолда унга саволлар бер, унинг хизматини қил. Ўзини англаб етган зотлар сенга илм ўргатишга қодир, чунки улар ҳақиқатни кўрганлар**”.

\*\*\*

### Олимлар билан бўлган баҳс-мунозара

Доктор Абрахам Т. Кавур – Халқаро рационалистлар Ассоциациясининг Шри-Ланка филиали президенти. Бу ташкилотнинг асосий мақсади Худонинг ҳамда руҳнинг мавжудлигини инкор этиб исботлашдан иборат. 1977 йил 14 август куни Колумбиядаги “Санди Таймс” газетасида д-р Кавурнинг “Ўлгандан кейин ҳаёт борми?” деган мақоласи чоп этилди. Ўзининг мақоласида Кавур айтадики, “ҳаёт – юксак даражада такомиллашган кимёвий бирикма бўлиб, тана ҳалок бўлгандан кейин жон(руҳ) яшашда давом этишга қодир эмас, чунки аслида руҳ дегани йўқ нарса”. Бу мақола “Санди Таймс” таҳририятининг ўзида ҳам, газетхонлар орасида ҳам катта шов-шувга сабаб бўлди. Шундан кейин Кришнани англаш Халқаро жамиятининг Шри-Ланка бўлими аъзолари ва д-р Кавур орасида ёзма равишда баҳс-мунозаралар бошланиб кетди. Қуйида “Санди Таймс” газетасида чоп этилган баъзи мақолалар ҳамда уларнинг шахсий ёзишмаларининг бир қисми келтирилган.

### “Санди Таймс”

21 август 1977 йил.

### Д-р Кавур кузата олмаган нарса (Хамсадута Свами, Махаканта даса)

Д-р Кавур ва унга ўхшаган кишилар ўзларининг дунёвий илми билан жуда мағрурланишларига қарамай, шуни айтиш лозимки, ўзларини “мантиқ, тафаккур ва илмий тараққиёт посбонлари” деб ҳисоблайдиган д-р Кавур сингари дунёвий олимлар, чекланган сезги аъзоларининг қабул қилиш доирасидан ташқарида бўлган нарсалар ҳақида фикр юрита бошласалар, жуда ноқулай, кулгили аҳволга тушиб қоладилар. Айниқса, бундай ҳол “ўлгандан кейинги ҳаёт” масаласида яққол намоён бўлади.

Мақоласининг биринчи қаторидаёқ д-р Кавур шундай деб ёзади: “Мен ҳаётим танамнинг қайсидир бир қисмида мужассам бўлган деган тасаввурда эмасман”. Унинг бу гапи ҳам, ундан кейинги “мен жон, яъни, танам ўлгандан кейин яшашда давом этадиган руҳнинг мавжудлигига ишонмайман” деган гаплари ҳам унинг қанчалик ғофил, илмсиз, онги паст киши эканини кўрсатиб турибди. Бутун мақола давомида д-р Кавур ўзининг сезиш доирасидан ташқарида бўлган нарсалар ҳақидаги шахсий дунёқарашини, фикрини ва эътиқодини таърифлаб берган ва бунда у одамларга ўзининг ана шу хом-хаёлини, шахсий фикрини “бенуксон илмий ҳақиқат” деб тасдиқлашга уринади.

Д-р Кавурнинг шахсий фикрини муносиб ҳурмат қилган ҳолда шуни айтмоқчимизки, ўлгандан кейинги ҳаёт борасида ўз фикрини билдирар экан, унинг бу мавзуни ўрганишда қўллаган “бевосита сезгилар ёрдамида илм олиш” усули жуда чекланган ва номукамал.

Масалан, кўзларимизни олайлик. Улар фақат маълум бир шароитда фаолият кўрсата оладилар: агар ёруғлик бўлмаса, мен ҳатто ўз кўлимни ҳам кўра олмайман. Биз кўзимизга энг яқин турган нарсани – киприкларимизни ҳам, энг узоқдаги нарсалар – коинотнинг чеккаларини ҳам кўришга қодир эмасмиз. Ҳақиқатан ҳам кўзларимиз мукамал эмас. Худди

шундай тери орқали сезиш қобилиятимиз ҳам, таъм билиш, ҳид билиш қобилиятимиз ҳам, ақлимиз ҳам мукамал эмас. Демак, ана шу номукамал сезгилар орқали олинган маълумотларга асосланиб чиқарган ҳар қандай хулосамиз ҳам албатта мукамал бўлмайди.

Агар номукамал сезгилар орқали олинган маълумотларга асосланган тадқиқотлар, ўтказилган тажрибалар ва тахминлар тажриба ўтказиш ва ақл ёрдамида англаб етиш мумкин бўлмаган соҳаларда қўлланилса, улар ҳеч қандай маънога эга бўлмай қолади. Бундай соҳаларни ўрганиш учун сезги органларидан фойдаланиш худди ёш боланинг ҳар бир кўринган эркак кишига мурожаат қилиб, ўзининг отаси ким эканини аниқлашга уриниши сингари бемаъни аҳмоқлик бўларди. Отасининг ким эканини аниқлаш учун инсон онасининг гапини ишониб қабул қилиши лозим. Бунинг бошқа йўли йўқ. Ҳеч ким ўз онасининг қорнига қираётган пайтида отаси ким эканини бевосита кўра олмагани туфайли инсон онасининг айтган гапини ишонч билан қабул қилиши шарт. Соғлом фикрлашга кодир бўлган ҳар қандай инсон буни тан олмай иложи йўқ.

Рух ва унинг танадан танага ўтиб юриши ҳақида д-р Кавур шундай деб ёзади: “Мен бунга ишониш учун ҳеч қандай ишонарли асос ёки далилга эга эмасман”. Бу гаплари билан жаноб доктор яна бир бор ўз сезгиларининг чекланган ва мукамал эмаслигини, демак сезгиларнинг сезиш қобилияти доирасидан ташқарида бўлган нарсаларни англаб етишда улардан фойдаланиш ҳеч қандай натижа бермаслигини намоиш этипти. Д-р Кавур нодонларча: “Мен танам ўлгандан кейин яшашда давом этадиган руҳим ёки жоним борлигига ишонмайман” дейиш ўрнига, унга маълум бўлган усуллар ёрдамида бу саволга жавоб бера олмаслигини тан олганида, олимларга хос ахлоқ-одобга хилоф иш қилмаган ва анча эҳтиёткорлик билан иш тутган бўларди. Тана ўлганда бошқа танага ўтадиган рух ҳам, Олий Рух – Худо ҳам мавжуд. Лекин биз шунга таъкидлаб айтишимиз лозимки, рух моддадан бутунлай фарқ қилади, шунинг учун рухнинг мавжудлигини аниқлаш ва унинг табиатини ўрганиш учун моддий илм-фан қўлланаётган усуллардан фойдаланиб бўлмайди.

Лекин, бу дегани, мазкур соҳада, ҳозирги даврда авж олиб кетганидай, ҳар ким истаганча тахмин қилиши ва ҳеч қандай асосиз равишда ҳар хил ғояларни ўртага ташлавериши мумкин, дегани эмас. Худди моддий воқеликни ўрганиш билан шуғулланадиган моддий илм-фан мавжуд бўлгани сингари, руҳий соҳани ўрганадиган ҳам махсус руҳий илмий усул бор. Бу усулдан фойдаланиб, инсон қўпол ва нафис модда чегараларидан ўтиб, рухнинг мавжудлигига бевосита ишонч ҳосил қилади, унинг қандай қилиб бир танадан иккинчи танага ўтиб юришини ҳамда у Олий Рух, яъни, Парвардигор билан ўзаро қандай муносабатда эканини тушуниб олиш имкониятига эга бўлади.

Ҳақиқий илмга эга бўлган маданиятли киши ҳеч қачон ўйламасдан: “Мен танам ўлганидан кейин яшашда давом этадиган руҳим ёки жоним борлигига ишонмайман” – деган гапни айтмаган бўларди. Бунинг ўрнига у ҳамма қабул қиладиган, руҳий илмнинг ҳурматли ва ҳамма тан олган юксак мартабали вакиллари, руҳий илм профессорлари қўллаб-қувватлайдиган усуллардан фойдаланиш имкониятидан хурсанд бўлган бўларди. Ҳақиқатни аниқлашга самимий интиладиган ҳақиқий олим илм-фан манфаати йўлида ана шу усул қўядиган шартларни сўзсиз қабул

қилган ҳолда, ўз устида илмий тажриба ўтказган бўларди. Фақат руҳий илм билимдони раҳбарлиги остида ўз устида олиб борилган тажрибаларни синчковлик билан ўрганиб, ундан кейин бу ҳақда ўз фикрини билдиришга журъат қилган бўларди. Ҳақиқий тадқиқотнинг илмий методологияси кузатиш, тахмин қилиш ва тажриба ўтказиш орқали ўша тахминни тасдиқлаб беришдан иборат, бу усулларнинг ҳаммасидан руҳий илм ўрганишда ҳам фойдаланиш мумкин.

Баъзи олимлар одамларни бунга ишонтиришга қанчалик уринмасин, ҳаёт(тирик жон, рух) кимёвий моддаларнинг ўзаро бирикиши натижасида пайдо бўлган эмас. Аксинча, кимёвий моддаларни ҳаёт(рух) яратади. Тирик эркак ва тирик аёл жинсий алоқа пайтида тирик инсоннинг дунёга келишига сабаб бўлади. Ўлик эркак билан ўлик аёл бировга ҳаёт бағишлай олмайди. Тирик дарахт мева беради, ўлган, қуриган дарахт бунга қодир эмас. Ҳаёт ўлимдан фақат тана ичида тирик жон мавжудлиги билан фарқ қилади, жон "Бҳагавад-гита"да олий қувват деб аталган. Айнан ана шу олий қувват биз кўриб турган ҳамма нарсани намоён этади.

Агар ҳаёт – баъзи бир олимлар ўйлаганидек, шунчаки, кимёвий моддалар бирикмасидан иборат бўлса, нимага олимлар ўлик танага уни тирилтирадиган бирор модда киритиб инсонни мангу барҳаёт қила олмайдилар? Агар олим моддий танани ташкил этадиган барча кимёвий моддаларга эга бўлса, у ана шу моддаларни бириктириб тирик мавжудот ярата оладими?

Бундай саволларга одатда дунёвий олимлар: “Биз ҳаракат қиляпмиз. Биз келажакда бунга эришамиз” – деб жавоб берадилар. Лекин, бундай фанни “фан” деб бўлмайди, бу шунчаки сафсата.

Бундай олимлар мағрурлик билан: “Рух йўқ. Худо йўқ. Ҳамма нарсаси тасодифан пайдо бўлган!” – деб эълон қиладилар. Лекин улардан ўзларининг бундай гапларини асослаб беришни талаб қилсангиз, улар буни фақат келажакда асослай олишини айтадилар: “Биз ҳаракат қиляпмиз. Биз келажакда бунга албатта эришамиз”. Ана шундай имонсиз дунёвий олим сифатида д-р Кавур ҳам газетхонларни алдашга уриниб, аравани қуруқ олиб қочишнинг худди шундай йўлини тутган: “Инсон ўз уруғ-авлодини сифат жиҳатидан яхшилаш учун генетика соҳасида эришган ютуқларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладиган кунлар яқин қолди” – деб ёзади у.

Мен д-р Кавурни очикчасига баҳс майдонига чақираман. Агар гаплари рост бўлса, у ўлик тана ичига етишмайдиган кимёвий моддаларни киритсинда, уни қайтадан тирилтисин. Ёки ўзининг танасига керакли кимёвий моддаларни киритсинда ўзини ўлимдан асраб қолсин, танасини кексайишини тўхтатиб, унга аввалги ёшлигини, навқиронлигини қайтариб берсин.

Агар у ўзига қўйилган мана шу шартни жуда оғир деб ҳисобласа, ўзининг лабораториясида ҳаётнинг бирор энг оддий турини, масалан, пашша ёки чивинни яратсин. Агар у ўз мақоласида ёзганидай “осонлик билан бошини танасидан жуда қилган” қўнғизнинг танасидаги барча кимёвий моддаларни қайтадан бирлаштириб, унга ҳаёт бағишласа, яна ҳам яхши бўларди. Ёки, д-р Кавур шуғулланадиган илм-фан – фақат бир томонга ҳаракат қиладиган кўчага ўхшаб, фақат ҳаётни яқсон қилишга, фақат тирик мавжудотларни ўлдиришгагина қодирми?

Балки фан ҳали бирданига ҳаётни мукамал кўринишда яратишга қодир эмасдир? Агар ундай бўлса, д-р Кавур пластмассадан тухум ясаб, унинг ичига оқ ва

сарик кимёвий моддаларни солиб, ана шу сунъий тухумни бошқа тухумлар билан инкубаторга қўйсин-да, шу йўл билан атиги биттагина жўжа чиқарсинки, у ҳам бошқа жўжалар сингари тухум туғишга, насл қолдиришга қодир бўлсин.

Хатто бу шартимиз ҳам буюк олим д-р Кавур учун жуда оғир бўлиб кўриниши мумкин. Ундай бўлса, д-р Кавур кимёвий реакциялар ёрдамида атиги бир томчи сут ёки биттагина гуруч донасини ярата қолсин. Шундагина биз унинг ўзига хос кўр-кўрона ишонч билан мағрурона айтган баландпарвоз гапларини жиддий қабул қила оламиз.

Албатта, бу шартларни бундай имонсиз дунёвий олимларнинг хатто энг қудратлиси ҳам бажаришга қодир эмаслигини ҳамма билади. Бизларнинг бу қақирғимизга жавобан ўзининг навбатдаги мақоласида д-р Кавур ўқувчилардан ўзининг бутунлай асоссиз, ёлғон гапларини яширишга уриниб, ҳар хил жимжимадор илмий иборалардан фойдаланиши турган гап. Лекин унинг барча чиройли гапларининг мазмуни бир хил бўлади: “Биз келажакда буни албатта амалга оширамиз!” У бу сўзларни қандай чиройли гаплар билан ўраб безамасин, ёлғон гаплар бу билан ҳеч қачон ҳақиқатга айланиб қолмайди.

Хамсадута Свами. Махаканта дас.  
Кришнани англаш Халқаро жамияти.

## Д-р Кавурнинг мақоласи

“Санди Таймс”нинг 21-август сонидаги “Д-р Кавур кузата олмаган нарса” номли мақолада “Харе Кришна” оқимининг аъзолари Махаканта дас ва Хамсадута Свами замонавий фаннинг биология, биохимия, молекуляр биология, нейробиология, евгеника, генлар муҳандислиги, партеногенез ва бошқа соҳалари бўйича ўзларининг даҳшатли равишда илмсиз, ғофил одамлар эканини кўрсатганлар.

Бу мақоладан кўриниб турибдики, улар “ҳаёт” деганда ақлни ва аслида мавжуд бўлмаган рух(жон)ни тушунадилар. Фақат асаб тизими мавжуд бўлган ҳайвонлардагина ақл бўлишидан улар беҳабар кўринадилар. Ҳайвонларнинг ақл даражаси турлича бўлиб, уларнинг ақли асаб тизимига мос равишда ривожланган бўлади, лекин ҳаёт барча организмларда мавжуд. Худого ишонадиган миллионлаб тақводорларнинг ўлгандан кейин ҳаёт давом этишига бўлган ишончига қарамай, минглаб йиллар давомида организмда рух, жон мавжудлигини исботлайдиган бирор биологик далил топилмаган. Дас ва Свами жаноблари айтадиларки, “рухий илм профессорлари”нинг фикрига кўра, танадан танага ўтиб юрадиган жон ҳамда Олий Рух – Худо бор.

Мен бу профессорлар ўзларининг бундай фантастик хом-хаёлларини қандай объектив мисол ва далиллар билан асослаб беришини билмоқчи эдим. Мақола муаллифларининг фикрига кўра ҳаёт моддадан олдин мавжуд бўлган. Улар шундай деб ёздиладар: “Ҳаёт кимёвий моддаларнинг ўзаро бирикиши натижасида пайдо бўлган эмас, аксинча, ҳаёт моддани яратган”.

Ер сайёрасида ҳаётнинг асосий манбаи қуёш ҳисобланади. Қуёш энергияси яшил ўсимликларда тўпланади, кейин фотосинтез деб аталадиган кимёвий реакциялар занжири натижасида қуёш нури кимёвий қувватга айланади. Ўсимликлардан фарқ қиладиган бошқа организмлар ана шу қувватни яшил

ўсимликларни истеъмол қилиш орқали ёки яшил ўсимликлар билан озикланадиган ҳайвонлар гўшти орқали оладилар. Ана шундай овқат организмни ҳаёт қуввати билан таъминлаб турадиган ўзига хос “ёқилғи” ҳисобланади. Нафас олиш жараёнида, аста-секин оксидланиш натижасида овқат таркибидаги қувват бутун организмга тарқалади.

Дас ва Свами жаноблари айтадиларки, “рухий олим”лардан фарқли равишда, дунёвий олимлар сезгилари мукамал бўлмагани сабабли, ҳаёт ҳақидаги ҳақиқий илмни англаб етишга қодир эмаслар. Нима, ўзларини “рухий олимлар” деб юрган ўша сохта билимдонларнинг сезги органлари ҳақиқий олимларнинг сезги органларидан фарқ қиладими? Ёки ана шу “рухий олимлар”нинг оддий сезги органларидан бошқа бирор сезиш қобилиятига эга аъзолари борми?

Шунчаки ўзини ўзи гипноз қилишнинг бир тури бўлган мувоқабат ёрдамида илм ёки бирор маълумот олишнинг иложи йўқ.

Дас ва Госвами жаноблари олимлар “пластмасса тухумдан жўжа чиқаришга қодирмилар?” - деб савол берганлар.

Худо замонавий технологияни билмагани учун ярата олмаган фермий, плутоний ва эйнштейний сингари ўнлаб кимёвий унсурларни айнан ҳозирги олимлар яратганидан наҳотки уларнинг хабари бўлмаса! Бу моддаларни Худо ярата олмаган, чунки у бу моддаларни яратиш технологиясини билмаган. Бу икки жаноб Шри-ланкалик олим Сайрил Поннамперумнинг, хинд олими д-р Бала Гобинда Кораннинг эришган ютуқларидан хабардор эмасми? Ана шу икки олим сунъий равишда Ер сайёрасининг бирламчи муҳитини яратиш, унда тирик протоплазманинг таркибий қисми бўлган аминокислоталарни синтез қилишга эришдилар. Бу жаноблар эркак киши уруғлигини аёл уруғлиги билан бирлаштириб, уни пробиркада ёки сунъий бачадонда, ёки махсус ёлланган бошқа бирор аёл бачадонда ривожлантириш мумкинлигини биладиларми?

Бу сайёрада эволюцион ривожланган ҳайвонлар орасида инсон – фаолиятнинг барча соҳаларида муваффақият билан юксалаётган тирик мавжудот ҳисобланади. Бунга у замонавий илм-фан тараққиёти ёрдамида эришяпти. Қолган бошқа организмларнинг ҳаммаси миллион йиллар аввал ажодлари қандай яшаган бўлсай шундай яшаб келаётган бир пайтда, фақат инсонгина илм ва техникадан фойдаланиб, ҳеч қандай Худонинг ёрдамисиз, қандайдир муқаддас китоблардан фойдаланмасдан, ривожланиш зинапоясининг ғорларда яшаётган ёввойи одам поғонасидан ҳозирги космонавт поғонасига кўтарила олганини наҳотки улар билмайдилар?

Тиббиёт илмининг ҳамда ижтимоий таъминот тизимининг ютуқлари эса, тобора кўпроқ ишга яроқсиз ногирон одамларнинг тирикчилигини сақлаш ва уларнинг ҳам насл қолдириш – жамиятнинг ўзлари сингари ногирон фуқароларини дунёга келтириш имкониятини таъминлаш имконини берапти. Яқин мақсадларни амалга ошириш билан биз узок келажакдаги мақсадларга эришишни хавф остига қўйяпмиз. Келажакда ҳуқумат ногирон одамларнинг “барибир ҳаёт Олий Рухдан пайдо бўлади” деган баҳонада истаганча насл қолдириб, давлатда ногирон фуқароларни кўпайтиришларига йўл қўймайди.

Инсон ўзининг ижодий фикрлай олиш қобилияти туфайли табиат қонунлари билан курашда ана шундай муваффақиятларга эришяпти. Бош мианинг юксак даражада ривожланган ярим шари ҳамда унинг

устигади чукур излар инсонга ижодий фикрлаш имконини беради. Олимлар аниқ фактларга асосланиб фикр юритадилар, чунки улар тажрибалар орқали олинган(эмпирик) илмга таянадилар. Сехргар ва башоратчилар, ўзларини рухий илм билимдонлари деб юрган Дас ва Свами жаноблари эса, фақат ҳис-туйғуларга асосланиб фикр-мулоҳаза юритадилар. Химия, физика, математика, география, тарих, геология, антропология, палеонтология, тиббиёт, мухандислик, астрономия ва бошқа фанлар бўйича ёзилган дарслик китоблар объектив фикрлайдиган олимларнинг меҳнат маҳсуллари. Аксинча, “Минг бир кеча”, “Гулливернинг саргузаштлари” сингари китоблар, “Махобҳорат”, “Рамайна”, “Библия”, “Куръон”, “Пилигрим саргузаштлари”, “Жатака” сингари эртақлар ва шунингдек, астрология, хиромантия, нумерология, теология, демонология ва шунга ўхшаган соҳаларда ёзилган асарлар эса, субъектив фикрлаш маҳсулотларидир. Биринчи қатордаги китоблар аниқ фактларга асосланган, иккинчи қатордаги китоблар эса, – одамлар ўзлари ўйлаб чиқарган хом-хаёллардан иборат.

Инсониятнинг охириги йилларда эришган ажойиб ютуқларидан баъзиларини келтираман: Атом қувватидан фойдаланиш, коинотга учиб, Ойга кўниш, инсоннинг баъзи органларини алмаштириш, сунъий Ер йўлдошлари орқали алоқа ўрнатиш ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммасига фан ютуқлари туфайли эришилди. Ақли шикастланган бемор кишилар ўзларининг хаёлида пайдо бўлаётган хом-хаёлларини одамлар орасида тарқатиб юришдан уялмайдилар ва кўпинча ўзларини ҳар хил кўринишдаги турли диний оқимларнинг тарғиботчилари деб биладилар.

Д-р Абрахам Кавур.  
“Санди Таймс”, 4-сентябрь, 1977 йил.

### Чақирик ўз кучида қолади (Хамсадута Свами)

Энг аввало шуни таъкидлаш лозимки, д-р Кавур худди мен аввалги мақоламда башорат қилганимдай йўл туган – у асосий саволга жавоб беришдан қочиб, ўқувчиларни жимжимадор терминлар билан чалғитиб, аравани қуруқ олиб қочишга уринган. Асосий савол: агар олимлар айтаётганидай ҳаёт тасодифан рўй берадиган биохимик реакциялар натижасида пайдо бўлган бўлса, қўл остида етарлича кимёвий моддалар бўлган ҳолда д-р Кавур уларга ҳаёт бағишлай оладими?

Ана шу саволга жавоб бериш ўрнига уddaбурро олим топқирлик билан: “Олимлар фермий, плутоний сингари ўндан ортик кимёвий унсурларни яратдилар” – деб жавоб берган.

Лекин бу моддалар тирик мавжудот эмас-ку? Д-р Кавур айтадики, д-р Сайрил ва д-р Бал Гобинда тирик протоплазманинг таркибий қисмини ташкил этадиган моддаларни синтез қилишга эришганлар. Агар шу гап рост бўлса, нимага д-р Кавур менинг чақиригимга жавобан ана шу моддалардан бирор тирик организмни яратиш қўя қолмайди? Барибир менинг чақиригим ўз кучида қолади!

Чақалоқни пробиркада ўстиришга келсак, буни фақат тирик эркак ҳамда тирик аёлнинг спермалари бор бўлгандагина амалга ошириш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, олимлар чақалоқни пробиркада ўстириш имконини берадиган спермани, ҳаёт уруғини яратишга қодир эмаслар. Шундай экан, ҳатто чақалоқни пробиркада ўстира олган тақдирда ҳам, улар нима

янгилик яратган бўладилар? Худо ҳар куни миллионлаб чақалоқларни табиий пробиркада – она қорнида ўстиряпти-ку! Аксинча, олимлар ҳар куни минглаб чақалоқларни оналар қорнида ўлдирадилар-у, лекин содда одамларнинг кўзини шамғалат қилиб буни, аборт, “илм-фан тараққиёти” деб атайдилар.

Д-р Кавурнинг “олимлар фикр юритишда эмпирик илмга таянадилар, шунинг учун уларнинг фикри объектив” деган гапи руҳ инсоннинг сезги органларининг сезиш чегарасидан ташқарида эканини яна бир бор исботлайди. Шу боис уни ўрганиш учун бутунлай бошқа усулдан фойдаланиш лозим. “Эмпирик” ибораси “қузатиш ва тажриба ўтказишга асосланган” деган маънони англатади. Кузатиш ва тажрибалар номукамал сезги органлари иштирокида олиб борилади, шунинг учун ана шу тажрибалар асосида қилинган хулосалар ҳам чекланган ва номукамал ҳисобланади. Шундай қилиб, амалда д-р Кавур ўзининг сезги органлари ёрдамида руҳни ҳам, Худони ҳам бевосита кузатишга қодир эмас. Шундай экан, нимага у бунчалик ўжарлик қиляпти? Буни тушуниб олиш учун инсон шунчаки озгина соғлом фикрлай олиш қобилиятига эга бўлиши лозим, холос.

Д-р Кавур: “Инсон ижодий фикрлаш қобилияти туфайли табиат қонунлари билан курашда шундай муваффақиятга эришган” – дейди. Фақат калтафаҳм аҳмоқ киши бундай бемаъни гапни айтиши мумкин. Табиат қонунлари ҳар кимни туғилиш, кексайиш, касаллик ва ўлиш орқали ўтишга мажбур қилади. Бешафқат ажал тимсолида табиат бу дунё сахнасидан ҳатто энг қудратли соҳибқиронларни ҳам олиб кетади. Ёки д-р Кавур инсоният тарихида ўлмай қоладиган биринчи инсон бўлармикан? Тирик бўлсак кўрамир!

Д-р Кавур хулоса қилиб инсоният эришган ютуқларни санаб ўтади: атом энергияси, космосга учиб, Ойга кўниш ва ҳоказо. Ҳаммага маълумки, атом энергиясини олиш билан олимлар биринчи навбатда атом бомбасини яратиш, уни ўйлаб ҳам ўтирмасдан Японияга ташлаб, бир лаҳзада минглаб бегуноҳ одамларни ер билан яксон қилдилар. Гап йўқ, бу жуда ажойиб ютуқ!

Миллиард-миллиард доллар эвазига узоқ йиллардан бери қаттиқ изланишлар олиб борган олимлар “Ойга кўндик” деб даъво қиляптилар. Маълумки уларнинг бунда эришган нарсалари – бир неча хира фотосуратлар, бир ҳовуч тупроқ ҳамда “Ойда ҳеч нарса ўсмас экан” деган хулоса бўлди. Энди эса, улар Марсга учиб учун халқдан яна ҳам кўпроқ пул талаб қиляптилар. Бунинг нимаси ажойиб ютуқ экан, билмадим. Бу шунчаки болаларча нодонликдан бошқа нарса эмас. Ўзимизнинг Ер сайёрасида миллионлаб одамлар бошпанасиз, очарчиликдан қийналиб яшаяптилар. Агар олимлар одамларнинг оғир меҳнат билан ишлаб топган миллионлаб пулларини сарфлаб, Ойдан бир ҳовуч тош олиб келиш ўрнига Ер юзидаги одамларнинг оғирини енгил қилиш йўлида сарфласалар кўпроқ хурматга сазовор бўлган бўлардилар. Қаердан олиб келсангиз ҳам - Хитойданми, Ойданми, Марсданми - тош барибир тош бўлиб қолаверади. Балки, д-р Кавур сингари олимлар илм-фан тараққиёти ёрдамида тошни нонга ёки пишлоққа айлантириш йўлларини билишар?

Энди асосий масала - д-р Кавур бизга шундай савол қўяди: бизлар қайси бир объектив фактларга асосланиб ҳаёт ҳам, модда ҳам ҳаётдан пайдо бўлади, бир танадан иккинчи танага ўтиб юрадиган руҳ ҳам Олий Руҳ, яъни, Худо бор деган фантастик ғояни ўйлаб топганми? “Тенг тенги билан” деганларидай, мен д-р Кавурдан Калифорниядаги Бхактиведанта Институтининг д-р

унвонига эга бўлган уч тадқиқотчиси тўплаган маълумотлар\* билан танишишни илтимос қиламан. Улар тақдим этган исбот ва далиллар билан танишиб чиқиб, соғлом фикрлаш қобилиятига эга бўлган ҳақиқий олим ҳаёт ҳеч қачон моддадан пайдо бўлмаслигига, ҳаёт фақат ҳаётдан пайдо бўлишига албатта ишонч ҳосил қилади.

\*-----

Бхактиведанта Институтининг монографиялари: 1. “Модда нима-ю, ҳаёт нима?” 2. “Ҳаёт моддадан пайдо бўлиши мумкин эмаслигини исботлашда информатика назариясини қўллаш”. 3. “Онғ ва табиат қонунлари”.

Хамсадута Свами.  
ИСККОН. Шри-Ланка.

“Санди Таймс” газетаси мана шу икки мақолани чоп этгандан кейин Харе Кришна ҳаракати аъзолари д-р Кавурни очиқчасига баҳс-мунозара олиб боришга таклиф қилдилар ва ундан ҳаёт тасодифан химик реакциялар натижасида пайдо бўлишини исботлаб беришни талаб қилди. Агар д-р Кавур ҳаётнинг оддий кўз билан кўриш мумкин бўлган ҳар қандай турини – сичқонми, мушукми, пашшами ёки бошқа бирор тирик мавжудот ярата олса, Кришнани англаш Халқаро жамияти унга беш юз минг рупий (олтмиш минг доллар) мукофот беришни ваъда қилди.

Шундан кейин “Санди Таймс” куйидаги мақолани чоп этди:

*“Охирги ўн йиллар давомида ҳар хил диндаги тақводор инсонлардан Худо, руҳ ва бир танадан иккинчи танага ўтиб юриш - ҳақиқат эканини исбатлаб беришни талаб қилиб, ҳаммани баҳс майдонига чақириб юрган Шри-Ланкалик рационалист олимлар етакчиси д-р Абрахам Кавур ҳозир жуда қийин аҳволга тушиб қолган.*

*Кришнани англаш Халқаро жамияти д-р Кавурни баҳс майдонига чақирдилар ва ундан “ҳаёт моддадан пайдо бўлади” деган гапини амалда исботлаб беришни талаб қиляптилар. “Биз, Харе Кришна ҳаракати аъзолари д-р Кавурни очиқ баҳс майдонига чақирамиз ва ундан истаганча химиявий моддаларни аралаштириб ҳаётнинг бирор турини – пашшами, сичқонми яратиб беришни талаб қиламиз. Агар ўзининг гапларини амалда исботлаб беролмаса, у бундан кейин умуман озгини очмасдан бутунлай овозини ўчириши лозим” – дейди Харе Кришна ҳаракати аъзолари.*

*Улар д-р Кавурни Рамакришна миссияси залида 20 сентябр кuni соат етти яримда кутадилар. Кириш бепул”.*

Газеталар бу можарони муҳокама қилиш билан банд экан, Хамсадута Свами ва д-р Кавур илм қиличларини яланғочлаб, хатлар орқали яна ўзаро интеллектуал курашга киришиб кетдилар. Биз куйида ана шу ёзишмалардан баъзиларини келтираамиз.

Хамсадута Свамининг д-р Кавурга ёзган хати  
6-сентябрь. 1977 йил. Шри-Ланка.

Хурматли д-р Кавур!

Анча фикр-мулоҳаза юришиб, мен Худонинг ва руҳнинг ҳақиқатан ҳам мавжудлиги ҳамда руҳнинг бир танадан иккинчи танага албатта ўтиб юриши ҳақида сизга яна бир икки оғиз гап айтишга қарор қилдим. Бу фикрларим сизни албатта қизиқтиради деган умиддаман.

Олимларнинг ақлини қамраб олган энг оғир касаллик – уларнинг то илмий тажрибалар ёрдамида исботланмагунча бирор нарса ёки ҳодисанинг аниқ мавжудлигига ишонмаслигидадир. Агар қайсидир олим бирор ғояни ўртага ташласа ва буни илмий тажрибалар билан тасдиқлаб берса, унинг ҳақлигига ҳеч кимда шубҳа қолмайди. Шундай олимларга бизлар руҳ ҳақида гапирсак, одатда улар дарров шундай савол берадилар: “Руҳнинг мавжудлигини қандай аниқлаш мумкин?” Улар ҳамиша қандайдир асбоблар ёрдамида ишлаб ўрганиб қолгани сабабли уларни фақат бир нарса қизиқтиради: “Руҳни илмий тажрибалар ёрдамида аниқлаш мумкинми?” Лекин, олимлар шуни тан олишлари лозимки, хатто уларнинг илмий соҳаларида ҳам жуда кўп нарсаларни илмий тажрибалар орқали исботлашнинг иложи йўқ. Руҳ бор – бу аниқ факт, лекин буни тушуниш учун биз ишончли манбадан – Парвардигорнинг Ўзидан ёки Унинг вакилидан илм олишимиз лозим. Парвардигордан бошланадиган шогирдлар силсиласида турган ҳақиқий руҳий устоз Худонинг ана шундай ишончли вакили ҳисобланади.

Олимлар даврасида ҳаммага маълумки, математиклар минус бирнинг квадрат илдизи бўлган сон, сохта бирлик –  $i$  сони билан иш олиб борадилар. Бу сон натурал сонлар қаторида мавжуд эмас. Лекин математиканинг “Аналитик функциялар назарияси” сингари муҳим соҳаси айнан ана шу “мавжудлиги исботланмаган” сонга асосланган. Ана шу соҳа назарияларисиз математика фани жуда кўп муаммоларни ҳал қилишга қодир эмас. Шундай қилиб, ҳеч ким бу соннинг мавжудлигини инкор эта олмайди, лекин буни тажриба йўли билан аниқлашнинг иложи йўқ. Бунга бошқа мисоллар ҳам келтириш мумкин. Буларнинг ҳаммаси илмий тажрибалар доирасидан ташқарида ётади. Нимага олимлар ана шундай исботсиз, ҳаёлан олинган нарсаларни қабул қила оладилар-у, ягона илм манбаи бўлган Парвардигордан чиқадиган мукамал илмни ҳеч қабул қила олмайдилар?

Илмий тажриба йўли билан текширишнинг иложи бўлмаган яна бир илмий назария – “Тейзенбергнинг ноаниклик қоидаси” ҳисобланади. Бу қоидага асосан, бирор объектнинг ҳолатини ва ҳаракатлар сонини бир вақтнинг ўзида аниқлаб бўлмайди. Математика тилида бу қоида шундай ифодланади: объектнинг ҳолатини ва унинг моменти(унинг массаси ва тезлиги кўпайтмаси)ни аниқлашдаги хатоликлар Планк доимийсидан кичик бўлиши мумкин эмас. Бу қоидани бирор тажриба ёрдамида исботлашнинг иложи йўқ. Лекин бугун дунё олимлари буни яхши билсалар ҳам, онгли равишда уни аниқ факт сифатида қабул қиладилар. Худди шундай Термодинамиканинг учинчи қонунини ҳам илмий тажрибалар ёрдамида исботлаб бўлмайди. Планкнинг ифодаси бўйича бу қонун шундай: идеал кристалнинг энтропияси абсолют нольда нольга тенг бўлади. Аслида энтропияни тажриба йўли билан ўлчашнинг иложи йўқ. Демак, бу қонунни исботлаш илмий тажриба имконияти чегарасидан ташқарида.

Яна шуни айтиш лозимки, илмий назариялар ҳамиша ўзгариб туради. Масалан, ўн тўққизинчи аср бошида(1808й)Джон Дальтон, атомлар бўлинмас зарралар эканини аниқлаган эди. Лекин шу аср охирига, йигирманчи аср бошига келиб, Дальтоннинг атом назарияси инкор этилди. Кузатишлар шуни кўрсатдики, атомлар электрон, протон ва нейтронлардан таркиб топар экан. Яна аниқландики, баъзи атомлар ўзидан альфа ва бета-заррачаларини чиқариб, янги атомларга айланар экан ва ҳоказо. Аслида атом бомбалари – мана

шу ихтиролар натижасидир. Яна бир мисол: ўн саккиз-ўн тўққизинчи асрлар давомида “Ньютон механикаси”нинг қонуни олимилар онгига жуда катта таъсир қилиб келган, чунки уларни макроскопик объектларда қўллаш мумкин эди. Лекин, йигирманчи асрда элементар зарралар кашф этилиши билан Ньютон механикаси қонуниларидан ана шу зарраларнинг ҳаракатини таърифлашда фойдаланиб бўлмаслиги аён бўлди. Шунда бу ҳодисаларни тушунтириш учун “Квант механикаси” ишлаб чиқилди. Бу назариялар тахминларга тўла бўлиб, ҳамиша ўзгариб туради. Келажакдаги илмий назариялар ҳам шундай бўлишини, яъни, ҳамиша ўзгариб туришини англаб етиш қийин эмас.

Мана шу мисоллар ҳурматли олимиларнинг ақли мукамал эмаслигини яна бир бор исботлаб турибди, натижада уларнинг ихтиро қилган назариялари ҳам мукамал эмас. Аслида мукамал илм ўзгармайди, лекин мукамал илми ўрганиш учун мукамал манбага мурожаат қилиш лозим. Ана шу манба Парвардигор Шри Кришна ва Ведалар адабиёти ҳисобланади. Албатта, ҳамма нарсани илмий асбоблар ҳамда мантик, тафаккур, дедукция, гипотеза ва теориялар асосида текширишга ўрганиб қолган сиздай илмий тафаккур соҳиб бўлган киши учун бундай гаплар ҳақиқатга ўхшамаслиги мумкин, лекин барибир, бу – аниқ факт. Ҳар қандай соғлом фикрлаш қобилятига эга бўлган киши ўзини англаб етган руҳнинг раҳбарлиги остида Ведаларда берилган қоидаларга амал қилиб, ўз устида тажриба олиб бориш ёрдамида бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилиши мумкин.

Бу жараён ҳақиқатан ҳам жуда қулай. Руҳий устоз руҳий ҳаёт кечириш қоидаларини белгилаб беради, шогирд шу қоидаларга риоя қилиб, руҳий ҳаёт кечири бошлайди. Агар шогирд шахсан ўз тажрибасида руҳий устознинг айтган гаплари исботланганига - руҳнинг, Худонинг борлигига ишонч ҳосил қилса, у руҳий устознинг гаплари ростлигини, руҳий устози ҳақ эканини тан олади. **Агар руҳий устоз ҳақиқий бўлса, шогирднинг руҳий ҳаёт тажрибасининг натижалари албатта ижобий бўлади.** Бу худди ҳалол олим ўзи эришган натижаларини эълон қилиш билан бирга, албатта унга эришишда қўллаган тажриба усулини очик тушунтириб берганига ўхшайди. Унинг гаплари ростлигини текширишни истаган киши ҳам шу тажрибаларни ўзи ўтказиб кўриши мумкин. Бир неча тадқиқотчи ўз тажрибаларида бир хил натижага эришсалар, уларнинг натижаси илмий факт сифатида қабул қилинади.

Хулоса қилиб айтмоқчи эдимки, агар инсон ҳаёт ҳаётдан эмас, балки моддадан пайдо бўлишига ишонса, уни одоб-ахлоқ масалалари умуман қизиқтирмайди. Агар ҳаёт шунчаки тасодифий химиявий реакциялар бирикмасидан иборат бўлса, на олий онг, на яратувчи Зот, на олий ҳукмдор мавжуд бўлмаса, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилиб юришнинг нима кераги бор? Бу фалсафа янгилик эмас. Қадимги Римда яшаган Эпикур ҳам “бутун борлик – атомлар ҳамда бўшлиқлар бирикмаси, холос”, деган эди. Ҳозирги кунда “яшашдан мақсад – фақат еб-ичиб лаззатланиб қолиш” деб ҳисоблайдиган имонсиз кишиларни “Эпикурнинг издошлари” деб атайдилар. Ўзидан ўзи шундай хулоса келиб чиқади: ҳаёт манбаи – тасодифий химик реакциялардан келиб чиқилиши тасдиқлайдиган фалсафа албатта чексиз ҳиссий лаззатларга берилиб яшашни тарғибот қилади, буни эса, ҳеч қандай илмий хулоса деб бўлмайди. Бундай фалсафанинг инсонлар жамияти учун қанчалик хатарли эканини, одамларнинг

қанчалик тубанликка юз тутишига сабабчи бўлишини ҳозирги кунда кенг тарқалган абортлардан ҳам билса бўлади. Олимилар одамларни она қорнидаги эмбрион ҳали тирик мавжудот эмас, балки шунчаки бир парча жонсиз химиявий модда эканига қаттиқ ишонтира олгани туфайли бефаросат оналар ўзларининг ҳали туғилиб улгурмаган норасида болаларини, тирик норасидаларини оммавий равишда шафқатсиз равишда тимдалаб ўлдириптилар.

Мен сиз бу ҳақда қандай фикрда эканингизни билмоқчийдим, агар сизда қандайдир эътироз бўлса, мен бу мавзудаги суҳбатни давом эттиришга тайёрман.

Хатим сизга етиб борганда албатта соғ-саломат бўласиз деган умиддаман.

Ҳурмат билан Хамсадута Свами.

## Д-р Кавурнинг Хамсадута Свамига ёзган жавоб хати

Ҳурматли жаноб Хамсадута Свами!

Сизнинг хатингиздан маълум бўладики, ўз фалсафамда мен фақат ҳозирги фанда мавжуд бўлган аниқ фактларга асосланман, сизнинг ишончингиз эса, Ведалар деб аталадиган қандайдир шубҳали муқаддас китобларга асосланган, шу боис бизларнинг бир биримизни нимагадир ишонтиришга уринишимиз ҳеч қандай натижа бермайди.

Агар сиз барибир мендан одамлар олдида амалий тажрибада намойиш этиш билан “ҳаёт маълум шароитларда биохимиявий реакциялар натижасида моддадан келиб чиқади” деган фикримни асослаб беришимни талаб қилишда давом этадиган бўлсангиз, сиздан “бутун борликни Худо яратиб қўйганини, ҳаёт ҳаётдан пайдо бўлиши бир лаҳза ҳам тўхтамаслиги”ни одамлар олдида намойиш этишингизни талаб қилишга менинг ҳам ҳаққим бор. Токи сиз ўзингизнинг Худоингиз билан бирга шуни намойиш этмас экансиз, мендан ҳам буни талаб қилишга ҳаққингиз йўқ.

Менинг ҳаёт ҳақидаги фикрларимга келсак, “қоинот – шунчаки моддий унсурлар ҳамда қувватнинг замон ва макондаги бирикмасидан иборат эканига ишончим комил. Уни яратган Зот ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, чунки модда, қувват, макон ва замоннинг боши ҳам, охири ҳам йўқ. Ердаги йўқолиб кетган ва ҳозир мавжуд бўлган тирик организмларнинг хилма-хил турлари эса, Ер юзида маълум шароитда пайдо бўлган оқсил макромолекулаларининг миллион йиллардан бери давом этиб келаётган биологик эволюцияси натижасидир.

Сиз менга Худони ким яратганини, қоинот яралишидан олдин У қаерда бўлганини тушунтириб бера оласизми?

Ҳақиқатни излаш йўлида қулингиз  
Д-р Абрахам Кавур

## Хамсадута Свамининг д-р Кавурга ёзган хати

15 сентябрь, 1977 й. Шри-Ланка

Ҳурматли д-р Кавур!

Мен сизнинг 1977 йил 15 сентябрида ёзган хатингизни диққат билан ўқиб чиқдим.

Сиз унда бир-биримизнинг дунёқарашимизни ўзгартиришга уринишдан фойда йўқ, деб айтибсиз. Агар ҳақиқатан ҳам шундай деб ўйласангиз, сизнинг илм-фанингизнинг, рационализмнинг ва ҳақиқатни излашингизнинг кимга кераги бор? Сиз хат охирида “ҳақиқатни излаш йўлида” деб ёзгансиз, демак, сиз ҳали ҳақиқатни топмагансиз... Сизнинг хатоингиз ҳам мана шунда: ҳали ҳақиқатни топмай туриб, ўзингизни худди ҳақиқатни биладигандай, ҳақиқат сизга маълумдай тутасиз ва гапирасиз.

"Веданта-сутра"нинг биринчи афоризмида шундай дейилган: **“Инсон танасини олган тирик мавжудот Мутлақ Ҳақиқат, Худо ҳақида савол бериши лозим”**. Сиз Худо аслида ким эканини билмайсиз, лекин шунга карамай: “Яратган Зот ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас... Ердаги йўқолиб кетган ва ҳозир мавжуд бўлган тирик организмларнинг хилма-хил турлари эса, Ер юзиде маълум шароитда пайдо бўлган оксил макромолекулаларининг миллион йиллардан бери давом этиб келаётган биологик эволюцияси натижасидир” - деб ёзгансиз. Қисқаси, сиз “ҳаёт – тасодифий биохимик реакциялар натижасидир” – демоқчисиз. Агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса ва агар сиз ҳақиқатан ҳам буни амалда намойиш этиб ўзингизнинг “буюк рационалиси, олим ва ҳақиқат изловчи” деган мартабагизни ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, нимага мен таклиф қилгандай, бир неча химиявий моддани аралаштириб, уларга жон киритишни ҳалигача уддалай олмайсиз?

Сиз “менинг фалсафам илм-фанда мавжуд бўлган аниқ илмий фактларга асосланган” деб айтасиз. Айтингчи, қайси бир илмий фактлар ҳаётнинг моддадан келиб чиқишини исботлай олади? Сиз ҳам ана шу моддаларни аралаштиринг ва буни амалда исботланг! “Менинг ҳаёт ҳақидаги фикрларимга келсак, коинот – шунчаки моддий унсурлар ҳамда қувватнинг замон ва макондаги бирикмасидан иборат эканига ишончим комил” деб ёзгансиз. Ана шу моддалар ва қувват қаердан пайдо бўлган? Ҳеч қандай исбот келтирмасдан сиз “яратган Зот ҳақида савол бўлиши мумкин эмас, чунки модда, қувват, замон ва маконнинг боши ҳам, охири ҳам йўқ” дейсиз. Лекин ўзингиз менга савол берасиз: “Сизнинг Худонгизни ким яратган, коинот яралганда У қаерда эди?” Сизнинг гапларингизда ҳеч қандай мантиқ, маъно, соғлом фикр йўқ. Ўзингиз модда, қувват, замон ва маконнинг боши ва охири йўқ, дейсиз-у мендан “Худони ким яратган?” деб сўрайсиз. Бу очикдан очик зиддият-ку! Бундан кўриниб турибдики, сиз Ҳақиқатни излаш йўлида ҳали жуда узоқ йўл юришингиз керак бўлади.

Ҳақиқатни излаш йўлидаги барча уринишларнинг натижаси “илмлар чўққиси - Ведавий донишмандлик илми” эканини тушуниб етиш бўлиши керак. Веданта ибораси “илмлар гултожи” дегани билдиради.

Ўзингизнинг фантастик гапларингизни исботлаб бериш ўрнига, сиз бизларга шарт қўйиш ҳамда Худодан ҳаёт яратишни талаб қилиш билан муҳокама қилинаётган асосий мавзудан четга чиқиб, аравани курук олиб қочишга уринаясиз. Бу ишингиз, худди, ўз даромадининг манбаи кўрсатиши талаб қилинаётган гадо, қозининг олдида туриб, ўжарлик билан аввал ҳукумат ўзининг даромад манбаини кўрсатишини талаб қилаётгани сингари кулгили. Бундай талабларни бирор соғлом фикрли киши жиддий қабул қилмайди.

Ҳамма давлатларда – Римда, Англияда, Америкада ва Халқаро ҳуқуқ нормаларида жавобгар томон эмас, балки биринчи бўлиб даъвогар томон ўзининг гапларини исботлаши лозим. Сиз Ведаларни айблаб,

ундаги гаплар шубҳали, улар - шунчаки ўйлаб топилган гаплар, Худога ва Ведаларга ишонадиган кишилар эса, – ақлдан озган, калтафаҳм, ёлғончи, догматик ва фанат одамлар деб айтаясиз. Сиз мана шу гапларингизнинг ҳаммасини исботлаб беришингиз керак. Ҳеч қандай исбот, далил кўрсатмасдан сиз асоссиз равишда: “Оламни яратган Худо ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас, ... ҳамма нарса тасодифий биохимик реакция натижасида пайдо бўлган” – деб айтаясиз. Сизнингча мен сизнинг гапларингизга кўр-кўрона ишонишим, уларни қабул қилишим керакми? Йўқ! Сиз гапларингизни исботлаб беришингиз лозим. Химиявий моддаларни аралаштиринг ва ҳаёт яратинг. Мана шу илмий исбот бўлади. Бирор олим кимёвий моддалардан ҳатто арзимас пашшани ҳам ярата олган эмас. Шундай қилиб, сизнингча бизлар ақли шикастланган, аҳмоқ, калтафаҳм фанатлар эканмиз-да?

Олимлар “Ведаларни онгсиз аборигенлар ёзган” деб камситишни ёқтирадилар. Лекин, ҳозирги олимлар ҳали шунчаки грамматикасини ўрганиш учун камида ўн икки йил бош қотириши лозим бўлган ҳар томонлама мураккаб ва мукамал санскрит тилида шундай мукамал асар ёзадиган аборигенлар қандай инсонлар экан ўзи? Минглаб йиллар муқаддам секунднинг мингдан бир қисмига тенг бўлагидан бошлаб, то коинотнинг мавжудлик даврига тенг бўлган вақт бирликларини яратган аборигенлар қандай одамлар ўзи? Замоनावий олимлар яқиндагина кашф этган барча сайёраларни минглаб йиллар аввал аниқ таърифлаб берган бу аборигенлар қандай халқ экан ўзи? Минглаб йиллар аввал инсоннинг она қорнига тушиш ва ривожланиш жараёнларини икир-чикиригача ҳозирги олимлар тўлиқ тасдиқлайдиган даражада аниқ таърифлаб берган бу қандай аборигенлар экан? Ана шу онгсиз аборигенлар қандай қилиб 8.400.000 турли ҳаёт шаклини тартиб билан турларга бўлиб, бирма-бир санаб бера олганлар? Сизлар “онгсиз аборигенлар яратган” деб ҳисоблайдиган ана шу шубҳали Ведаларда қандай қилиб тартиб билан фаннинг мусиқа, тиббиёт, санъат, сиёсат, архитектура, ҳарбий санъат ва психология соҳалари бўйича аниқ маълумотлар келтирилган? Онгсиз аборигенлар атом ва атом энергиясини мукамал таърифлаб бериш учун қандай қилиб ана шундай мураккаб тилда ёзишни ва ўқишни билганлар? Қандай қилиб улар сайёраларнинг ҳаракат қилиш орбиталарини, уларнинг ўлчамларини, кун тугилиш вақтларини, коинотнинг ўлчамларини аниқлаганлар, қандай қилиб улар Худо ва руҳнинг табиатини аниқ таърифлаб бера олганлар?

Агар Кришна шунчаки қоқоқ бир қабиланнинг ўйлаб топган Худоси бўлса, нима сабабдан Оппенгеймердай таниқли олим Уни тан олиб, У нозил қилган "Бҳагавад-гита"ни диққат билан ўрганган? Агар Ведалар ҳақиқатан ҳам қоқоқ аборигенларнинг шубҳали, аҳамиятсиз калтафаҳм ғояларидан иборат асарлари бўлса, нимага Эйнштейн, Шопенгауер, Кант, Гегель, Эмерсон, Торо, Швейцер, Авиценна, Беруни ва бошқалар сингари, мартабаси сизникидан кўра бир неча марта улўғ бўлган буюк мутафаккирлар Ведаларни, айниқса "Бҳагавад-гита"ни хурмат билан чуқур ўрганиб ижобий баҳо берганлар?

Сиз ўзи кимни тан оласиз? Сиз ўзингизни Худодан ҳам устун қўясизми? Наҳотки сиз ана шу ҳамма тан олган ва хурмат қиладиган буюк мутафаккирлар бўлган бутун инсоният маънавияти устунларини ўзларининг кадрли вақтини қоқоқ аборигенларнинг шубҳали асарларини ўрганишга сарфлаб юрган калтафаҳм одамлар деб ўйласангиз? Балки, барибир Ведалар –

олам яралиши арафасида Парвардигорнинг Ўзи яратган ва шогирдлар силсиласи орқали авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳақиқий илм манбаидир? Балки фақат сиз бундан умуман беҳабардирсиз?

Сиз олим сифатида, ўзингизнинг шунчалик адашиб юришингизга сабаб бўлаётган қайсарлигингизни четга қўя туриб, Ведаларни жиддий ўрганиш ва уларни муносиб кадрлаш учун вақт топишингиз керак эди.

Одамлар Худонинг бор ёки йўқлиги ҳақида канчалик фикр билдирмасинлар, барибир асосий мавзу Худо бўлиб қолаверади. Сиз: “Фан соҳасида мавжуд кондага кўра, аслида йўқ бўлган нарсанинг йўқлигини исботлаш талаб қилинмайди” – деб ёзгансиз. Лекин кўриб турибмизки, сиздай олим бор кучини ишга солиб, Худонинг йўқлигини исботлашга уриняпти. Агар Худо ҳақиқатан ҳам йўқ бўлса, буни исботлашга шунча куч ва вақтингизни сарфлаб юришнинг нима кераги бор? Мантик бўйича аслида йўқ нарсани англаб етишнинг иложи йўқ. Агар мавжуд бўлмаган нарсани англаб етишнинг иложи бўлмаса, уни қабул қилиш ёки инкор этиш билан муҳокама қилиб ўтиришнинг қандай маъноси бор?

Кўпчилик олимлар ақлдан озиш касалининг алоҳида турига чалинганлар. Бу шундай касалликки, улар ўзларининг фикрича умуман мавжуд бўлмаган Худо ҳақидаги фикрлардан сира кутула олмайдилар. Уларнинг олиб бораётган барча илмий изланишларидан асосий мақсади – оламнинг яралиши ва ҳаётнинг пайдо бўлишининг бошқа бирор сабабини топиб, ўзининг Худонинг ҳукмига қарши чиқиб юришини оқлашга уринишдан иборат. Бу калтафаҳм олимлар ҳаёт ўлик моддадан пайдо бўлишига ишонишга қанчалик уринмасинлар, ҳеч ким ҳеч қачон жонсиз моддадан ҳаёт пайдо бўлганини кўрган эмас. Демак, ана шундай бемаъни қуруқ гапларга асосланган илм-фан фақат ярамас ва калтафаҳм нодонлар учунгина илм бўлиб қолаверади.

Менинг сизга қўйган талабим барибир ўз кучида қолаверади. Сиз ёки “ҳаёт кимёвий моддаларнинг бирикмаси” деб ҳисоблайдиган ҳар қандай бошқа бир олим кимёвий моддаларни бирлаштириб ҳаёт яратиб берсин. Нимага сиз бундай қила олмайсиз? Нимага сиз ҳаёт ярата олмайсиз? Ахир бунинг учун сизда ҳамма нарса – қуёш нури, ер, сув, олов ва бошқа, Худо ҳаёт яратишда қўлланадиган, нарсаларнинг ҳаммаси етарлику? Агар сиз Худодан устун бўлсангиз, нимага сиз бирор тирик жонзот ярата олмаяпсиз? Агар шунча имкониятингиз бўла туриб ҳаёт ярата олмасангиз, қуруқ сафсата гапларингизнинг кимга кераги бор? Сиз кексаликни, касалликни ва ўлимни ҳам бартараф этишга қодир эмассиз. Сизнинг барча гапларингиз шунчаки қуруқ сафсата. Сиз ҳеч нарсага қодир эмассиз, лекин шунга қарамай, “ҳаёт кимёвий моддалардан пайдо бўлган” деб такрорлашда давом этаверасиз. Сиз шунчаки, ўзини олим деб юрган сафсатабозсиз, мен эса, – амалиётчи олимман. Истаган моддангизни олинг ва ўзингизни кексайишдан, касалланишдан ва ўлимдан халос қилинг. Мен сиздан тухум яратишни илтимос қилгандим. Қани яратган тухумингиз? Ҳатто товук ҳам сиздан кўра ақллироқ, чунки у тухум яратиб, бир ойдан кейин ундан жўжа чиқара олади. Сиз ҳатто товук билан ҳам баҳслаша олмайсиз. Товук ҳаёт ярата олади, сиз эса, қуруқ гап сотишдан бошқа ҳеч нарсага қодир эмассиз.

Кришнага хизмат қилишда дўстингиз  
Хамсадута Свами.

Омма олдида юзма-юз учрашишга ва шу ерда амалда моддадан ҳаёт пайдо бўлишини кўрсатиб беришга таклиф этилган д-р Кавур, “то Худонинг Ўзи келиб, омма олдида ҳаётни қандай яратганини кўрсатиб бермагунча бу ишни қилишим шарт эмас” деган баҳона билан бу таклифни рад этди. “Санди Таймс” газетаси бу ҳақда “Шарманда бўлган олим Кавур маъсулиятдан қочяпти” деган салавҳа билан мақола чоп этди. Шундан кейин Хамсадута Свами д-р Кавурга охириги марта мактуб йўллади.

Хамсадута Свамининг д-р Кавурга ёзган хати  
21 сентябрь, 1977 йил. Шри-Ланка.

Ҳурматли Кавур жаноблари!

Сиз ўзингизни Худодан устун қўймоқчи эдингиз, лекин газета ҳақли равишда таъкидлаганидек, **Худонинг содиқлари сизга ўз ўрнингизни кўрсатиб қўйдилар.** Ишончим комилки, энди газетхонлар ҳаёт кимёвий моддалардан пайдо бўлади, деган таълимот қандай эканини жуда яхши билиб олдилар.

Балки, буни билиш сиз учун қизиқарли бўлса керак: сиз – бутун жаҳонда Худонинг содиқлари расмий равишда очиқ, юзма-юз баҳсга чақирган **биринчи имонсиз олимсиз** ва сиз – оммавий равишда газета орқали расмий равишда сири фош қилинган **биринчи сохта олимсиз.** Сиз билан бўлиб ўтган бу воқеадан кейин тарих ғилдираги тескари айлана бошлайди, чунки кўпчилик руҳий жамоаларда руҳий фаоллик аллақачон жуда сусайиб кетган, ҳозирги кунда ҳеч ким Худонинг борлигини сизга ўхшаган сафсатабоз олимлардан муносиб равишда ҳимоя қилишга журъат қилолмагани. Лекин Кришнани англаш Халқаро Жамияти юга-дхармани, **ҳозирги даврнинг илмий асосланган ҳақиқий динини тарғибот қилиш билан шуғулланади:** бу жамият аъзолари Ведаларда кўрсатилган қонун-қоидаларга ўзлари қатъий риоя қиладилар ва уларни бошқаларга ўргатадилар. Албатта, ҳар қандай диний ҳаракат ҳам ўзларининг дини ҳақиқий дин эканини даъво қилади, лекин **ҳақиқий динни сохта динлардан ажрата билишни ҳар ким ўзи билиши керак.** Сизнинг айбингиз шундаки, динни ниқоб қилиб олган одамлардан бир неча марта алданганингиз сабабли, ўйлаб ҳам ўтирмасдан “ҳамма динлар сохта” деб хулоса чиқаргансиз. Сиз тил учида буларнинг ҳаммаси афюн, ёлғон деган сўзлар билан Худони ва Унинг ҳақиқий динини қораламоқчи бўлдингиз, лекин **ёлғон нима эканини билиш учун инсон аввал ҳақиқатни билиб олиши лозим,** сиз эса ҳақиқат нима эканини билмайсиз.

Мен олимларнинг ҳаммаси сизга ўхшаган адашган, фирибгар-қаллоб демоқчи эмасман, шуни яна таъкидлаб айтаманки, “ҳаёт моддадан пайдо бўлади” деб ҳисоблайдиган сиз ва сизга ўхшаган олимларнинг ҳаммаси ё тузалмас тентак, ё фирибгар-қаллоб эканига шубҳа йўқ. Аслида сизда унисидан ҳам, бунисидан ҳам етарлича бор, чунки ўжарлик билан “ҳаёт кимёвий моддалар бирикмасидан пайдо бўлган” деган ёлғон гапга қаттиқ ёпишиб олгансиз. Сизнинг бу таълимотингизнинг реактив моддалардан олгин яратишга уриниб юрган алхимиклар таълимотидан нима фарқи бор? Ҳозирги олимлар ўша алхимиклар устидан куладилар, лекин ўзлари кимёвий моддалардан ҳаёт яратишга уриниб юрибдилар. Ахир бу ғирт аҳмоқлик, яъни, нодонликка ишониш эмасми? Агар сиз кимёвий моддалардан бирор ҳаёт турини яратиб, буни амалда исботлаб берсангиз, мен буни аниқ факт деб тан олишга тайёрман.

Ҳозир сизнинг умрингиз ниҳоясига етяпти, ажалингиз етганда, Азроилнинг элчилари жонингизни олиб кетгани келганида, балки бу гапларни эслаб, ҳаммасини тушуниб етарсиз. Лекин унда жуда кеч бўлади, чунки ночор ва ноилоҳ қолган сизни улар яна бирор танада қайта туғилишга мажбур қиладилар, шунда сиз янги танада яна туғилиш, ўлиш, кексалик ва касаллик билан курашнинг янги даврини бошлайсиз. Лекин, қалбида чуқур имон билан ҳамиша тилида ва дилида Худонинг муқаддас номларини(Харе Кришна мантрасини) зикр қилиб юрган киши бундай туғилиб-ўлишлардан, тирикчилик учун тинимсиз кураш олиб боришлардан биратўла халос бўлади\*. Барибир сиз ҳам ана шу маслаҳатга қулоқ солишингиздан умидвор бўлгим келади.

Хамсадута Свами.

\*\_---

Бу гап қуръонда ҳам тасдиқланади: “Улар биринчи ўлимдан бошқа ўлимни тотмаслар. Аллоҳ уларни дўзах азобидан сақлагандир. Парвардигор томонидан бўлган фазлу-марҳамат шудир. Мана шу улуғ бахтдир”(Духон сураси 56-57). (тарж.)

## Сўнг сўз

Д-р Абрахам Кавур 1978 йил 18 сентябрь куни Шри-Ланкада оламдан ўтди. У рақ касалидан даволаниб юрган бўлишига қарамай, врачларнинг аниқлашига кўра унинг ўлимига тасодифий юрак хуружи касали сабаб бўлган.

Илова

1. Аввалига Ведалар илми битта китобда нозил бўлган. Бу илоҳий илми ҳатто тафаккури етарли даражада ривожланмаган кишилар ҳам тушуна олиши учун беш минг йил муқаддам донишманд Вйасадева уни тўрт қисмга бўлган(Риг-, Йаджур-, Сама- ва Атхарва-веда). Вйасадева Парвардигорнинг Ерда мужассам бўлган ва маълум бир ваколатга эга бўлган тимсоли эди. Шунингдек, у ўн саккиз Пурана, "Маҳобҳорат", "Веданта-сутра" сингари муқаддас китобларни ёзиб, Ведалардаги донишмандлик илмини одамлар орасида кенг тарқатиш вазифасини ўз зиммасига олди. Лекин шунга қарамай, у ўзининг бу ишидан мамнуният ҳосил қилмади. Шунда у руҳий устози Нарада Муни раҳбарлиги остида “Ведалар илмининг етилиб пишган меваси” деб ҳисобланадиган буюк "Шримад Бхагаватам" асарини ёзган.

2. "Бхагавад-гита" бутун жаҳонда кенг тарқалган. Бу асар бутун Ведалар илмининг қаймоғи ҳисобланади. Унда ягона Парвардигор Шри Кришнанинг Курукшетра жанг майдонида Ўзининг содиқ хизматкори Аржунга берган муқаддас насихатлари келтирилган. Унда Парвардигор Шри Кришна руҳий англашнинг мукамал усулини таърифлаб беради.

Аслида санскрит тилида ёзилган "Бхагавад-гита" ҳозирги кунда жаҳоннинг деярли барча тилларига таржима қилинган(инглиз тилида унинг 600 га яқин таржимаси мавжуд). Ҳазрат Бхактиведанта Свами Прабхупада таржима қилган “Асл ҳолидаги "Бхагавад-

гита" асари "Бхагавад-гита"нинг шоғирдлар силсиласида турган Худонинг асл содиқ хизматкори инглиз тилига таржима қилган биринчи наشري ҳисобланади. Шунинг учун “Асл ҳолидаги "Бхагавад-гита" Парвардигор Шри Кришнанинг таълимотини китобхонларга ҳеч қандай ўзгаришларсиз асл ҳолида аниқ етказиб берган.

3. Баньян - Ҳиндларнинг муқаддас анжир дарахти(фигус религиоза). Унинг шохалари ергача тегиб, яна, томир ташлаб кетади ва шу тарзда бош дарахтни озуқа билан таъминлаб туради.

4. "Шримад Бхагаватам" – ўн саккиз Пуранадан бири, одатда “Бенқсон Пурана” деб аталади. Беш минг йил аввал Вйасадева ёзган. "Шримад Бхагаватам" - "Веданта-сутра"га муаллифнинг ўзи ёзган табиий изох бўлиб, бутун ведавий донишмандлик илмининг қаймоғи ҳисобланади. Шрила Прабхупада бу ерда "Шримад Бхагаватам"(2.3.19)нинг 19-шеърни назарда тутди: **“Ит, чўчка, туя ва эшакларга ўхшаган одамлар ҳеч қачон инсонни ҳар қандай ёвузликдан халос қиладиган Парвардигор Шри Кришнанинг илоҳий эрмаклари ҳақидаги ҳикояларни тингламайдиган одамларни олқишлайдилар”**.

5. Баъзан қорни оч қолган киши озгина бўлса ҳам шира тотиш умидида бошқа бировлар шимиб бўлиб кўчага ташлаган, таркибида шакар деярли қолмаган шакарқамишни олиб шима бошлайди. Мана шу “чайналганни чайнаш” деб аталади.

6. Шрила Бхактивинода Тхакур(1838-1914) – шоғирдлар силсиласида турган буюк ачарйалардан бири, Кришнани англаш илмининг устози. Унинг ўғли Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Госвами Махараж Прабхупада бу илми бутун жаҳонга тарқатган Шрила Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг руҳий устози эди. Шрила Бхактивинода Тхакур Худони англаш илми бўйича жуда кўп асарлар ёзган.

7. Илм ўрганишнинг пастдан юқорига бориш(индуктив) жараёнида инсон ҳақиқатни ўзининг шахсий кузатишлари ва улардан чиқарган халосалари ёрдамида тушуниб олишга ҳаракат қилади, илм юқоридан пастга тушадиган(дедуктив) жараёнда эса, у ишончли манбанинг кўрсатмасини қабул қилади. Ана шу усуллар илми ўрганишнинг индуктив ва дедуктив усуллари деб аталади.

8. “Руҳий устозим” деганда Шрила Прабхупада ўзининг руҳий устози Шрила Бхактисиддханта Сарасвати Госвами Махараж Прабхупадани назарда тутди.

9. “Бутун жаҳон ахлининг руҳий устози”

10. *Вайшнава* – Парвардигор Вишнунинг содиқ хизматкори. Кришна – Вишнунинг бошланғич қиёфаси, шунинг учун Кришнанинг барча содиқлари ҳам *вайшнава* ҳисобланади.

11. Рағхунатха дас Госвами – Шри Чaitанья Махапрабхунинг яқин ҳамроҳлари бўлган олти Госваמידан бири. Уларга Парвардигор Чaitаньянинг бутун жаҳон бўйлаб Худони англаш илмини кенг тарғибот қилиш вазифасини давом эттириш бурчи юкланган эди. У қаттиқ риёзатларга берилиб яшаши билан ажралиб турарди.

12. **“Инсон ана шу илоҳий илмга эришган заҳоти Олий Брахманни англаб етади. У ҳеч қачон мусибатга тушмайди, ҳеч қандай орзу-истаги қолмайди. У барча тирик мавжудотларга бир хил муносабатда бўла бошлайди. Ана шундай инсон Менга муҳаббат ва садоқат билан хизмат қилиш ҳуқуқига эга бўлади”**(“Бхагавад-гита” 18.54).

13. *Карма* ибораси “фаолият” деганни билдиради. *Карма* қонуни деганда тирик мавжудотнинг ҳар қандай

фаолиятининг оқибатини белгилайдиган “сабаб ва оқибатлар қонуниятини” назарда тутилади. Умуман олганда *карма* қонунини қисқача: “ҳар ким экканини ўради” деб таърифлаш мумкин.

14. ДНК молекулалари тирик ҳужайрада насл қолдириш ахборотини ташувчи воситалар ҳисобланади. Уларда ёзилган ахборот маълум даражада тирик мавжудотнинг тана тузилишини белгилайди.

15. Фаришталар - одамларга қараганда анча юксак даражада ривожланган тирик мавжудотлар. Улар Коинотнинг олий, жаннатий сайёраларида яшайдилар.

16. **“Омадсиз йог тақводор зотлар яшайдиган сайёраларда узоқ йиллар бахтли ҳаёт кечиргандан кейин эзгу ниятли одамлар хонадониди ёки маданиятли бадавлат кишилар оиласида дунёга келади”**(“Бхагавад-гита” 6.41).

17. **“Парвардигор ҳар бир тирик мавжудот қалбиди мавжуд, эй Аржун, У бу дунёда худди моддий қувват яратган машина ичиди ўтиргандай адашиб юрган барча тирик мавжудотларнинг фаолиятини бошқариб туради”**(“Бхагавад-гита”.18.61).

18. Шримати Радхарани – Парвардигор Шри Кришнанинг мангу рафиқаси ва Унинг энг яқин содиғи. Кришнанинг ички руҳий қуввати, лаззатланиш қувватининг тимсоли ҳисобланади.

19. *Брахмастра* – Ведалар даврида баъзан амалда қўлланилган қудратли астрал қурол. Махсус мантраларни тиловат қилиш ёрдамида ҳаракатга келтирилган.

20. Валмики – буюк донишманд ва мутафаккир олим, “Рамайна” асарининг муаллифи.

21. Парвардигор Чаитанья Махапрабху – буюк авлиё ва диний реформатор. Ўн бешинчи асрда Бенгалияда Худонинг муқаддас номлари(Харе Кришна махамантраси)ни биргаликда куйлаш ҳаракатига асос солган. Вайшнавлар Уни ҳозирги даврда ҳақиқий дин қонунларини ўрнатиш учун келган Кришнанинг тимсоли – *йуга-аватара* деб биладилар.

22. Ҳиндистондаги бу муқаддас шаҳарлар бир-биридан юзлаб километр узоқда жойлашган.

23. *Ваикунтха* - Парвардигор салтанатининг санскрит тилидаги ифодаси бўлиб, “ташвиш-ғам бўлмаган жой” деган маънони англатади.

24. Қирқ минг ёруғлик йилига тенг масофа тахминан 235 квадрильон км ни ташкил этади.

25. *гопи* – Вриндавандаги подачи қизлар, улар Кришна билан илоҳий муҳаббат ришталари орқали каттик боғланган.

26. Камса – ўз даврининг энг буюк иблисларидан бири, Кришнанинг ашаддий душмани. Бир неча марта Кришнани ўлдиришга уринади, лекин оқибат-натияжада унинг ўзи Кришнанинг қўлида ҳалок бўлади.

27. Пугана – даҳшатли иблис-ялмоғиз. Камса уни Кришнани ўлдириш учун Вриндаванга юборади. У кўксига захар суртиб, Кришнани эмизади. Унинг ниятини билган Кришна унинг кўксидан сути билан бирга ҳаёт нафаси(жони)ни ҳам суғуриб олади.

## Муаллиф ҳақида

Ҳазрат Абхай Чаранаравинда Бҳактиведанта Свами Прабхупада 1896 йил Ҳиндистоннинг Калькутта шаҳрида дунёга келган. Шу ерда, Калькуттада у 1922 йил, ўзининг руҳий устози Шрила Бҳактисиддханга

Сарасвати Госвами билан илк бор учрашган. Буюк файласуф, олтмиш тўртта Гаудия-матх(ведавий жамият)га асос солган Бҳактисиддханга Сарасватига бу ўқимишли ёш йигит жуда ёқиб қолди ва у Шрила Прабхупадани бутун умрини Ведалар илмини тарғибот қилишга бағишлаши лозимлигига ишонтирди. Шу тариқа у Шрила Прабхупаданинг руҳий устози бўлди. Орадан ўн бир йил ўтгандан кейин Шрила Прабхупада ундан расмий равишда руҳий ҳаётга фотиҳа олди.

Биринчи учрашув пайтидаёқ Шрила Бҳактисиддханга Сарасвати Тхакур Шрила Прабхупададан Ведалар таълимотини инглиз тилида тарғибот қилишни илтимос қилди. Кейинги йиллар давомида Шрила Прабхупада Гаудия-матх фаолиятига ёрдам бериб юрди, “Бхагавад-гита”га изоҳ ёзиш билан шуғулланди, 1944 йилда эса, ойда бир марта инглиз тилида чиқадиган “Бак ту Годхед”(“Худога қайтиш”) деган жариди чиқара бошлади. Ҳозирги даврда унинг шогирдлари мазкур жаридани жаҳоннинг ўттиздан ортиқ тилида нашр қилиптилар.

1947 йил Гаудия-вайшнавлар жамияти, Шрила Прабхупаданинг билимдонлигини ва Худога бўлган садоқатини тан олиб, унга “Бҳактиведанта” илмий унвонини берди. Шрила Прабхупада 1950 йил, эллик тўрт ёшида оилавий ҳаётни тарк этди ва ўзининг бутун вақтини илмий машғулотларга ҳамда китоб ёзишга бағишлаш учун *ванапрастха* турмуш тарзини қабул қилди. У муқаддас Вриндаван шаҳрида жойлашиб, машҳур Радха-Дамодара эҳромида жуда оддий шароитда яшай бошлади. Бир неча йил давомида Шрила Прабхупада илмий изланишлар ҳамда китоб ёзиш билан машғул бўлиб яшади. 1959 у таркидунёлик турмуш тарзига ўтиб, *саннийаси* унвонини қабул қилди. Айнан Радха-Дамодара эҳромида Шрила Прабхупада ўзининг кўп жилдли буюк бадий асарини - санскрит тилида ёзилган, ўн саккиз минг мисрадан иборат бўлган хинд халқининг мумтоз фалсафий асари “Шримад Бхагаватам”(“Бхагавата-пурана”)ни таржима қилиш ва унга изоҳ ёзишни бошлади. Шу ерда у “Ўзга сайёраларга енгил саёҳат” деган асарини ёзди.

1965 йил, Шрила Прабхупада “Шримад Бхагаватам”нинг инглиз тилидаги биринчи уч жилдини нашрдан чиқариб, руҳий устози зиммасига юклаган вазифани адо этиш мақсадида Америка Қўшма Штатларига йўл олди. Кейинги йилларда у Ҳиндистоннинг мумтоз фалсафий ва диний асарларининг таржималари, уларга ёзилган изоҳлар ва китоблардан иборат бўлган олтмиш жилддан ортиқ китоблар нашр қилди.

1965 йил сентябрида юк кемаси бортида Нью-Йорк портига келиб тушганида, Шрила Прабхупаданинг ёнида тирикчилик қилиш учун деярли ҳеч қандай пули йўқ эди. АҚШда бир йил яшаб, оғир қийинчиликларни бошидан кечириб, 1966 йилнинг июл ойида Шрила Прабхупада Кришнани англаш Халқаро Жамияти(ИСККОН)га асос солди. Шрила Прабхупада бу дунёни тарк этиб кетган пайтда(1977 йил 14 ноябрь), у асос солган бу жамият юздан ортиқ ашрамлардан, мактаблардан, эҳромлардан, институт ва қишлоқ-хўжалик жамоаларидан иборат бўлган катта Халқаро Конфедерацияга айланган эди.

1968 йил Шрила Прабхупада АҚШда биринчи ведавий қишлоқ-хўжалик тажриба жамоасига асос солди. Бундай хайрли ишнинг муваффақиятли амалга ошганидан илҳомланиб, унинг шогирдлари ҳозиргача АҚШ ва ундан ташқарида бунга ўхшаган жуда кўп жамоалар ташкил қилдилар.

1972 йил Шрила Прабхупада Далласда гурукула ташкил қилиб, ғарбий давлатларда болаларга бошланғич ва ўрта таълим-тарбия беришнинг ведавий тизимига асос солди. Унинг кўрсатмалари асосида Шрила Прабхупаданинг издошлари бутун жаҳон бўйлаб болалар учун мактаблар ташкил қила бошладилар, ҳозир ИСККОНнинг икки асосий таълим-тарбия маркази Ҳиндистоннинг Вриндаван ва Майяпур шаҳарларида жойлашган.

Бундан ташқари, Шрила Прабхупада шогирдларини Ҳиндистонда бир неча катта халқаро маданий марказлар барпо этишга илҳомланганди. Ғарбий Бенгалияда жойлашган Шридхамма Майяпурдаги ана шундай халқаро маданий марказ атрофида катта руҳий шаҳар барпо қилиш режалаштирилган: бу катта лойиҳани амалга ошириш бир неча ўн йилга мўлжалланган. Вриндаванда улғувор Кришна-Балорам эҳроми ҳамда бутун жаҳондан келадиган зиёратчиларни қабул қиладиган катта меҳмонхона барпо этилди. ИСККОНнинг катта-катта маданий ва таълим-тарбия марказлари Ҳиндистоннинг Бомбей ва бошқа катта шаҳарларида жойлашган.

Аммо, Шрила Прабхупаданинг инсониятга қолдириб кетган энг муҳим, бебаҳо неъматлари - унинг китобларидир. Бу китобларнинг нуфузлилиги, аниқ ва чуқур баён қилинганлиги бутун жаҳон олимлари томонидан юксак баҳоланган бўлиб, ҳозирги кунда жаҳоннинг кўплаб коллеж ва университетларида улардан махсус ўқув қўлланмаси сифатида фойдаланиляпти. Шрила Прабхупаданинг асарлари жаҳоннинг етмиш бешдан ортиқ тилларига таржима қилинган. Шрила Прабхупада 1972 йилда асос солган "Бхактиведанта Бук Траст" нашриёти Ҳиндистоннинг фалсафий ва диний асарларини нашр қилувчи жаҳондаги энг катта нашриёт ҳисобланади.

Кексалигига қарамай, Шрила Прабхупада ўн икки йил давомида беш континентнинг ҳар бирида турли маърузалар қилиб, Ер юзини ўн тўрт марта айланиб чиқди. Лекин, қанчалик банд бўлмасин, у ҳеч қачон китоб ёзишни қанда қилмасди. Шрила Прабхупаданинг асарлари Ведалар фалсафаси, диний таълимоти, адабиёти ва маданияти бўйича ҳақиқий энциклопедия ҳисобланади.

## **Бхакти-йоганинг асосий қонун-қоидалари**

Қандай ҳолатда, қандай шароитда шуғулланишидан қатъий назар, Ҳаре Кришна маха-мантрани зикр қилиш билан муҳофаза қилиш инсоннинг руҳий юксалишига жуда катта ёрдам беради. Лекин, унинг самарасини яна ҳам ошириш учун буюк устозлар баъзи қоидаларга амал қилишни тавсия қиладилар. Инсон зикр билан қанчалик кўпроқ машғул бўлса, унинг бу қоидаларга амал қилиб юриши шунчалик осон бўлади, чунки зикр шарофати билан у руҳий қудратга эга бўлиб, қалбида юксак руҳий лаззатларга интилиш кучаяди. Мантра зикр қилишдан илоҳий лаззат ола бошлаган кишининг руҳий юксалиш йўлида ғов бўладиган ҳар хил бемаъни одатларни тарк этиши ҳам осон бўлади.

1. Ҳаётда руҳий юксалишга жиддий интилаётган киши қуйидаги тўрт асосий қоидага амал қилиши лозим. У:

- а) овқатга гўшт, тухум, балиқ ишлатмаслиги;
- б) маст қилувчи нарсалар(ғиёҳванд моддалар, арок, тамаки, ҳатто чой ва кофе) истеъмол қилмаслиги;
- в) ҳар хил кимор, лоторея ўйинларида иштирок этмаслиги, ҳаром йўллар билан пул, мол-дунё тўпласлиги;

г) зино қилмаслиги лозим.

Бу қоидаларга риоя қилиб яшаш шарофати билан инсон жуда тез вақт ичида руҳий юксалишга эришади, акс ҳолда унинг моддий, ўткинчи дунёвий нарсаларга боғланиши кучайиб, руҳий юксалиши сусайиб кетади. Мунтазам равишда маха-мантра зикр қилиш жараёни шу қадар қудратли руҳий кучга эга-ки, вақт ўтиши билан фақат биргина шу амалнинг ўзиёқ ҳеч қийналмасдан мазкур қоидаларга амал қилиб яшаш имконини беради.

2. Мунтазам равишда Ҳазрат А. Ч. Бхактиведанта Свами Прабхупаданинг китобларини, айниқса "Асл ҳолидаги Бхагавад-Гита" ва "Шримад Бхагаватам" асарларини ўқиб юриш лозим.

3. Қалбини поклаш ва ҳар хил моддий иллатлар билан булғанишдан сақлаш учун инсон ҳаммаша аввало Парвардигорга таклиф қилинган вегетариан таомлар билан овқатланиб юриши лозим. Бу билан у ўздан-ўзи барча қилган гуноҳлари оқибатидан халос бўла боради.

4. Ҳаётда ўзи қилаётган ҳар бир ишининг натижасини Худога бағишлаши керак. Агар юқорида кўрсатилган асосий тўрт қоидага бевосита зид бўлмаса, инсон ҳар қандай фаолият билан шуғулланиб яшаши мумкин, у фақат қилган меҳнатининг натижаларини Худога бағишлаши лозим.

5. Зикр қилиш ёрдамида руҳий юксалишда баркамолликка эришишга жиддий интилаётган киши кундалик турмушида иложи борича, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари, қизиқиши ўзининг қизиқишларига яқин одамлар билан кўпроқ ҳамсуҳбат бўлиб юришга ҳаракат қилиши лозим. Натижада у руҳий жиҳатдан тобора кучлироқ қудратга эга бўла боради. Албатта, атрофимиздаги одамларнинг гаплари, ишлари бизга жуда кучли таъсир кўрсатади, шу боис, руҳий ҳаёт билан қизиқмайдиган, Худога ишонмайдиган иймонсиз, ҳаром-ҳалолнинг фарқига бормайдиган бефаросат, маданиятсиз, нопок, виждонсиз одамлардан узоқроқ юрган маъқул.

Худонинг истаган муқаддас номларини зикр қилиш мумкин. Руҳий юксалишда пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. кўрсатган йўлдан бораётган кишилар Парвардигорнинг "Аллоҳ", "Субҳаналлоҳ", "Алҳамдулиллоҳ", "Аллоҳу акбар" сингари номларини, ёки ўзларининг руҳий устозлари берган калималарни зикр қилиб юришлари мумкин. Христиан динига эътиқод қилиб, Ийсо Масих ўғитларига амал қиладиган кишилар "Иисога илтижо"ни, яъни, "Господе, Иисусе Христе, помилуй меня" калимасини зикр қилишлари мумкин. Қадисий ведавий муқаддас китобларда ҳозирги биз яшаб турган, динсизлик авж олган Кали юга давридаги одамлар учун, қайси динда бўлишидан қатъий назар, Парвардигорнинг муқаддас номларидан таркиб топган қуйидаги маха-мантрани тақрорлаб юриш тавсия қилинган.

Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре  
Ҳаре Рама Ҳаре Рама Рама Рама Ҳаре Ҳаре

## **Йогларнинг овқатланиш қоидаси**

Ҳиндистондаги эҳромларга биринчи бор кирган одамлар меҳробда Парвардигор Кришнанинг тасвири олдида ҳар хил таомлар тақдим қилиш маросимини кузатар экан, хайрон бўлишлари мумкин. Ҳақиқатан ҳам, наҳотки ҳар нарсага қодир қудратли Парвардигор ҳам оч бўлса? Наҳотки Парвардигор мана шу кичкина тарелкадаги овқатга зор бўлса? Ахир мана шу нарсаларнинг ҳаммасини Унинг Ўзи яратиб қўйгани

йўқми? Ахир У Ўзига тўла бутун бўлган Илохий Зот эмасми?

Ҳа, Парвардигор ҳақиқатан ҳам биздан Унга таом тақдим этишни илтимос қилади. Лекин, буни У ҳақиқатан ҳам Ўзига гуруч ва сабзавотлар керак бўлгани учун эмас, балки биринчи навбатда бизнинг Унга, яъни, Худога бўлган садоқатимизни синаб кўриш учун қилади. У айтадики, **содиқ хизматкорим Менга муҳаббат ва садоқат билан барг, гул, мева ва сув эҳсон қилса, Мен унинг эҳсонини қабул қиламан.** Аслида, биздан Ўзига таом тақдим қилишни илтимос қилиш билан Парвардигор бизларни У билан ўзаро мангу муносабатларимизни қайта тиклашга ундайди. Аввалига, Парвардигорнинг сўзларини қабул қилиб, бурч юзасидан Унинг кўрсатмаларига амал қила бошлаймиз, кейин қалбимиз тобора покланиб, руҳий жиҳатдан юксала борган сари, қалбимизда Худога боғланиш ва муҳаббат туйғулари кучая бошлайди. Севган кишига ўзида бор бўлган нарсаларнинг энг яхшисини беришга тайёр бўлган киши сингари, Худонинг содиқ хизматкори ҳам Унга ўз овқатини, бойлигини, ақлини ва бутун ҳаётини тақдим этади.

Ягона Парвардигор - ҳар биримизнинг ҳақиқий севгилимиздир. Лекин, биз ўзимиз билмаган Зотга бирор нарса тақдим эта оламизми? Парвардигор ҳақида мукаммал илмга эга бўлиш, Уни таниш учун инсон муқаддас китобларнинг қонунларига асосланган Ведалар маданияти қоидаларига амал қилиб яшаши лозим. Агар сиз Худога таом тақлиф қилишни бошлашга қарор қилган бўлсангиз-у, лекин бирор сабабларга кўра ҳали ҳамма қонун-қоидаларга амал қила олмаётган бўлсангиз, хафа бўлманг. Парвардигорнинг бу дунёда намоён бўлган кифоаларидан бири Рамга Океан орқали кўприк қуришда ёрдам берган кичкина ўргимчак ҳикоясини эсланг: Хануман ва бошқа хизматкорлар кўприк учун катта-катта тошларни олиб келардилар. Кичкина ўргимчак эса, биргина кум заррасини зўрға кўтариб келарди. Шунда Парвардигор Ханумандан ҳам, кичкина ўргимчакдан ҳам бирдай мамнун бўлган эди. Худди шундай, Худо сизнинг таомингизга зор эмас, У сизнинг Унга бўлган имон-этиқодингизни, ихлосингизни, муҳаббатингизни, садоқатингизни кадрлайди! Шунини тушунган инсон бирор нарсани ўзи истеъмол қилишдан аввал албатта шукроналик, миннатдорчилик билан уни Худога тақлиф қилишни ўзига одат қилиб олишга ўрганиши лозим.

Парвардигорга таом тақлиф қилиш учун алоҳида жой тайёрланг. Бу жой имкониятингизга қараб алоҳида стол ёки бутун бир хона бўлиши мумкин. Шу ерда Парвардигор Кришнанинг тасвирини кўядиган меҳроб ясанг. Парвардигорнинг чап томонида Шримати Радхаранининг тасвири бўлиши керак. Шримати Радхарани – Парвардигор Кришнанинг лаззатланиш қувватининг тимсоли бўлиб, У Худога хизмат қилишга самимий интилаётган содиқнинг қалбида муҳаббат туйғусини уйғотади. Меҳробга Шрила Прабхупаданинг, руҳий устозингизнинг расмларини ҳам қўйинг. Шогирдининг Худога тақдим қилаётган таомини устози олиб, ўзининг устозига, унинг устози эса ўз навбатида ўз устозига тақдим қилади ва шу тартибда устозлар силсиласи орқали шогирдининг тақдим қилган таоми ягона Парвардигорнинг олдига боради. Ҳақиқий руҳий фаолият билан шуғулланиб ҳақиқий руҳий устозлар силсиласи албатта ягона Парвардигорнинг Ўзидан бошланган бўлади.

Таом тайёрлаш учун озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилаётганда ҳам фақат Худони мамнун қилиш

ҳақида ўйланг. Шу боис фақат яхши сифатли маҳсулотларни сотиб олинг. Гўшт, тухум, балиқ, пиёз, саримсоқ сингари ғафлат сифатига мансуб бўлган ярқисиз нопок маҳсулотлар пок Парвардигор учун таом тайёрлашда ишлатиладиган ҳалол-пок маҳсулотларга аралашиб кетмасин.

Овқат пишираётган киши тайёрланаётган таомдан ўзи қандай лаззатланиши ҳақида эмас, балки бу таомдан биринчи бўлиб Кришна, Парвардигорнинг шахсан Ўзи лаззатланиши ҳақида ўйлаши лозим. У: “Парвардигор менга ризқ бўлсин деб шундай ширин, ҳалол-пок нарсаларни яратиб қўйибди, мен булардан мазали қилиб, Худони мамнун қиладиган лаззатли ширин таом тайёрлашим керак!” - деб ўйлаши лозим. Овқат пишираётганда Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш, Ҳаре Кришна мантрасини такрорлаш ёки мантра қуйланган кассета тинглаш мумкин. Шунда овқат пишираётганда ақлингизга ўзидан-ўзи кириб келаётган ҳар хил бемаъни фикрлардан ҳалос бўласиз, айни пайтда овқат пишириш пайтида қилган ишларингизнинг ҳаммаси Худони эслаш, Худога хизмат қилишга, яъни ҳақиқий тоат-ибодатга айланади.

Тақводорлик билан озодалик бир-бирига опасингил бўлган сифатлардир. Парвардигор учун таом тайёрлаётган киши ақлининг, онгининг, қалбининг поклиги билан бирга танасининг поклигига ҳам жиддий эътибор бериши лозим. Ошхонага киришдан олдин кийимингиз, танангиз озода, сочингиз ихчам турмакланган ёки ўрилган бўлсин. Ошхона, идиш-товоклар, стол, газ плитаси чиннидай тоза бўлсин. “Парвардигор ҳалол, пок жойда муҳаббат билан тайёрланган энг оддий таомни ҳам қабул қилади, лекин нопок ошхонада тайёрланган энг тансиқ таомни ҳам қабул қилмайди” - деган эди Худонинг буюк содиғи Шрила Прабхупада.

*Прасад*(Худога тақдим этилган таом) билан *бхога*(ҳали Худога тақдим этилмаган нарсалар) ҳеч қачон бир-бири билан аралашиб кетмаслиги керак. Худога бир марта тақдим этилган нарсани Унга иккинчи марта тақдим этиш асло мумкин эмас. Шу боис ҳамшиша прасадни алоҳида идишларда сақлаш керак. Овқат пишираётган киши ундан ҳатто таомнинг таъминини, пишган-пишмаганини кўриш учун ҳам татиб кўрмаслиги керак. Таомдан биринчи бўлиб Парвардигор тоттиши, яъни Кришна лаззатланиши керак. Биров таъминини тоттиб кўрган таомни Парвардигорга тақлиф қилиш асло мумкин эмас. Тайёр бўлган таомдан алоҳида идишларга солиб, иложи бўлса гуллар билан чиройли безаб, меҳробдаги Илоҳга тақлиф қилиш лозим. Бу идишларда Кришнадан бошқа ҳеч ким овқатланмаслиги керак. Кришнага таом тақлиф қилиш маросими тугамагунча қолган таомларга ҳам ҳеч ким тегмаслиги керак. Кришнанинг ликобчалари ёнига кичкина идишда гармдори, туз қўйиш, мушк анбар тутатиш мумкин. Таом солинган ликобчаларни Кришнанинг тасвири олдига қўйиб Ҳаре Кришна махамантрасини уч марта такрорланг:

*Ҳаре Кришна Ҳаре Кришна, Кришна Кришна Ҳаре Ҳаре Ҳаре Рама Ҳаре Рама, Рама Рама Ҳаре Ҳаре*

Таомлар Кришнанинг олдига бир неча дақиқа туриши керак. Ҳаре Кришна мантрасининг маъноси: “О Радхарани, о Кришна, эй Парвардигор, Сенга муҳаббат билан холис хизмат қилишимга руҳсат бер!”

Биз ўзимизнинг холис хизматимиз билан Худони мамнун қилишни қай даражада истасак, қилаётган эҳсонимиз Уни шу даражада қувонтиради. Биз Кришнага ҳар хил тансиқ таомларни тақлиф қилишимиз мумкин, лекин энг муҳими бизнинг Унга

бўлган ихлосимиз, муҳаббатимиз, садоқатимиздир. Бу ҳақиқат Қуръонда ҳам таъкидланган: **“Итоат қилувчи зотлар ...биз ризқ қилиб берган ҳалол пок нарсалардан инфоқ-эхсон қиладиган зотлардир”**(Ҳаж.34). **“Оллоҳга қурбонликларнинг гўшглари ҳам, қонлари ҳам етмас. Лекин У Зотга фақат сизларнинг тақво-ихлосингиз етар”**(Ҳаж.37). Шу боис бизнинг Худога тақдим этадиган энг асосий эҳсонимиз - муҳаббат ва садоқатимиз бўлиши лозим. Парвардигор Ўз содиқларининг муҳаббат ва садоқат билан қиладиган ҳолис хизматларидан лаззатланади. **“Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учун яратдим. Мен улардан бирон ризқ истамасман ва улар Мени таомлантиришини истамасман”**(Қуръон. Ваз-3-зорийёт. 56-57).

Бир неча минутдан кейин, Илоҳнинг олдида таом солиниб турган ликобчани олиш мумкин. Прасадни бошқа идишга солиб қўйинг ва Кришнанинг идишларини ювинг. Энди прасаддан бошқаларга тарқатсангиз бўлади. Илоҳнинг ликобчасидан олинган прасад *маха-прасад* – “Худонинг буюк марҳамати” деб аталади. Бу алоҳида илоҳий қувватга эга бўлган прасад ҳисобланади, шу боис мана шу таомдан одамларнинг ҳар бири озгина бўлса ҳам албатта тотиши лозим.

Шрила Прабхупада прасад ҳақида шундай деган эди: “Прасад Парвардигорнинг Ўзидан фарқ қилмайди. Шу боис биз прасадни "ейишимиз" эмас, балки ҳурмат билан ундан "тотишимиз" лозим. Прасадни оддий овқат деб ўйлашнинг ўзи ҳақорат, оғир гуноҳ ҳисобланади. Прасад “Худонинг марҳамати” деганни билдиради, прасад тимсолида биз Парвардигорнинг Ўзини кўришимиз лозим. Кришнанинг марҳамати жуда кенг. Бу дунёда яшаётган тирик мавжудотларнинг ҳаммаси турли таомлар билан лаззатланишга интиладилар, шу боис Парвардигор ҳар хил таомлардан тотиб кўриб, чексиз марҳамат кўрсатиб ундан Ўзининг содиқ хизматкорларига қолдириб беради. Прасаддан тотиш билан содиқлар фақат иштаҳасининг, нафсининг талабини қондириб қолмасдан, руҳий жиҳатдан юксалиб, ҳаётини, онгини поклайдилар. Шу боис прасадни ҳеч қачон оддий овқатларга тенгламанг”.

Бошқача қилиб айтганда, агар содиқ прасад тимсолида Парвардигорнинг унга кўрсатаётган буюк марҳаматини ҳис қилиб овқатланса, у шунчаки овқатланмаган, балки айни пайтда Худонинг марҳаматига муносиб эҳтиром кўрсатиб, Худога хизмат қилган бўлади. Шу тарика прасад тимсолида Парвардигорга сиғиниб, содиқлар ўзлари чуқур лаззат олиш билан бирга Худони ҳам мамнун қилган бўладилар. Қилаётган хизмати билан Парвардигорни мамнун қилиб юрган, Худони рози қилишга эриша олган киши эса, ҳаётда ҳамиша бахтиёр яшайди. Руҳий жиҳатдан юксала бориб, буни ҳар бир инсон ўзи яққол ҳис қила бошлайди. Мана шу - ягона Парвардигор билан ҳақиқий боғланиш, яъни “йога” деб аталади. Худога овқат тақлиф қилишнинг мана шундай оддий жараёни бизга Ведаларда ёзилган Ҳақиқат илмини тушуниб олишда ёрдам беради: ҳамма нарса Худонинг мулки ҳисобланади, шу боис биз ҳамма нарсани аввал Унга тақдим этишимиз, шу билан Уни мамнун қилишимиз лозим.

Ҳар гал, бирор таом тайёрламоқчи бўлсангиз, уни албатта Худо учун, яъни Кришна учун тайёрланг, тайёр бўлган таомни аввало Унга тақдим қилинг, шунда сизнинг уйингиз ҳам тез вақт ичида Худонинг уйига, муқаддас эҳромга айланади, қилаётган хизматларингиз билан Парвардигорга қанчалик яқинлашаётганингизни ўзингиз ҳам яққол ҳис қила бошлайсиз.

Агар сиз илгари ҳеч қачон Худога таом тақлиф қилмаган бўлсангиз, Унга жуда оддий йўл билан – шунчаки, Худонинг муқаддас номларини ёки Ҳаре Кришна мантрасини бир неча марта зикр қилиш билан таом тақлиф қилишингиз мумкин. Имонингиз кучайиб, қалбингизда Худога нисбатан муҳаббат ва садоқат туйғуси ривожлана борган сайин, Худонинг ҳақиқий содиқ хизматкорлари таомни Унга қандай тақлиф қилишларини ҳам ўрганиб олишингиз мумкин.

Ягона Парвардигорга имон келтирган инсонларга овқатланишдан олдин Худонинг муқаддас номларини зикр қилишни Қуръони каримда ҳам буюриб қўйган: Анъом сураси: 118. Бас, агар Аллоҳнинг оятларига иймон келтиргувчи бўлсангизлар, **Аллоҳнинг номи зикр қилинган нарсалардан еяверинглар.**120. Гуноҳнинг очигини ҳам, маҳфийсини ҳам тарқ қилингиз!.. 121. Аллоҳнинг номи **зикр қилинмаган нарсалардан емангиз!** Зотан бу иш итоатсизликдир...

Мунтазам равишда ҳар куни эрталаб куёш чикмасдан аввал Худонинг бирор ишончли муқаддас номларини ёки Худонинг муқаддас номларидан иборат бўлган мана шу илоҳий мантрани 10-15 дақиқа зикр қилиб юриш билан инсон ўзига кун бўйи етарли бўлган руҳий қувват олади. Буни ҳар ким ўзи амалда синаб кўриши мумкин. Парвардигор билан зикрий мураккаб орқали боғланишнинг бундай усули жаҳондаги барча динларда асосий амаллардан бири ҳисобланади. Исломи динида ҳам эрталаб намоз ўқилади. Одатда намоз ўқийдиган кишилар Худонинг муқаддас номларини "Алхамдулиллоҳ", "Субҳаноллоҳ", "Оллоҳу акбар" калималари кўринишида зикр қиладилар. Анкабут сурасида(45): **"Албатта намоз фахш ва ёмонликдан қайтарур! Аммо, Аллоҳнинг зикри ҳамма нарсдан улўғдир!"** - деб ёзилган. Бунинг устига Худонинг муқаддас номларини зикр қилиш учун намоз ўқишдаги сингари бажариш қийин бўлган ҳар хил мураккаб шартлар талаб қилинмайди. Агар яшаш шароитингиз, турмуш тарзингиз Худога ҳар куни беш вақт намоз ўқиш билан сиғиниш имконини бермаса, сиз ҳар куни Худонинг муқаддас номларини кучингиз етган миқдорда зикр қилиб юришингиз мумкин. Мана шунинг ўзиёқ Худога садоқат билан хизмат қилишнинг энг буюк усуллари билан бири бўлади, чунки Худога сиғинишдан мақсад ҳамиша Уни эслаб юришдан иборат. Худонинг муқаддас номларини зикр қилиб юрган киши бевосита Парвардигор билан боғланган бўлади. Тез вақт ичида буни ўзингиз яққол ҳис қила бошлайсиз.

## Мундарижа

**Сўзбоши**.....

**Кириш** Фан: ҳақиқат ва уйдирма.....

**Биринчи суҳбат**.....

Бошқа сайёраларда ҳаёт бор; Ҳар бир атомда коинот тасвирланган; Нисбийлик ва билим; 8.600.000.000 йилга тенг бўлган кун

**Иккинчи суҳбат**....

Эскирган дарвинизм; Келажакда...; Ҳаёт пайдо бўлиш зарнжиридаги етишмайдиган халқа; Нодонларга Нобел мукофоти; Тирик билан ўлик организмларнинг бир биридан фарқи; Алоҳида тирик мавжудотнинг ҳаёт кучи; Ҳар бир жумлада чексиз маъно мужассам

**Учинчи суҳбат**.....

Олимларнинг ўғирлиги; Табиатнинг келиб-чиқиши; Моддий олам – сароб;

**Тўртинчи суҳбат**.....

Эшаклар тараққиёти; Сўзлар ўйини ва жаҳоннинг таназулга юз тутиши; Қиймати миллиард доллар турадиган бир ховуч чанг; Санкхйя фалсафаси ва замонавий фан; Бевосита ва билвосита сабаблар; Жисмоний, моддий коинот;

**Бешинчи суҳбат**.....

Кўринмас ҳайдовчи; Долзарб муаммоларни ҳал қилиш ўрнига...; Илм-фан ўлимни тўхтатиши лозим; маккор шоғолнинг ҳукмдорлиги;

**Олтинчи суҳбат** .....

Сеҳр қудрати – модданинг манбаи; Сеҳр қудратининг келиб чиқиши

**Еттинчи суҳбат**.....

Алдоқчилар ва алданганлар жамияти; Ҳамдардлик; Қафасдан ташқарида;

**Саккизинчи суҳбат**.....

Оннинг эволюцион ўзгариши; Мангу истаклар учун яратилган таналар; H<sub>2</sub>O ва сеҳр қудрати; Ҳаёт дегани нима? Дарвин таълимотининг хатолиги

**Тўққизинчи суҳбат**.....

Тирик мавжудотнинг инсон танасидан ит танасига ўтиши; Нирвана; Тақдир ва карма; Жаҳолатни илм деб эълон қилиш

**Ўнинчи суҳбат**.....

Олимларнинг хатоси; “Ҳаммаси бир” деган таълимот нотўғри; Биз тана эмасмиз; Тана алмаштириш; Ҳамма нарса рухий табиатга эга; Бир вақтнинг ўзида бирлик ва фарқ қилиш

**Ўн биринчи суҳбат**: .....

Рухни излаш; Замонавий илм-фан инсониятга фойда келтиряптими ё зарар? Сохта тараққиёт.

**Ўн иккинчи суҳбат**: .....

Йога қуроли; Худонинг сифатлари; Билим Парвардигордан чиқади; Космик дастурлар – вақт ва маблағларни бекорга сарфлаш.

**Ўн учинчи суҳбат**:.....

Ҳақиқий содик истаклардан устун туради; рухни алмаштириш; модда билан руҳ орасидаги фарқ;

**Ўн тўртинчи суҳбат**:.....

Сайёралараро газ қатламининг пайдо бўлиши; Қантал уруғи тўла коп ичидаги бир дона уруғ; Яратган Зотни муносиб кадрлай билиш; Геронтология: мусибатларни у зайтириш; турлар пайдо бўлишининг ҳақиқий манбаи; Ўз ҳаётидан мамнун ҳайвонлар.

**Ўн бешинчи суҳбат**:.....

Худони кўра оладиган кўзлар; Имонсиз атеистларнинг мағлубияти; олимлар шиддат билан дўзах сари кетяптилар: исботи бор; сеҳрли телевидение.

**Ўн бешинчи суҳбат**: .....

“Олий” деганда нима назарда тутилади? Ведавий космология; Йога қудратининг кучи; Худо ҳеч қачон нольга тенг бўлмайди; Худонинг муҳаббатининг мутлақ табиати; Кимдан илм ўрганиш керак.

**Илова**.....

**Олимлар билан бўлиб ўтган баҳс**: ..

Д-р Кавур кузата олмаган нарса; д-р Кавурнинг мақоласи; Чақириқ ўз кучида қолади; баҳс хатлар орқали давом этади .....

**Сўнг сўз**: д-р Кавурнинг ўлими.....

Илова .....